

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“ДАВОЛАШ ИШИ”
(ХИРУРГИЯ)



ТОШКЕНТ 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ -
МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Даволаш иши”(Хирургия) йўналиши

**“ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ТИББИЙ СУҒУРТАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: Тошкент тиббиёт академияси, Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби доценти т.ф.н., доцент Авезова Г.С.

Тақризчилар: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири т.ф.д., проф. Ш.Т.Искандарова

Тошкент тиббиёт академияси, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси доценти т.ф.н., доценти Ш.Д.Каримбаев

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2020 йил 25-декабрдаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	5
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари....	12
III. Назарий материаллар	20
IV. Амалий машғулот материаллари	62
V. Глоссарий.....	104
VI. Адабиётлар рўйхати.....	107

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштириш тизими аҳолининг барча қатламини тиббий ёрдам билан тенг таъминлаш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатишга асосланган ва у Собиқ иттифоқ соғлиқни сақлаш модели негизида шаклланган. Кўрсатилган смета асосида молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш тизими халқаро амалиётга мос келмайди, бу моддий ресурслардан самарасиз фойдаланишга ва сурункали равишда молиявий етишмовчиликга олиб келади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг мавжуд камчиликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021-йил 1-январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий етиш тўғрисида кўрсатма берган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг "Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши ва бунда мажбурий тиббий суғуртани жорий етишнинг хуқуқий асослари, механизmlари ва босқичлари; мажбурий тиббий суғурта субъектлари ва ушбу соҳадаги хуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича ваколатли органлар, ҳамда уларнинг хуқуқ ва бурчларини ишлаб чиқиши визифаси топширилган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ошириш учун тиббиёт ходимларида, айниқса тиббиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг Тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш фани бўйича билим, қўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш модули тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш модули олий таълимдаги фаолият олиб бораётган профессор - ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиб, модулни чуқурроқ ўрганиш тингловчилари учун назарий ва амалий билимларни олишларига ёрдам беради. Кўпроқ билимга эга бўлган, мукаммал малака қўнималарини эгаллаган ҳар бир тингловчи келажакда тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш модули бўйича ўз касбий фаолиятини ва билимини оширишда ёрдам беради.

Шуни хисобга олиб, Тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш фани бўйича ушбу дастур тузилди ва унга асосан ўқув қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди. Тошкент Тиббиёт Академияси қошидаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида барча тиббиёт йўналишлари профессор- ўқитувчилари учун асосий фан сифатида ўқитилмоқда. Бундан ташқари ушбу қўлланма катта илмий ходим изланувчилар ва мустақил изланувчилар, магистратура талабалари, клиник ординаторлар, амалиётда фаолият кўрсатаётган

соғлиқни сақлаш тизими менежерлари ва шифокорлар томонидан кенг қўлланилиши тавсия этилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулни ўқитишдан мақсад - модул дастури мажбурий тиббий суғурта жамгармаси, соғлиқни сақлаш бошқарув соҳасида фаолият олиб борувчи, тиббий суғурта ва тиббиёт муассасаларининг ходимлари шунингдек барча йўналишдаги, жумладан олий тиббий таълимда фаолият юритаётган педагоглар ва тиббий суғуртанинг бошқа манфаатдор қатнашчиларига тиббий суғуртага оид билимларни бериш.

Барча тингловчилар ўз амалий ва илмий фаолиятларида тиббий суғуртанинг асосий тамойиллари ва компонентларидан амалиётда ва илмий тадқиқот фаолиятида материалларни топиш, таҳлил этиш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилишда кенг фойдаланадилар.

Модулнинг асосий вазифалари:

- Ўқув модулининг вазифаси амалдаги қонунларга тўғри риоя қилишни;
- меъёрий ҳужжатлардан тўғри фойдаланишни;
- мажбурий тиббий суғурта жамгармалари, тиббий суғурта ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларининг ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланиш;
- мажбурий тиббий суғурта тизими фаолиятини самарали ташкиллаштириш ва таъминлаш, яшаш жойи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун тенг тиббий ёрдамни таъминлаш борасида тингловчиларда билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- тингловчиларнинг тиббий ёрдам сифатини ошириш муаммоларини, уларни бартараф этишда хамшираларнинг ўрнини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- тиббий суғуртани тадбиқ этишдаги муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқишида хамширалар хиссасини ва амалиётга татбиқ этиш йўлларини ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

"Тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш" фанини ўзлаштириш жараёнида

Тингловчи:

- ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизими ва даражаларини;
- Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;
- тиббий суғурта соҳасидаги асосий тушунчаларни;
- ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта механизmlарини жорий этишининг ҳуқуқий асослари **билимларига эга бўлиши;**

Тингловчи:

- мажбурий тиббий суғуртанинг мақсад ва вазифаларини;
- мажбурий тиббий суғуртага оид асосий тушунчаларни;

- мажбурий тиббий суғурта дастурларини;
- мажбурий тиббий суғурта соҳасида Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатларини;
- мажбурий тиббий суғуртанинг қатнашчиларини, обьекти ва субъектини;
- мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг асосий вазифаларини;
- давлат томонидан кафалатланган тиббий ёрдам ҳажмини;

суғурталанган шахсларни ва тиббий хисмат кўрсатувчиларнинг хукуқ ва мажбуриятларини **ҳақида масаввурга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисид”ги қонуннинг мазмуни ва моҳиятини;
- мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматларни сотиб олиш шартномаларини тузишни;
- суғурталанган шахсларни тиббий ёрдам олиш учун ва бошқа хизмат кўрсатувчиларга йўналтиришни;
- мажбурий тиббий суғуртанинг ва уни молиявий фаолиятининг афзаллигини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

Тингловчи:

- мажбурий тиббий суғурта реестрини шакллантиришни, руйҳатга олишни ва суғурта полисини тузиш;
- мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг молиявий ва бошқа ҳисботларини тузиш;
- тиббий хизмат харидини режалаштириш малакаларига **эга бўлиши зарур;**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

"Тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш" модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилсада, бунда вазиятли машқлар, слайдларни кўрсатиш, алоҳида педагогик вазиятларни шарҳлаш кабилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс ва тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

"Тиббий ёрдам ва тиббий суғуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш" модули мазмунан ўқув режадаги “Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот- коммуникация технологияларини қўллаш” каби ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни самарали кечишини таъминлаш учун хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълимтарбия жараёнида далилларга асосланган тиббиётни амалга ошириб, мақбул қарор қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Кўчма машҳулот	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси					
			жами	жумладан				
				Назарий	Амалий	машгулот		
1.	Ўзбекистон Республикаси ахолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари. Ахолининг сифатли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришга йўналтирилган хуқуқий базаси. Ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизими даражалари. Республикада ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденцияси.	6	6	2	4			
2.	Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади, вазифалари, тамоиллари ва дастурлари. Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади. Мажбурий тиббий суғуртанинг вазифалари. Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий тамоиллари. Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонунчилигига риоя қилиш ва бажариш. Мажбурий тиббий суғурта дастури.	6	2	2	-	4		
3.	Мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишда жаҳон тажрибаси. Бюджет модели. Мажбурий ижтимоий тиббий суғурта модели. Хусусий тиббий суғурта модели. Соғлиқни сақлаш хисобини жамғариладиган модели.	6	6	2	4		-	

4.	Мажбурий тиббий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби. Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси фаолиятининг хусусиятлари. Мажбурий тиббий суғурта субъектларининг хуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари.	4	4	-	4	
	Жами:	20	16	6	10	4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари.

Аҳолига даволаш – профилактика ёрдамини ташкил этиш. Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкил этиш. Аҳолининг сифатли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришга йўналтирилган хуқуқий базаси. Ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизими даражалари. Республикада ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденцияси.

2-мавзу: Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва дастурлари.

Хусусий соғлиқни сақлашни, давлат-хусусий шерикчилигини ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимига инвестицияларни кенг жалб қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасида босқичма-босқич мажбурий тиббий суғуртага ўтиш. Ўзбекистон Республикасининг “Мажбурий тиббий суғуртага тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси. Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади. Мажбурий тиббий суғуртанинг вазифалари. Белгиланган вазифаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2025 йилга қадар аҳолининг камидаги 90% мажбурий тиббий суғурта дастури билан қамраб олган ҳолда босқичма-босқич мажбурий тиббий суғуртага ўтиш. Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғуртага тўғрисидаги қонунчилигига риоя қилиш ва бажариш. Мажбурий тиббий суғуртага дастури.

3-мавзу: Мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишда жаҳон тажрибаси.

Мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишда халқаро тажрибанинг 4 та модели: Бюджет модели. Мажбурий ижтимоий тиббий суғурта модели. Хусусий тиббий суғурта модели. Соғлиқни сақлаш ҳисобини жамғариладиган модели.

Сингапур Республикасининг тажрибаси. Корея Республикаси тажрибаси. Япония тажрибаси. Франция Республикаси тажрибаси. Германия Федератив Республикаси тажрибаси. Норвегия Қироллиги тажрибаси. Эстония Республикаси тажрибаси. Латвия Республикаси тажрибаси. Истроил Давлати тажрибаси. Туркия Республикаси тажрибаси. Қозогистон Республикаси тажрибаси. Россия Федерацияси тажрибаси. Озарбайжон Республикаси тажрибаси. Қирғизистон Республикаси тажрибаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари.

Давлат томонидан соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизими. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналишлари Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган белуп тиббий ёрдам ҳажмини аниқлаш, клиник-харажат гурухлари бўйича “даволанган ҳолат” учун ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмини жорий қилиш.

2-амалий машғулот: Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва дастурлари Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади. Мажбурий тиббий суғуртанинг вазифалари. Белгиланган вазифаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси худудида 2025 йилга қадар аҳолининг камиди 90% мажбурий тиббий суғурта дастури билан қамраб олган ҳолда босқичма-босқич мажбурий тиббий суғуртага ўтиш. Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонунчилигига риоя қилиш ва бажариш. Мажбурий тиббий суғурта дастури.

3-амалий машғулот: Мажбурий тиббий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби. Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси фаолиятининг хусусиятлари.

Мажбурий ижтимоий тиббий суғурта иштирокчилари, обьектлари ва субъектлари. Мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизими иштирокчилари: тиббий хизмат истеъмолчилари; тиббий хизмат кўрсатувчилар; Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси; Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа ваколатли органлар. Суғурталанган шахслар мажбурий тиббий суғурта субъектлари сифатида. Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми. Мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизмат сотиб олиш шартномаси. Тиббий хизмат олиш учун суғурталанган шахсларни мурожаати. Суғурталанган шахсни бошқа муассасаларга тиббий хизмат олиш учун

йўналтириш. Мажбурий тиббий суғуртанинг реестрлари, рўйхатга олиш ва суғурта полиси. Суғурта қопламаси. Мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг Кузатув кенгаши. Мажбурий тиббий суғурта фондининг молиявий ва бошқа ҳисоботлари. Тиббий хизмат харидини режалаштириш. Ахборот алмашинуви.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ:

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришининг интерфаол шакларидан: бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиши шаклари сифатида қуидагилардан фойдаланиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гуруҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Таълим технологияси аниқ педагогик фоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қўйидагилар ташкил этади: муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча ҳорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиласиган жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига эътиборида ҳисобланади.

Замонавий таълим технологиясининг асослари

Интерфаол таълим (Interactive) - сухбатли. **Интерфаол** таълим бериш - сухбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим воситаларининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Далилларга асосланган тиббиёт модулини ўқитишида қўйидаги интерфаол усуслардан фойдаланилади.

Муаммоли вазиятлар усули

Муаммоли вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган. Усулнинг етакчи вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ✓ Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ✓ Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- ✓ Тарбияловчи – фикр алмашиниш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қиласи.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қўйидагилардан иборат бўлади:

- ❖ номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- ❖ номаълумни топиш йўналишида қидиравни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо З таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (янги билимларни шаклланишига олиб келади).
- Номаълумни топиш йўналишида қидиравни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма ахборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этиади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гурухида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажақдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб этишга ёрдам бўлади.

Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	➤ Таълим берувчи мавзу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	➤ Тингловчилар гурухларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	➤ Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гурухларда муҳокама қиласадилар, уларни таҳдил қиласадилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикри ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	➤ Натижаларни маълум қиласади, бошқа гурух вариантиларини муҳокама қиласадилар

4 - босқич Умумлаштириш, якун ясаш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади
--	---

Лойиҳалар усули

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим оловчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар. Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

Лойиҳа усулининг амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмuni
Тайёргарлик	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи лойиҳа мавзулари ва мақсадини аниқлади. Таълим оловчиларни лойиҳалаш ёндашуви моҳияти билан таништиради. Бир қанча мавзулар таклиф этади, лойиҳа мазмуни тўғрисида маълумот беради, улар доирасини шакллантиради, иш турлари, уларнинг натижалари ва баҳолаш мезонларини санаб ўтади.
1 - босқич Режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи ғояларни таклиф этади, таклифларни айтади. ➤ Ахборот манбаи ва унинг йигиши усуллари ва таҳлилини тавсия этади. ➤ Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умуман жараённи белгилайди.
2 - босқич Тадқиқ қилиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар.
3 - босқич Ахборот таҳлили. Хулосаларни шакллантириш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар олинган ахборотни таҳлил қиласидилар, хулосаларни шакллантирадилар
4 - босқич Тақдимот босқичи	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар олинган натижалар бўйича тақдимотга тайёрланадилар. Иш натижаларини намойиш тадилар.

<p>5 - босқич Жараён ва натижаларни баҳолаш.</p>	<p>➤ Тингловчилар жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини ҳимоя қиласидар, ўқитувчи уларни баҳолайди</p>
--	---

“Кейс-стади” усули

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadu» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Шунингдек, модулни ўқитишда Конкурслар техникаларидан фойдаланамиз.

«Конкурслар» усули

Бу усулининг хусусияти шундан иборатки, "кичик гурӯҳ" усулидан фарқли равишда ўқитувчи бутун гурӯҳ билан иш олиб боради. Бу усул қандай бўлмасин тугалланган «модул» бўлимига доир машғулотларни умумлаштиришда ёки оралиқ назоратнинг босқичларидан бирини ўтказиш усули сифатида қўл келади.

Усул талабалар билимларини баҳолашда талабаларга балларни қўядиган бир эмас, балки бир нечта педагог (профессор, доцент, асистентлар)нинг иштирок этишини кўзда тутади. «Конкурс» усули талаба нутқини ривожлантиради, чунки бу холда у ўз фикрини ҳимоя қилишни, конкурс катнашчиларининг жавобларини таҳлил килиб кўришни ўрганиади.

«Конкурс» усулидан клиник кафедралардагина эмас, балки тиббий-профилактик, тиббий-биологик фанларни, ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Конкурсларнинг баъзи турларини келтириб ўтамиз, буларни ҳар қайси ўқитувчи шаклан ўзгартириб, ўз фанига мувофиқлаштириши, мослаб олиши мумкин.

"Биласизми" конкурси	 <p>Мисол тариқасида эпидемиологиядан вариант келтирилади. Юқиши механизми бир хил, аммо эпидемияга қарши қўриладиган чора-тадбирлари ҳар хил бўлган инфекцияларда шу чора-тадбирларни амалга ошириш схемаси учта плакатда тасвирланади. Масалан, сальмонеллез, шигеллез ва қорин тифида. Талаба чора-тадбирлар рўйхатига қараб туриб, ҳар бир конкрет холда қайси инфекция устида гап кетаётганини айтиши ва ўз жавобини асослаб бериши керак. Педагоглардан иборат «конкурс комиссияси» бу жавобларни баллар буйича баҳолайди.</p>
«Аукцион» конкурси.	Кодоскоп орқали «суратлар», масалан: антропоноз ичак инфекцияларида ёки трансмиссив инфекцияларда эпидемиологик жараённинг авж олиб бориш схемалари ёки органлардаги морфологик ўзгаришларнинг фотосуратлари туширилади. Ҳар бир конкурс

	<p>қатнашчиси конкурс комиссияси чикарган якунлар буйича у ёки бу баллни олади.</p>
<p>«Қора яшик» конкурси.</p> 	<p>Консультант ичига талабаларга номаълум нарса солинган «қора яшик»ни олиб киради. Талабалар бу нарсанинг нималигиини топишлари ва ўз жавобларини батафсил асослаб беришлари. керак. Консультант қисқача изоҳларни талабалар диққатига ҳавола қиласи. Масалан, шу буюм номаълум дengiz сайёхи томонидан Оврупога келтирилган моддадан ясалган. Бу модда узок ўтмишда тропик ўсимликлардан олинар эди, 1932 йилдан бошлаб эса, уни сунъий йўл билан олишадиган бўлишди. Шу буюм бўлмаса, биронта ҳам хирург операция столига бормайди (қора яшикда резинка қўлқоп бор).</p>
	<p>«Хуржунда нима бор» конкурси. Ўқитувчи топшириқ варианtlари ёзиб қўйилган карточкаларни олдиндан тайёрлайди. Бу конкурс қатнашчилари таваккалига карточкалардан олади. Саволларга жавоблар ёзма шаклда берилади. Талабаларнинг ишларини консультантлар текшириб чиқишиади.</p>

Графикли организерлардан маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиши, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситаларидан “Нилуфар гули” усули, “Блиц-ўйин” усулидан фойдаланилади.

“НИЛУФАР ГУЛИ” чизмаси – муаммони ечиш воситаси. Ўзида нилуфар гули кўринишини намоён қиласи. Унинг асосини тўққизта катта тўрт бурчаклар ташкил этади. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўнижмаларини шакллантиради.

«Нилуфар» гули чизмасини тузиш қоидалари: 9 та катакли 9 та тўртбурчаклар чизиб, ўртасидаги тўрт бурчакнинг ўртасига асосий муаммони ёзадилар, атрофига муаммога олиб келувчи сабабларни кўрсатадилар. Ҳар бир сабабни марказий тўртбурчак атрофидаги 8 та тўртбурчакнинг ўртасига ёзиб, унинг атрофига сабаларнинг ечимини ёзиб чиқадилар, шундай қилиб, муаммонинг илдиз сабабига етадилар.

	B	
	D	
	G	

	Z	
B	Z	C
D	A	F
G	H	Y
	H	

	C	
	F	
	Y	

Талабалар чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда чизма тузадилар: тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар. Унинг ечиш ғояларини эса марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзадилар. Марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзилган ғояларни атрофда жойлашган саккизта тўрт бурчакларнинг марказига ёзадилар, яъни гулнинг баргларига олиб чиқадилар. Кичик гуруҳлар муаммонинг ечими бўйича тақдимот ўтказадилар.

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари: **Б\БХ\Б жадвали жадвалидан фойдаланамиз**

Б\БХ\Б жадвали

Биламан\Билишни хохлайман\Билиб олдим жадвали
Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчанликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш. Таҳлил қилиш қўникмаларини ривожлантиради. Талабаларга ўқув машғулоти бошлишдан олдин жадвал тарқатилади. Мавзу бўйича нималарни бласиз ва нимани билишни хохлайсиз деган саволларга жавоб берадилар. Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар. Маъруза ёки амалий машғулотдан сўнг, мустақил ўқийдилар Мустақил кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимини тўлдирадилар.

Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари.

Режа:

1. Аҳолига даволаш- профилактика ёрдамини такомиллаштириш.ли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришга йўналтирилган хуқуқий базаси.

2. Ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизими даражалари.

3. Республикада ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденцияси.

Таянч иборалар: тиббий ёрдам, тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган ёрдам, тиббий ёрдам сифати

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оиласвий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва худудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Натижада 1991 — 2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чақалоқлар ўлеми 3,1 баробар камайди. Ўртacha умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги қунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислоҳотлар тўлиқ бўлмаган шаклда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш тизими эскирган, замонавий халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга асосланган бўлиб, молия ресурсларининг самарасиз ишлатилишига ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда;

учинчидан, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда;

тўртингидан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик суст ривожланган;

бешинчидан, амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айникса, бирламчи бўғинда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истиқболларини прогнозлаштириш имконини бермаяпти;

олтинчидан, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси сустлиги ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргалиқда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ Президентнинг 7 декабрь 2018 йилдаги № ПФ-5590 Фармонига мувофиқ:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг энг муҳим йўналишлари деб белгиланди:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар хуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш;

жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини ва худудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг «кластер» моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-харажат гурухлари бўйича «ҳар бир даволанганд ҳолат» учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани босқичмабосқич жорий этиш;

тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини ҳалқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўtkазиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида;

«электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш.

Фармоон билан 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг бугунги ҳолати

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш таъминланди, БМТ Минг йиллик ривожланиш мақсадларининг асосий параметрларига эришилди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларга халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳо берилди. Масалан, аҳолининг умр кўриши 4,6 ёшга — 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга ошиди.

Оналар ўлими кўрсаткичи 3,1 бараварга камайиб, 100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 21 та ҳолатни ташкил этди, чақалоқлар ўлими эса 3,1 бараварга камайиб, 1000 нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 11,5 та ҳолатни ташкил этди. Болаларда энг кўп учрайдиган касалликларга қарши эмлаш ва профилактика тадбирлари билан қамраб олиш даражаси 96 — 98 фоизда қатъий сақланиб турибди.

Юқумли касалликларга қарши қурашиш бўйича комплекс профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларининг жорий этилиши ўта хавфли юқумли касалликлар (ўлат, вабо), полиомиелит, дифтерия, чақалоқлар қоқшоли, маҳаллий келиб чиқкан безгак, қизамиқ ва қизилча юзага келишидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берди. Полиомиелитнинг ёввойи штамми (2002 йил), қизамиқ ва қизилча (2017 йил), безгак (2018 йил) йўқ қилингандиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлари олинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни ташкил этишда фуқаролар соғлигини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммоли масалалар ва салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишининг мавжуд эмаслиги, ўлим ва ногиронликни келтириб чиқариш эҳтимоли катта бўлган касалликларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Трансплантология, кўмакчи репродуктив технологиялар, телетибиёт каби талаб юқори бўлган йўналишларнинг тартибга солинмаганлиги миллий соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар мажбурий тиббий сұғурта тизимини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратилмаган. Натижада ҳанузгача соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Республикада тиббиёт хизматларининг клиник тавсиялари (баённомалари) ва стандартлари билан узвий боғлиқ клиник-харажат гурухлари (DRG тизими) ишлаб чиқилмаган.

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг профилактика, патронаж ва ўз вақтида даволаш-ташхис қўйиш ишлари, шу жумладан амбулаторияда даволашни охиригача етказиш самарадорлиги қоникарсизлигича қолмоқда. Бунинг натижасида аҳоли соғлигини сақлаш тизимида қиммат турадиган стационар ёрдам асосий ўринни эгалламоқда.

Аҳолига, айниқса болалар ва фертиль ёшидаги аёлларга патронаж хизмати даражаси паст эканлиги (72 — 77%) қайд этилмоқда, умумий амалиёт шифокорларининг билим ва қўникмалари даражаси оналар ва болаларга тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда таъминлаш имконини бермаяпти.

Соғлиқни сақлашнинг жадал ривожланаётган хусусий секторини давлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликка фаол жалб қилишга ғов бўлаётган тўсиқлар қўшимча молия ресурсларидан соғлиқни сақлаш учун самарали фойдаланиш имконини бермаяпти.

Тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари экстенсив тарзда ривожланмоқда, у ерда тиббиёт фанлари докторларининг 70 фоизи ишласада, уларнинг салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаяпти. ихтисослашган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги шароитида тиббиёт амалиётининг таълим бериш жараёни ва илм-фан билан суст интеграциялашганлиги тиббиётнинг илгор ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш қониқарсиз даражада эканидан дарак бермоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимларини татбиқ этишдаги сусткашлик ва бунинг оқибатида шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари касбий билимлари даражасининг етарли эмаслиги кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тиббиёт ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилиш даражаси пастлиги, улар ижтимоий-ҳукуқий ҳолатининг ўз зиммасига юкланаётган жавобгарлик даражасига мос келмаслиги малакали кадрларнинг тизимдан чиқиб кетиши ва коррупция ҳолатлари юзага келиши учун шароит яратмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги, тиббиёт хужжатларининг жуда катта ҳажми қоғоз шаклида юритилиши қабул қилинаётган қарорлар ижросини тезкор кузатиб бориш ва самарали ижросини таъминлаш имконини бермаяпти, шунингдек, ортиқча бюрократизм ва катта харажатларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган камчиликлар соғлиқни сақлашнинг сифатига бўлган аҳолининг тобора ортиб бораётган талабларини қондириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдириш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан қўйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутувчи 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали соғлиқни сақлашнинг концептуал янги моделини шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

II. Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадлари ва вазифалари

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳукуқий хужжатларига, шунингдек, Саломатлик-2020 ва Барқарор тараққиёт мақсадлари — 2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга

эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларни ўз ичига олган.

Концепция мақсадлари:

1. Касалликларнинг ва қўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш.

2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаш учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш.

3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш.

Концепция вазифалари:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартлари ва тавсияларини имплементация қилган ҳолда тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш.

2. Фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида идоралараро самарали ҳамкорлик ва алоқалар механизмларини ривожлантириш, шу жумладан саломатликнинг ижтимоий ва иқтисодий детерминантларига салбий таъсир қўрсатаётган муаммоларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни ривожлантириш, сув таъминоти ва санитарияни, соғлом овқатланиш, шу жумладан чақалоқлар ва болаларнинг соғлом овқатланишини яхшилаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

3. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, шу жумладан санитария-эпидемиология хизматини ривожлантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган сурункали касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, Халқаро тиббий-санитария қоидаларини жорий этиш ва бажариш.

4. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи ва иккиласида даражадаги, тез тиббий ёрдам тиббиёт муассасаларининг самарали интеграциясини таъминлаш учун соғлиқни сақлашнинг туман бўғинини ислоҳ қилиш, она ва бола соғлиғини сақлашни мустаҳкамлаш, ихтисослашган ва паллиатив тиббий ёрдамни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш.

5. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш.

7. Соғлиқни сақлаш тизими, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ташкилий тузилмасини функционал вазифалар ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаган ҳолда такомиллаштириш.

8. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини аккредитация қилиш, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

9. Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда тиббий техникани рўйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, нарх белгилаш механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш, уларни маркировкалаш ва трекинг тизимларини жорий этиш.

10. Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини, шу жумладан илмий ва тиббиёт таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш), замонавий таълим дастурлари, усуллари ва технологияларини жорий этиш асосида шакллантириш.

11. «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимларини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини яратиш.

III. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар қабул қилиш орқали норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини бир-бирига мувофиқлигига эришиш ва қўллаш учун қулайликлар яратиш мақсадида ягона ҳужжатда кодификациялаш, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодексини қабул қилиш.

3. Бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини хуқуқий мустаҳкамлаб қўйиш.

4. Мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

5. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги, шу жумладан оналар ва болаларни эмлаш, диспансеризация қилиш ва уларга кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Кўкрак сути ўрнини босувчи озуқа маркетинги тўғрисидаги халқаро кодекс нормаларини имплементация қилиш ҳамда Чақалоқларни ва кичик ёшдаги болаларни овқатлантириш тўғрисидаги миллий дастурни қабул қилиш.

6. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкоголосиз ичимликлар маркетингини тартибга солишининг, шунингдек, ахолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия билан шуғулланишга ва спорт тадбирларига жалб қилишга рағбатлантиришнинг хуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

7. Тиббиёт ходимлари ўз касбий мажбуриятларига риоя этишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан Тиббиёт

ходимларининг ахлоқ кодексини қабул қилиш ва уларнинг касбий жавобгарлигини сұғурта қилиш.

8. Аҳолини, айниқса әхтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини ошириш.

2. Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш

1. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган давлат бошқарувининг замонавий шаклларини жорий этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва худудий органлар тузилмасини такомиллаштириш.

2. Тиббий ёрдамнинг зарур босқичма-босқичлиги ва изчилигини таъминлаш учун бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи ҳар хил даражадаги ва тор ихтисосликдаги тиббиёт ташкилотларини бошқарувнинг ягона тизимига интеграция қилишни назарда тутувчи «кластер» ёндашуви асосида ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш.

3. Тиббий ёрдам қўрсатиш даражалари, ҳажми ва турлари бўйича тиббиёт ташкилотлари тоифалари классификаторини, шунингдек, уларни қуриш, моддий-техник ва аҳоли жон бошига ҳисоблаб чиқсан ҳолда, аҳоли зичлигини ва транспорт инфратузилмаси ривожланганлигини ҳисобга олиб, кадрлар билан таъминлаш нормативларини ишлаб чиқиши.

4. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари ҳамда фаолияти гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар айланмаси билан боғлиқ ташкилотларни аккредитация қилишнинг, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашнинг механизmlарини илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич жорий этиш.

5. Халқаро стандартлар асосида менежмент ва тиббиёт хизматлари сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, шунингдек, аҳолининг соғлиқни сақлаш сифатидан қониққанлигини баҳолаш механизmlарини жорий этиш.

6. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг улар малакасига, қўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб тоифаланган замонавий механизmlарини жорий этиш, шу жумладан қўлланилаётган тармоқ тариф сеткаси ўрнига тиббиёт ходими фаолияти натижаларига қараб клиник-харажат гурухлари ва жон бошига молиялаштиришнинг тегишли мезонларига қўра тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари ва ўзгарувчан (мукофотлаш) ставкасини жорий этиш.

7. Бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари, айниқса қишлоқ жойлардаги муассасаларнинг тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиши.

8. Давлат санитария-эпидемиология назорати тизимини такомиллаштириш, уларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини, фуқаролар соғлиғи хавфсизлиги таъминланишини назорат қилишдаги

роли ва жавобгарлигини ошириш, касаллик қўзғатувчи омилларга лабораторияда ва экспресс ташхис қўйишнинг янги технологияларини жорий этиш.

9. Тиббиёт ташкилотларининг асбоб-ускуналар, сарфлаш материалари ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг ягона механизмлари ва стандартларини жорий этиш, уларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимини яратиш.

10. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тиббиёт ускуналарига техник хизмат кўрсатадиган ва уларни метрологик текширадиган худудий хизматларни ташкил этиш.

3. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш

1. Куйидагиларни назарда тутадиган клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тиббий хизматларга ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини босқичма-босқич жорий этиш:

худудларнинг хусусиятлари, муассасалар тури, аҳоли зичлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олуви тоифаланган тузатиш коэффициентларига эга молиялаштиришнинг ягона жон бошига тўғри келадиган нормативини жорий этиш ҳисобига бирламчи тиббий-санитария ёрдамишнинг худудий бюджет таъминланганлигини тенглаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматларига клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун ҳақ тўлашнинг замонавий усусларига ўтиш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш учун тиббий хизматларнинг давлат ва хусусий етказиб берувчилари билан контрактлар тузиш тизимиға ўтиш.

2. Асосланган стратегик қарорлар қабул қилиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғурта дастурлари жорий этилишини қўллаб-қувватлаш учун соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва далилий базани ташкил этиш мақсадида соғлиқни сақлаш ҳисобвараклари миллий тизимини яратиш.

3. Мажбурий тиббий суғурта дастурлари бўйича молиявий маблағларни жамловчи ва тақсимловчи Мажбурий тиббий суғурта жамғармасини ташкил этиш.

4. Республиkaning барча худудларида тиббий хизматларнинг кафолатланган ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш ва клиник-харажат гуруҳларини шакллантириш асосида bemорларнинг мақсадли контингентлари ва тиббий ёрдамнинг мақсадли турлари учун мажбурий тиббий суғуртага оид маҳсус дастурларни жорий этиш.

5. Фуқароларни тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ўз соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлишга ундейдиган дастурларни жорий этиш.

6. Республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта билан тўлиқ камраб олишни босқичма-босқич таъминлаш.

4. Тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши қурашиш

1. Йирик кўп тармоқли даволаш муассасаларини, шу жумладан тор ихтисосликдаги маҳсус тиббиёт ташкилотларини (уларнинг филиалларини) бирлаштириш ҳисобига ташкил этиш орқали жойларда юқори сифатли тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

2. Асосий ва энг кўп учрайдиган касалликлар ва ҳолатлар бўйича исботловчи тиббиётга асосланган ҳамда халқаро стандартларга уйғунлаштирилган миллий клиник стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Хизматлар кўрсатиш технологияси, зарур кадр ресурслари, дори воситалари ва сарфлаш материаллари тавсифлашни назарда тутадиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий хизматларнинг ягона реестрини яратиш.

4. Тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларининг мақбул кетма-кетлиги ва изчилигини таъминлайдиган беморларга йўналиш берувчи схемаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.

5. Олий тиббий таълим муассасаларининг клиникаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, шу жумладан «таълим — амалиёт — фан» алоқаси ягоналиги принципи асосида уларни 4-даражагача модернизация қилиш.

6. Соғлиқни сақлаш амалиётига халқаро стандартларга мувофиқ кичик инвазив юқори технологик жарроҳлик аралашувларини (радиожарроҳлик, микрожарроҳлик, роботлаштирилган жарроҳлик, шунтлаш ва бошқалар) жорий этиш, қисқа муддатли бир кунлик амбулатория жарроҳлик ёрдамини («бир кунлик жарроҳлик»ни) ривожлантириш.

7. Тиббиёт ташкилотларида индивидуал электрон қурилмалар ёрдамида қайд этилган хавф остидаги гурухга киравчи амбулатория беморларининг соғлиги кўрсаткичлари ўзгаришига шошилинч чоралар кўриш тизимини яратиш.

8. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (қийин йўлларда юра оладиган автомобиллар, реанимобиллар ва авиация техникаси билан жиҳозлаш), шошилинч ва фавқулодда ҳолатда харакатланувчи бошқа хизматлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.

9. Регенератив, шу жумладан биотиббий ҳужайра, аддитив ва бошқа янги технологияларга асосланган тиббиётни ривожлантириш.

10. Предиктив тиббиётни ривожлантириш (наслий мойилликнинг олдини олиш), соғлиқ ҳолатига молекуляр-генетик ташхис қўйиш, скрининг ва мониторинг қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш.

11. Юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиш омилларини, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хавф остидаги гурухга кирадиган беморлар орасида диспансеризация ва скрининг-тадқиқотларни, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш, реабилитация тиббиётини ривожлантириш, «уйда стационар» хизматини кенгайтириш орқали эрта аниқлаш.

12. Катта ва кекса ёшдаги фуқароларга узоқ муддатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий моделини яратиш, уйда ижтимоий ва тиббий хизмат

кўрсатиш ва бошқа қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи геронтологик ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш.

13. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни кенг тарғиб қилиш, фуқароларда ўз саломатлиги ва атрофдагилар соғлиғи учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, шунингдек уларнинг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш.

14. Микробга қарши чидамлилик тарқалишининг олдини олиш, шу жумладан микробга қарши терапиянинг оқилона схема ва регламентларига қатъй риоя қилиш, антибактериал терапия тайинлашда микробиология диагностикаси усусларини ривожлантириш ва кенгайтириш, антибактериал препаратларнинг янги турларини ишлаб чиқиш.

5. Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш

1. Репродуктив ёшдаги аёлларга ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини, шу жумладан қўйидагиларни ташкил этиш орқали кенгайтириш ва ошириш:

марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникаларида репродуктив саломатлик ва хавфсиз оналик, пренатал диагностика кабинетлари (оналар скрининги), шунингдек, болалар бўлимлари;

болалар стационар муассасаларида тез тиббий ёрдам педиатрия бригадалари ва шошилинч постларни кенгайтириш хисобига болаларга кечаю кундуз шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида болалар қабул бўлимлари, болалар реанимацияси ва интенсив терапия бўлимлари қабулхоналари.

2. Ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги (орфан), туғма ва орттирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан туғма, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш.

3. Ирсий касалликларга мойил бўлган, хавф остидаги гурухга кирадиган болаларга эрта ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш.

4. Болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришга қаратилган миллий лойиҳаларни, шу жумладан ўсмирларнинг жисмоний ва руҳий-ижтимоий осойишталигига кўмаклашувчи «Болаликда учрайдиган касалликларни интеграциялашган ҳолда юритиши», «Болаларнинг жароҳат олиши ва болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш», «Чақалоқлар саломатлиги», «Ўсмирлар саломатлиги», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Соғлом мактаб мухитини шакллантириш» дастурларини амалга ошириш.

5. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қўлланиладиган мактаб ёшидаги болаларни ўрганишнинг замонавий усуслари ва дастурларидан кенг фойдаланиш, «Мактаб ёшидаги болалар соғлиғига нисбатан хулқини текшириш» (HBSC) Европа ҳамкорлик тармоғига ҳамда Болалар семиришини эпидемиологик назорат қилиш Европа тармоғига (COSI) Ўзбекистоннинг қўшилиши.

6. Оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик, шу жумладан микрожарроҳлик ва кичик инвазив тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш.

7. «Она ва бола» йирик қўп тармоқли тиббиёт марказларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида босқичма-босқич, шу жумладан самараси паст ва тор ихтисосдаги давлат тиббиёт ташкилотларини бирлаштириш орқали ташкил этиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш

1. Куйидагиларни назарда тутувчи хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш:

худудлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун амбулатория ва стационар тиббий хизматларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

аҳолининг эҳтиёжи катта бўлган тиббиётнинг айрим йўналишлари ривожига инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг татбиқ этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ролини кучайтириш, шунингдек, уларнинг негизида хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари юзасидан ахборот билан таъминлаш учун ягона диспетчер хизмати (Call-маркази) ташкил этиш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасига қуйидаги шаклларда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш:

хусусий тиббиёт ташкилотлари биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш мақсадида бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан хусусий тиббиёт ташкилотлари обьектлари қуриш учун бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

кам фойдаланиладиган ёки реконструкция қилиш ёхуд капитал таъмирлашни (қайта жиҳозлашни) талаб қиласидаган мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини ижарага бериш;

бино қуриш ёки реконструкция қилиш, концессия асосида жиҳозлаш учун ер участкаси ажратиш;

бўш турган давлат мулки обьектларини, шу жумладан ишламаётган давлат тиббиёт ташкилотлари биноларини «ноль» харид қиймати бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилиш;

давлат тиббиёт ташкилотларининг айрим функциялари ёки хизматларини тадбиркорлик субъектларига аутсорсинг асосида ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб бериладиган бошқа шаклларда.

3. Мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг туристик салоҳиятини тубдан оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида кириш тиббиёт туризмини

ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиши.

4. Йирик давлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматларни ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда илгари суриш учун масъул бўлган маркетинг ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, чет эл фуқароларини, шунингдек, уларга ҳамроҳ бўлган шахсларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича маҳсус таркибий тузилмалар яратиш.

5. Кириш тиббиёт туризмини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши, маданий-маърифий тадбирлар билан комплекс боғлиқ ҳолда чет эл фуқароларига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, чет эл инвестициялари, шунингдек, тиббиёт ташкилотларининг туристик инфратузилмасини ривожлантиришга халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар кредитлари ва грантларини жалб қилиш.

6. Етакчи илмий-амалий тиббиёт марказларининг салоҳиятини ва улар кўрсатадиган хизматларни, шу жумладан эстетика жарроҳлиги, кардиожарроҳлик, нейроЖарроҳлик, урология имкониятларини оммавий ахборот воситаларида PR-компаниялар, конференциялар, семинарлар ва давра сухбатлари ташкил этиш орқали кенг тарғиб қилиш.

7. Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш

1. Қуйидагиларни имконини берувчи Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини маркировкалаш ҳамда улар ҳаракатланишининг мониторингини олиб бориш ахборот тизимини жорий этиш:

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳар бир қадофининг ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган вақтдан бошлаб истеъмолчига етиб борган вақтгача ҳаракатланишини кузатиш;

сифатсиз ва контрафакт дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларининг бутун республика бўйлаб профилактикаси ва муомаладан дарҳол олиб қўйилиши;

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини белгилаш устидан мониторинг олиб бориш;

барча даражаларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари захиралари ва резервларини тезкор режалаштириш ва бошқариш;

истеъмолчилар томонидан мобиль илова ёрдамида харид қилинадиган (олинадиган) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари қонунийлигини текшириш.

2. Қиммат турадиган дори терапиясини талаб қиласиган беморлар регистрларини шакллантириш.

3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган иммунобиологик препаратларни жадал рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини жорий этиш.

4. Дори воситаларини, тиббиёт буюмларини ва тиббий техникани рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни халқаро талабларга уйғунлаштириш.

5. Ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаси асосида дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника учун референт нарх белгилашни босқичма-босқич жорий этиш.

6. Фармацевтика ташкилотларини сифат менежменти тизимларини ва тегишли ишлаб чиқариш амалиётини (GMP ва бошқалар) жорий этишга рағбатлантириш.

7. Амбулатория ва стационар даволашда фуқароларни таъминлаш учун бюджет маблағлари хисобидан қопланадиган дори воситалари рўйхатини шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

8. Республика ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этган ҳолда уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўсимлик хом ашёси асосида дори воситалари ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз корхоналарини кенг қўллаб-қувватлаш.

9. Ихтисослашган фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ҳудудида тайёр дори воситалари ва субстанциялар ишлаб чиқарувчи янги фармацевтика корхоналари ташкил этишга доир йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

8. Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш

1. Ўқитишнинг кредит-модул тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг амалий жиҳатларини ошириш орқали олий таълим ва олий ўқув юритидан кейинги таълимнинг таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш.

2. Клиник ихтисосликни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиқиб, магистратура ва клиник ординатурада (резидентурада) юқори малакали кадрлар тайёрлаш муддатларини халқаро стандартларга мувофиқ 1 йилдан 5 йилгача этиб оптималлаштириш.

3. Хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан кенг ҳамкорлик қилиш, шу жумладан уларнинг филиаллари ва факультетларини очиш, шунингдек, иккита диплом бериш тизимини жорий этиш.

4. Таълим дастурларини амалга оширишда тармоқ ҳамкорлиги ва очик курслардан фойдаланиш орқали хорижий университетлар ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига таълим имкониятларини кенгайтириш, шунингдек тиббий таълимнинг электрон миллий платформаларини ишлаб чиқиш ва электрон таълим мухитини шакллантириш.

5. Илгор илмий ишланмалар ва технологияларни соғлиқни сақлаш амалиётига интеграция қилишда тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари ва ўқув базаларининг ролини кучайтириш.

6. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда, уларни даволаш-ташхис қўйиши жараёнида иштирок этганлиги учун моддий рағбатлантириш йўли билан янги илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этишда тиббиёт олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар профессор-ўқитувчилари ролини ошириш.

7. Қўйидагиларни жорий этиш орқали таълим узлуксизлигини таъминловчи тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш:

ўқитишнинг балл (жамғарib бориш) тизими;
муаммога йўналтирилган модул ўқув дастурлари;

масофавий ўқитиши дастурлари;
узлуксиз тиббий таълимни ташкил этишда кўмаклашиш учун интерактив портал.

8. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар, шу жумладан GCP (Good clinical practice) стандарти бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш) асосида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, тиббиёт илм-фанини ривожлантириш тизими самарадорлигини ошириш.

9. Тиббиёт таълим муассасаларида ўқитиши тўлдирилган ва виртуал реаллик шароитида, тиббий тренажёр ва манекенларда олиб бориладиган симуляцион марказларни ташкил этиш.

10. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларининг базавий ҳамда дастурий-мақсадли молиялаштирилишини, инновацион ишланмалар ва технологиялар трансферини амалга ошириш учун тиббиёт ва илмий жамоаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашни таъминлаш, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш.

11. Олий тиббиёт ўкув муассасалари тиббий-профилактик йўналиши кафедраларининг таълим дастурлари тан олинган халқаро ташкилотлар, шу жумладан Европа минтақасида жамоат соғлигини сақлаш мактаби уюшмаси (ASPHER — The Association of Schools of Public Health in the European Region) томонидан аккредитация қилинишини таъминлаш.

9. Ахборот-коммуникация технологиялари ва «Электрон соғлиқни сақлаш»ни кенг жорий этиш

1. Куйидаги имкониятларни назарда тутувчи «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва мълумотлар базалари мажмuinи ташкил этиш:

а) аҳоли учун:

тиббиёт ташкилотлари ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида ахборот олиш;

шифокорлар малакаси, иш стажи, қабул вақти ҳақида ахборот олиш, шунингдек, «электрон навбат», шу жумладан масофадан навбатни банд қилиб қўйиш имкониятини ташкил этиш;

кўрсатиладиган хизматлар сифатини, шу жумладан тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш;

мобиЛЬ иловалар орқали тизимдан фойдаланиш;

б) тиббиёт ташкилотлари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари:

муассасани ривожланишнинг инновацион ижтимоий йўналтирилган типига айлантириш;

соғлиқни сақлаш соҳасида стандартлаштириш тизимини амалга ошириш;

электрон хужжат билан ишлашни жорий этиш орқали иш жараёнини оптималлаштириш (тиббиёт карталари ва касалликлар тарихларини тўлдириш, «электрон рецептлар» бериш);

тиббиёт ходимлари, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника, сарфлаш материаллари ҳисобини ва мониторингини юритиш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича молиявий операциялар амалга ошириш ва мониторингини юритиш, тиббиёт ташкилотларининг бўлажак харажатларини баҳолаш, шунингдек эҳтимоли бўлган хатарларни таҳлил қилиш;

тиббий статистика, ҳисоб ва ҳисбот юритиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш миллий ҳисобварақлари тизимини қўллаб-қувватлаш;

бошқа тиббиёт ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграциялаш ва ахборот алмашиш;

2. Тиббиёт ташкилотлари иш кўрсаткичлари ва тармоқнинг ривожланиш ҳолатини мониторинг қилишнинг асосий механизми сифатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

3. Тиббиёт ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш ҳамда масофавий тиббий ва таълим хизматларини (маслаҳатлашувлар, консилиумлар, операциялар, мастер-класслар ва ҳоказолар) ўтказиш учун телетиббиётни ривожлантириш.

IV. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепцияни амалга ошириш натижасида куйидагилар кутилмоқда:

барқарор тараққиёт соҳасида миллий мақсадлар ва вазифаларга эришиш;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа нуфузли ҳалқаро ташкилотлар стандартлари ва тавсияларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, Ҳалқаро тиббий-санитария қоидаларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, малакали, ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш;

республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта дастурлари билан босқичма-босқич қамраб олиш;

соғлиқни сақлашни молиялаштиришни ошириш, тиббий хизматлар кўрсатища бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига муносаб ҳақ тўланишини таъминлаш;

республика худудларини тиббиёт ва фармацевтика кадрлари билан тўлиқ ҳамда тенг ҳажмда таъминлашга эришиш;

жамият соғлиқни сақлаш тизими ва фуқаролар соғлигини сақлаш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш;

аҳолига реабилитация ва тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш тизимини ривожлантириш;

умр кўришни 75 ёшгача ошириш;

оналар ўлими кўрсаткичини 15 фоизга камайтириш;

чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини 30 фоизга камайтириш;

аҳоли орасида юрак-томир, онкология касалликлари, қандли диабет ва сурункали нафас йўллари касалликларидан бевақт ўлишни 15 фоизга камайтириш;

аҳолининг сил, ОИВ, гепатит ва бошқа юқумли касалликларга чалиниш даражасини камайтириш.

Натижаларга эришиш даражаси ва уларнинг самарадорлиги Концепцияда назарда тутилган, индикаторларида келтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан мунтазам мониторинг олиб бориш асосида баҳоланади.

Назорат саволлари

1. Аҳолига даволаш - профилактика ёрдами асосий принципларига нималар киради?
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартағи “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПП-2857 сон қарорининг мазмун моҳияти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида нималар асосий вазифалар сифатида белгилаб берилди?
4. Аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиши бўйича амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисида сўзлаб беринг
5. Республикамиз аҳолисига ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиши бўйича амалга оширилган ислоҳотлар нималардан иборат?
6. 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясининг мазмун моҳияти нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2107-сонли Фармони\
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (358-II-сон 05.04.2002).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 3214-сонли Фармони
4. Президентнинг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ 3923-сонли Фармони

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-700 сонли Қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 марта даги «Ўзбекистон республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2857-сонли Қарори

8. Ўзбекистон республикаси президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли Қарори

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон республикаси аҳолисига 2017—2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли Қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 201825 январдаги “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3494-сонли Қарори

11. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги қарори “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 718 - сонли Қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора тадбирлар тўғрисидаги» ПФ-5590-сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 02 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли қарори

15. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5814-сонли Фармони

II. Асосий адабиётлар

1. Б.М.Маматкулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Дарслик. Тошкент –Илм Зиё. 2013. 574 б.
2. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти., Дарслик. Ворис нашриёти, Тошкент- 2015, 240 б.
3. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова.Тиббий ёрдам сифатини ошириш асослари. Ўқув қўлланма. Ворис нашриёти, Тошкент- 2019, 200 б.
4. Д.А.Асадов. Медицинское страхование (основные системы). Ташкент-2004.
- 7.Д.Н.Рахимова ва б. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 792б.

III.Қўшимча адабиётлар

1. Р.Р.Хасанов, Н.Х. Хайдаров, Т.С.Маликов ва б. Молиявий бошқарув. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 840б.;
2. В.А.Миняева, Н.И.Вишнякова. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник для студентов. 5-е изд., перераб.и доп. – М.: МЕДпресс-информ, 2009. – 656 с.;
3. Г.Сайдова, Д.Асадов ва б. Ўзбекистон инсон тараққиёти тўрисида маъруза. БМТТД нашриёти. Тошкент. 2006. – 144б.;
4. Гришина В.В. Обязательное медицинское страхование в Российской Федерации. Сборник законадательных актов и нормативных документов. Москва-1994.
5. Лебедов А.А. Рночная экономика: маркетинговые основы управления, организации и финансирование национальной системы охраны здоровья. Самарский дом печати-1996.
6. Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент: пер.с англ.под ред.Л.А.Волковой, Ю.Н.Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. – 752с.;
7. М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента: пер.с англ. - М.: Дело, 2002. – 704 с.;
8. Lawrence F.Wolper. Health care administration: principles, practices, structure, and delivery. New York. 2nd ed. Aspen Publishers, Inc.1995. – 706 p.;
9. Robert J.Taylor, Susan B.Taylor. The AUPHA Manual of Health Services Management.Gaithersburg, Maryland. Aspen Publishers, Inc. 1994. – 652 p.;
10. Mary Louise Murray. Supervisory Management for Healthcare Organizations. US. 4th ed. Wm.C.Brown Publishers. 1991. – 421 p.

2-мавзу: Мажбурий тиббий сұғартанинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва дастурлари.

Режа:

1. Хусусий соғлиқни сақлашни, давлат-хусусий шерикчилигини ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимиға инвестицияларни кенг жалб қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасида босқичма-босқич мажбурий тиббий сұғуртага ўтиш. Ўзбекистон Республикасининг “Мажбурий тиббий сұғурта тўғрисида”ги Қонуни лойихаси.

2. Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади. Мажбурий тиббий суғуртанинг вазифалари. Белгиланган вазифаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2025 йилга қадар аҳолининг камида 90% мажбурий тиббий суғурта дастури билан қамраб олган ҳолда босқичма-босқич мажбурий тиббий суғуртага ўтиш.

3. Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий тамойиллари.
4. Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонунчилигига риоя қилиш ва бажариш. Мажбурий тиббий суғурта дастури.

Таянч иборалар:

Суғурта, тиббий суғурта, мажбурий тиббий суғурта, суғурта дастури .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 август 2019 йилдаги “Ўзбекистон республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412- сон қарори мазмун моҳияти

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 август 2019 йилдаги “Ўзбекистон республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорида қуидагилар Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

суғурта соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳамда ушбу соҳадаги энг яхши жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш;

тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш орқали суғурта бозорининг ишончлилиги ва барқарорлигини

таъминлашга қаратилган сұғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш;

сұғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, түлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, сұғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш;

сұғурта брокерлари фаолиятини фаоллаштириш, сұғурта агентларининг ишлаш тизимини такомиллаштириш, банксұғурта механизмларини жорий этиш, шунингдек, умуман сұғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали сұғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш;

сұғурта хизматлари истеъмолчилари ва сұғурта фаолиятининг бошқа субъектлари хуқуқлари химоясини кучайтириш, ахолининг сұғурта саводхонлигини ва сұғуртага бўлган ишончини ошириш, сұғурта бозорининг очиқлиги ва шаффоффлигини таъминлаш;

янги инновацион сұғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган сұғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

сұғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, сұғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш;

сұғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, сұғурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш;

миллий сұғурта бозорининг ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан миллий сұғурта бозорини халқаро ва хорижий сұғурта бозорлари билан интеграциялаш орқали ошириш.

2020 йил 1 январдан бошлаб:

юридик шахслар — сұғурта (қайта сұғурта) брокерлари ва сұғурта агентлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси комиссия мукофотининг 13 фоизи миқдорида белгиланади;

сұғурта (қайта сұғурта) ташкилотининг бошқа сұғурта (қайта сұғурта) ташкилотлари устав фондларида иштирок этишига йўл қўйилмайди, сұғуртанинг бошқа тармоқларидағи сұғурта ташкилотлари устав фондларида уларнинг ўзаро иштирокини чеклаш шартларида иштирок этиш бундан мустасно;

ваколатли давлат органи сұғурталовчилар томонидан қўлланилаётган сұғурта тарифларини, истеъмолчиларнинг сұғурта хизматлари сифатидан қониқиши даражасини, шунингдек, сұғурта маҳсулотларининг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида сұғурта захираларининг қабул қилинаётган таваккалчиликларга мақбуллигини таъминлайдиган сұғурта захираларининг минимал даражасини белгилайди. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ қайта сұғурталовчи (қайта сұғурта брокери) сұғурта мажбуриятларини қайта сұғурталаш учун хорижий сұғурта

ташкилотларига беришдан аввал бериладиган суғурта мажбуриятларининг камида 50 фоизи миқдорида қайта суғурталаш бўйича офертани (қайта суғурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) Ўзбекистон Республикаси худудида қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта ташкилотларига юбориши шарт. Бунда:

оферта шартлари суғурта мажбуриятларини хорижий суғурта ташкилотларига қайта суғурталашга бериш шартларига мувофиқ бўлиши керак;

оферта акцепти ёки акцептни рад этиш қайта суғурталовчилар — маҳаллий суғурта ташкилотлари томонидан, агар офертада акцепт учун кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, икки иш кунидан кечикмаган ҳолда амалга оширилади;

суғурта мажбуриятлари қайта суғурталовчи — маҳаллий суғурта ташкилоти томонидан ўзининг ушлаб қолиш ҳажми доирасида қабул қилинади;

қайта суғурталовчи — маҳаллий суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда ва асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини амалга оширишда қайта суғурталаш шартномаси шартлари доирасида қайта суғурта қилдирувчининг қарорларига амал қиласди.

Белгилансинки, ушбу банд талаблари облигатор қайта суғурталашга татбиқ этилмайди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва инвестиция битимларида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлса, қўлланилмайди.

Белгилаб қўйилсанки, жисмоний шахслар даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (барча тоифадаги ҳаёт суғуртаси соҳаси) бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми юзасидан солиқ имтиёзлари қўйидаги шартларда қўлланилади:

а) суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан камида 12 ойдан сўнг бирйўла тўланганда. Бунда суғурта бадалларини тўлаш суғурта суммасини тўлаш санасидан олдинги 12 ойлик даврда ўсиб бормайдиган тартиб бўйича амалга оширилган бўлиши керак.

Шартнома бўйича суғурталанган шахснинг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (барча тоифадаги ҳаёт суғуртаси соҳаси) бўйича муайян ёшгача ёки санагача яшашидан бошқача тарздаги суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда суғурта қопламасини ёки суғурта суммасини тўлаш кўрсатиб ўтилган имтиёз қўлланилган ҳолда шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан амалга оширилиши мумкин;

б) рента (аннуитет) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан камида 12 ойдан сўнг бошланганда. Бунда жорий рентани (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рента (аннуитет)нинг тўрт бараваридан кам бўлмаслиги керак;

в) рентани (аннуитетни) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда. Бунда дастлабки рентани (аннуитетни) тўлаш бошланадиган пайтда ҳақиқатда тўланган суғурта бадаллари суммаси шартнома бўйича суғурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва ренталарни (аннуитетларни) тўлаш ушбу банднинг «**б**» кичик банди талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан олдин тўхтатилиши ёки ушбу банд талаблари бузилиши муносабати билан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинган ва бюджетга ўтказилганда суғурталовчи томонидан суғурталанувчига олинган суғурта мукофотлари суммаси, жисмоний шахсларнинг даромадидан ушлаб қолинган солиқ ва қайтариладиган маблағлар тўғрисида маълумотнома берилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ходимларини соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг «Суғурта иши» таълим йўналиши бўйича сиртқи ва кечки бўлимларга тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташқари пулли-контракт асосида қабул қилиш тартиби жорий этилсин.

Бунда олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш суҳбат якунлари бўйича ва қуйидагилар:

ходимда умумий ўрта ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумоти ва суғурта бозорида камидан 2 йил амалий иш стажи мавжуд бўлиши;

контракт иш берувчи — суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кафолатли тўланиши ва ходим — битирувчи ўқиши тамомлагандан кейин суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси штатида 3 йил мобайнида мажбурий ишлаб бериши шарти билан амалга оширилади.

Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

суғурта бозорининг ишлаши ва унинг профессионал иштирокчилари фаолияти очиқлиги ва шаффоғлигини, шу жумладан суғурта фаолияти соҳасидаги статистик ва молиявий кўрсаткичларни мунтазам эълон қилиш йўли билан таъминлаш;

суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта муносабатларининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг суғурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда суғурта маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан чет элда, шунингдек, халқаро даражадаги эксперtlар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкил этишга кўмаклашиш;

суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти, суғурта захираларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича мажбурий норматив ва талабларни белгилаш, шунингдек, самарали суғурта фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича белгиланган норматив ва талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

сұғарталовчилар (қайта сұғарталовчилар) ва сұғурта брокерларининг сұғурта фаолиятини лицензиялаш, актуарийлар фаолиятини сертификатлаш;

сұғурта бозорининг ҳолати ва унинг профессионал иштирокчилари фаолиятининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, масофавий назорат қилиш ва тезкор онлайн-мониторингини олиб бориш бўйича интеграциялаштирилган ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган сұғурта хизматларининг талаб юқори бўлган анъанавий турларини ривожлантиришга ва янги турларини жорий қилишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги фаолияти соҳасида сұғурта ҳимоясини кучайтириш;

хорижий давлатларнинг ўхшаш тузилмалари, ҳалқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар билан сұғурта фаолияти соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш.

Агентлик сұғурта бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг сұғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш қисмидаги барча хуқуqlари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича унинг ҳукуқий вориси ҳисобланади;

Агентликни сақлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор бошчилик қиласи;

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирнинг ўринbosарига тенглаштирилади;

Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 28 бирлик этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 30 ноябрга қадар:

мажбурий тиббий сұғурта механизmlарини жорий этишнинг ҳукуқий асосларини;

Сирдарё вилоятида 2020 йилдан бошлаб «даволанган ҳолат» учун тиббий хизматлар тўлови механизмини ва «жон боши нормативи» асосида молиялаштириш тизими методологиясини, шунингдек, 2021 йилдан бошлаб — мажбурий тиббий сұғурта тизимини тажриба-синов тарзида жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

а) икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини, шу жумладан Агентлик тузилмаси ва Агентлик тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутган ҳолда;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

б) 2020 йил 1 январга қадар суғурта ташкилотларининг фаолиятини таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегияси лойиҳасини киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси

2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида мажбурий тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этилади. Шу муносабат билан мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида мажбурий тиббий суғурта соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг малакали тиббий ёрдам олиш конститутсиявий ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбурий тиббий суғуртасининг ҳуқуқий, ташкилий, молиявий асослари ва тамойилларини белгилаб беришдан иборат.

Мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонунчилиги, бюджет қонунчилиги, суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғи тўғрисидаги қонунлари билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар ушбу қонунга зид бўлмаган даражада қўлланилади.

Ушбу Қонун: давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми доирасида тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга бўлган суғурталangan шахсларга;

тиббий ёрдам қўрсатувчи ташкилотларга;

Мажбурий тиббий суғурта жамғармасига;

бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек мажбурий тиббий суғурта соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа шахсларга таъсир қиласи.

Асосий тушунчалар

тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми - мажбурий тиббий суғурта доирасида қўрсатиладиган давлат томонидан белгиланган тиббий хизматларнинг ҳажми, бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мажбурий тиббий суғурта

хизматларини кўрсатишнинг давлат кафолатлари дастурининг ажralmas қисми ҳисобланади;

тиббий хизматларни сотиб олиш бўйича шартнома - Жамғарма билан тиббиёт муассасаси ўртасида ёзма равищда тузилган, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида давлат томонидан белгиланган тиббий хизматларни кўрсатишни назарда тутувчи шартнома;

суғурталанган шахс - тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий хизмат олиш хуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

тиббиёт муассасаси - тиббий ёрдам кўрсатиш учун рухсатномаси (литсензияси) бўлган юридик шахс;

мажбурий тиббий суғурта - бу суғурталанган шахсларга тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажми доирасида тиббий-профилактика хизматлари кўрсатилишини таъминлайдиган давлат томонидан кафолатланган тиббий суғуртанинг бир тури;

мажбурий тиббий суғурта тизимида тиббий хизмат кўрсатувчи провайдер - мажбурий тиббий суғурта жамғармаси тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузадиган давлат ёки хусусий тиббиёт муассасаси.

мажбурий тиббий суғурта дастури - тиббий муассаса томонидан мажбурий тиббий суғурта шартномаси асосида тиббий-профилактика хизматларини кўрсатиш бўйича хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тадбирлар мажмуи;

мажбурий тиббий суғурта тизими – давлатнинг мажбурий тиббий суғурта доирасида суғурталанган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар тизими;

қўшма тўлов - суғурта қилдирувчи (бемор) ўз маблағлари ҳисобидан давлат кафолатларининг бепул ҳажмидан ортиқ кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун тўланадиган сумма;

суғурта ҳодисаси - суғурталанган шахснинг мажбурий тиббий суғурта шартномаси бўйича тиббий-профилактика хизматларини олиш бўйича тиббий муассасага мурожаат қилиши ваўзнатида мажбурий тиббий суғурта жамғармасига қонун хужжатларига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради;

Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси - бу аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини таъминлаш учун маблағ тўплайдиган, шунингдек тиббий хизматларни этказиб бериш бўйича шартнома ҳажмида ва шартларида тиббий хизматларни сотиб олиш ва Ўзбекистон Республика қонунчилигида назарда тутилган бошқа функтсияларни бажарадиган давлат нотижорат ташкилоти;

мажбурий тиббий суғурта учун мақсадли давлат ажратмалари - тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини молиялаштириш учун ажратилган давлат солиқлари ва йиғимларининг улуши, асосан заарарли маҳсулотларга (тамаки, алкогол ва бошқалар) актсиз солиғининг белгиланган фоизи, шунингдек давлат томонидан белгиланган ва қонун билан тақиқланмаган бошқа солиқлар.

Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари

Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади тиббий-профилактика ёрдамини олишнинг конститутсиявий кафолатлари ва унинг барча фуқаролар учун зарур бўлган, этарли даражада тегишли сифат даражасида бўлишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг молиявий хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Мажбурий тиббий суғуртанинг вазифалари:

соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан мунтазам молиялаштиришни ва молиявий барқарорлиги таъминлаш;

тиббий-профилактика хизматларини кўрсатиш учун маблағларни самарали бошқариш, шу жумладан уларни самарали таксимлаш ва фойдаланиш;

кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш;

тиббий ёрдамдан олиш имкониятни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг аҳолисини мажбурий тиббий суғурта билан максимал даражада қамраб олиш;

мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизмат олаётганда суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

давлат ва хусусий тиббий хизмат кўрсатувчилар билан мажбурий тиббий суғурталаш бўйича тиббий хизматларни сотиб олишда шаффоффлик, рақобат ва адолатни таъминлаш;

фуқароларнинг ўз соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашбўйича жавобгарлигини ошириш.

Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий тамоиллари:

Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ва амалга ошириш;

ижтимоий-иктисодий ҳолатидан қатъи назар, барча суғурталанган шахслар учун мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматлардан тенг фойдаланиш;

мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматларнинг ҳудудларбўйича тенг таъминланганлиги;

тиббий-санитар хизматлар билан ёппасига қамраб олиш;

аҳолининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда давлат ва фуқароларнинг биргаликдаги жавобгарлиги;

кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатли ва ҳаммабоплиги;

Жамғарма фаолиятининг шаффоффлиги.

Мажбурий тиббий суғурта дастури мажбурий тиббий суғурта шартномалари асосида мажбурий тиббий суғурта фонди билан давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида барча суғурталанган шахсларга тиббий-профилактика ёрдами кўрсатишнинг рўйхати, ҳажми ва шартларини белгилайди.

Мажбурий тиббий суғурта дастури суғурталанган шахслар ҳам қўшимча тўловларда қатнашувчи маълум тиббий хизматларни кўрсатишни ҳам назарда тутади.

Ўзбекистоннинг барча фуқаролари Суғурталанган аҳоли таркибига киради: Ўзбекистонда доимий яшовчи чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; қочоқ деб тан олинган ёки Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясига мувофиқ ҳимояга муҳтоҷ бошқа шахслар.

Мажбурий тиббий суғурта дастури доирасидан ташқари тиббий-профилактика хизматларининг рўйхати ва қўлами тиббий хизмат кўрсатувчига тўғридан-тўғри тўлов орқали ёки, Жамғармадан бошқа давлат ва хусусий суғурта компаниялари билан ихтиёрий тиббий суғурта шартлари асосида "Суғурта фаолияти тўғрисида" ги қонунга мувофиқ кенгайтирилиши мумкин.

Тиббий ёрдам кўрсатувчи провайдерлар мажбурий тиббий суғурта дастури доирасида кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми ва сифатига зарар этказмасдан ихтиёрий тиббий суғурта ёрдамини кўрсатадилар.

Тиббий суғурта мазмун-моҳияти ва субъектлари

Бенефициар – бу иш берувчи ҳомийлигида харид қилинган суғурта суғурталанувчисига боғлиқ бўлган қўйидаги шахслардан биридир ("Давлат тиббий суғуртаси тўғрисида" ги Қонуннинг 5 (2)-моддаси).

Давлат тиббий суғуртасининг мазмун-моҳияти

Давлат тиббий суғуртасига таъриф

- "Давлат тиббий суғурта тизими" Кореядаги ижтимоий ҳимоя тизимларидан бири бўлиб, бу тизим хатарларни суғурталанувчилар ўртасида тақсимлайди ва суғурталанувчиларга зарур тиббий хизматларни олиш хуқуқини беради. Давлат тиббий суғурта тизимига кўра, суғурта бадалларини мунтазам тўлаб бориш фуқарололар зиммасида ва Давлат тиббий суғурта хизмати ("ДТСХ"), суғурталовчи, ушбу суғурта бадаллари билан боғлиқ фаолиятни юритиш, бошқариш ва зарур бўлса, касалликлар ёки жароҳатлар учун кетадиган харажатлар оиласаларга катта юк бўлишини олдини олиш учун ушбу бадалларни таъминлаш билан шуғулланади (ДТСХ веб-саҳифаси – тизим билан танишиш – давлат тиббий суғуртаси).

■ Давлат тиббий суғуртасининг ўзига хос хусусиятлари

- Мажбурий суғурталаниш ва суғурта бадалларини тўлаш

· Агар аҳоли учун мазкур тиббий суғуртага ўзини суғурта қилдириш ихтиёрий қилиб қўйилса, фақат юқори касаллик хатари остида бўлган инсонларгина ушбу суғурта полисини харид қиласидилар ва бу ҳолат мазкур тиббий суғурта тизими кўзлаган мақсадларни амалга оширишни қийинлаштиради, айниқса, хатарларни фуқаролар ўртасида тенг тақсимлаш ва тиббий харажатларни аҳоли биргаликда тўлашини кўзда тутувчи мақсадларни. Шу нуқтаи назардан, қонунда белгиланган талабларни қаноатлантирадиган барча фуқаролар учун мазкур тиббий суғуртани харид қилиш ва суғурта бадалларини тўлаш мажбурийдир, уларнинг хоҳиши истагидан қатъий назар. (ДТСХ веб-саҳифаси – тизим билан танишиш – давлат тиббий суғуртаси).

- Суғурта бадалларини фуқароларнинг тўлов қобилиятига қараб ундириш

· Хусусий компаниялар суғурталарида суғурта бадаллари суғурта ҳимояси қамрови, касаллик хатарлари даражаси ва шартнома шартлари қабилардан келиб чиқиб белгиланса, ижтимоий суғурта усуллари асосида бошқариладиган давлат тиббий суғуртасида тиббий харажатлар билан боғлиқ масалаларни ижтимоий бирдамлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳал этиш назарда тутилади. Шунга мувофиқ, давлат тиббий суғуртаси учун тўланадиган бадаллар миқдори фуқаронинг тўлов қобилияти, жумладан, унинг даромад даражаси ва ҳоказоларга

қараб белгиланади. (ДТСХ веб-саҳифаси – тизим билан танишиш – давлат тиббий сұғартаси).

- Тeng сұғурта қопламаси (химояси)

· Хусусий сұғурта компаниялари сұғурталаридан сұғурта қопламаси (химояси) міңдори, шартнома шартлари ва ҳоказоларга қараб турлича міңдорда белгиланади. Аммо ижтимоий сұғурта ҳисобланған мазкур давлат тиббий сұғартасида, тегишли қонунларга мувофиқ, бадаллар міңдоридан қатый назар, сұғурталанувчиларга тeng сұғурта қопламаси (нафақалари) түлаб беріш назарда тутилади. (ДТСХ веб-саҳифаси – тизим билан танишиш – давлат давлат тиббий сұғартаси).

Давлат тиббий сұғартасидан фойдаланиш хуқуқига эга шахслар

■ Фойдаланиш хуқуқига эга шахслар

- Қуйидаги шахслардан ташқари, Корея худудида яшовчи Корея фүқаролари ёи уларнинг қарамоғидагилар тиббий сұғурта сұғурталанувчилари (кейинги ўринларда "сұғурталанувчилар" деб юритилади) бўлишлари мумкин ("Давлат тиббий сұғартаси тўғрисида"ги Қонуннинг 5 (1)-моддаси).

· "Тиббий ёрдам олишга кўмаклашиш тўғрисида"ги Қонунга кўра тиббий ёрдам оладиган шахслар.

· "Мустақилликни қўлга киритишда алоҳида хизматлар қилган шахсларга эҳтиром билан муносабатда бўлиш тўғрисида"ги Қонун ва "Давлат олдида алоҳида хизматлар кўрсатган шахслар эҳтиром билан муносабатда бўлиш ва ёрдам беріш тўғрисида"ги Қонунга биноан тиббий хизматлар учун ёрдам оладиган шахслар (кейинги ўринларда "алоҳида хизматлари учун тиббий хизматлар учун ёрдам олишга ҳақли шахслар" деб юритилади), аммо шу шарт биланки, agar қуйидаги шахслар ёки уларнинг қарамоғидагилар сұғурталаниши лозим бўлса:

✓ Алоҳида хизматлари учун тиббий хизматларга ёрдам олишга ҳақли бўлган ва сұғурталовчидан ўзига тиббий сұғурта қопламасини берішни сўраган шахслар;

✓ Гарчи мажбурий тиббий сұғуртага сұғурталаниши шарт бўлган шахс мақомидан алоҳида хизматлари учун тиббий хизматларга ёрдам олишга ҳақли шахс мақомига ўтган бўлишига қарамасдан, тиббий сұғурта қопламасидан чиқишини сұғурталовчидан талаб қилмаган шахслар.

Сұғурталанувчи қарамоғидаги шахс ким?

- "қарамоғидаги шахс" бу иш берувчи ҳомийлигига харид қилинган сұғурта сұғурталанувчисига боғлиқ бўлган қуйидаги шахслардан биридир ("Давлат тиббий сұғартаси тўғрисида"ги Қонуннинг 5 (2)- моддаси).

· Сұғурталанувчи ишчи-ходимнинг турмуш ўртоғи;

· Сұғурталанувчи ишчи-ходимнинг туғишинг турмуш ўртоғи (жумладан, унинг турмуш ўртоғининг туғишинг турмуш ўртоғи);

· Сұғурталанувчи ишчи-ходимнинг туғишинг авлодлари турмуш ўртоғи (жумладан, унинг турмуш ўртоғининг туғишинг авлодлари);

· Сұғурталанувчи ишчи-ходимнинг акаси, укаси, опаси, синглиси.

- Қарамоғдаги шахс мақомини олмоқчи бўлган фүқаролар қуйидаги талабларни қаноатлантириш лозим ("Давлат тиббий сұғартаси тўғрисидаги қонун ижроси тўғрисида"ги Регламентнинг 2 (1)-моддаси):

· "Давлат тиббий сұғуртаси тұғрисидаги қонун ижроси тұғрисида"ти Регламентнинг илова қилинган 1-жадвалида күрсатилған ёрдам билан боғлиқ талаблар;

· "Давлат тиббий сұғуртаси тұғрисидаги қонун ижроси тұғрисида"ти Меъёрларнинг илова қилинган 1-2- жадвалида баён қилинган даромад ва молмұлкка оид шартларни қаноатлантиради.

Назорат саволлари

1. Тиббий сұғурта нима?
2. Мажбурий тиббий сұғуртанинг мақсадлари, вазифалари нималардан иборат?
3. Мажбурий тиббий сұғуртанинг асосий тамойилларига нималар киради?
4. Мажбурий тиббий сұғурта дастури нималарни үз ичига олади?
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 август 2019 йилдаги "Қарори Ўзбекистон Республикасининг сұғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тұғрисида"ти ПҚ - 4412 сон қарорининг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сұғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Фойдаланилған адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Сұғурта фаолияти тұғрисида"ти Қонуни (358-II-сон 05.04.2002).
2. Б.М.Маматкулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Дарслік. Тошкент –Илм Зиё. 2013. 574 б.
3. Д.А.Асадов. Медицинское страхование (основные системы). Ташкент-2004.
4. Ю.П.Лисицын. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник. – 2-е изд. –М.: Гэотар-Медиа, 2010. – 512 с.

З-мавзу: Мажбурий тиббий сұғуртани жорий қилишда жағон тажрибаси.

Режа:

1. Мажбурий тиббий сұғуртани жорий қилишда халқаро тажрибанинг 4 та модели: Бюджет модели.
2. Мажбурий ижтимоий тиббий сұғурта модели.
3. Хусусий тиббий сұғурта модели. Соғлиқни сақлаш ҳисобини жамғариладиган модели.
4. Мажбурий тиббий сұғуртани жорий қилишда жағон тажрибаси (Америка Күшма Штатлари, Франция, Германия, Буюк Британия ва ва бошқалар.).

Таянч иборалар: бюджет, халқаро тажриба, сұғурта модели, хусусий тиббий сұғурта

Мажбурий тиббий сұғуртани жорий қилишда жағон тажрибаси

Америка Қўшма Штатлари конституцияси аҳолининг маълум гурухларидан ташқари ҳаммасини давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам билан таъминлашни назарда тутмаган. АҚШдаги соғлиқни сақлаш тизимиға мажбурий тиббий суғурта дастурларининг давлат томонидан бошқариладиган хусусий соғлиқни сақлаш модели ёки соғлиқни сақлашнинг 2-модели хос.

Бундай тизимнинг маълум камчиликлари ҳам бор, улар орасида асосийлари қўйидагилар: биринчидан, тиббий ёрдамнинг ҳамма аҳоли учун оммабоп эмаслиги. 40 млн.га яқин америкаликлар суғурта полисига эга эмас. Бундан ташқари, турли ҳудудлардаги соғлиқни сақлаш нафақат молиявий жиҳатдан чекланган, балки оммаболиги ҳам етарли эмас. Соғлиқни сақлашнинг молиявий томондан, тиббий кадрлар билан таъминланганлиги штат ва туманлар бўйича бир текис эмас. Айниқса, қишлоқ жойларида тиббий ёрдам сезиларли даражада этишмайди.

Иккинчидан, доимо тиббий хизматга сарф-харажатлар ошиб бораётганлиги сабабли суғурта бадалларининг ошиши ва тармоқни молиялаш муаммоси кучаймоқда.

Учинчидан, соғлиқни сақлашга сарфланган маблағнинг самараси паст. АҚШ дунё бўйича битта одам учун ва абсолют маблағ сарфлаш бўйича биринчи ўринда туради (Германия, Францияга нисбатан 2 баробар кўп, Японияга нисбатан 2,5 баробар, Буюк Британияга нисбатан 3 баробар).

Тўртинчидан, тармоқ фаолиятида «оғирлик маркази» даволанишга тўғри келади, профилактикага эса керакли эътибор қаратилмаган.

АҚШда соғлиқни сақлашнинг марказлашмаган тизими амал қиласи. Соғлиқни сақлашнинг умумий миллий мақсадларини амалга оширишда давлатнинг ҳар бир қатлами ўзига тегишли ролни бажаради. АҚШда соғлиқни сақлашни, одатда, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат (ССВИХ) департаменти бошқаради, аммо унинг вазифалари анчагина чегараланган. ССВИХ таркибиға жамоат соғлиқни сақлаш хизмати киради. ЖСС хизматини ушбу вазирликнинг тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ишлари бўйича вазирлик котиби ёрдамчиси, яъни Бош врач бошқаради.

Жамоат соғлиқини сақлаш хизматининг асосий вазифалари:

- чегаранинг санитария муҳофазаси;
- атроф-мухит гигиенаси;
- санитария статистикаси;
- соғлиқни сақлашнинг миллий институтларини бошқариш;
- фуқаро мудофааси тиббиёт хизмати;
- ташқи тиббий алоқалар ўрнатиш.

ЖССХ аҳолининг факат маълум гурухларига: уруш қатнашчилари, савдо флотининг ходимлари, қуролланган кучлар шахсий таркиби, давлат хизматчилари, Америка ҳиндуларига тиббий ёрдамни (амбулатория ва стационар) ташкил этиш билан шуғулланади. Соғлиқни сақлаш департаменти 9 та ҳудудий бўлимлардан ташкил топган, уларни директор бошқаради. Ҳар бир ҳудудга бир неча штатлар киради. Ҳар бир штат ўз соғлиқни сақлаш департаментига эга. Унинг вазифасига лаборатория хизмати билан боғлиқ, санитария-эпидемияга

қарши ҳимоянинг асосий масалалари киради. ЖССХ қуйи бўғинига шаҳар ва туманларда юқумли касалликлар, сил, венерик касалликлар ва безгакка қарши қурашиш, уларни қайд қилиш ва демографик статистикани олиб борувчи ташкилотлар киради.

Ривожланган давлатлардан фақат АҚШда давлат томонидан соғлиқни суғурталаш тизими йўқ. Бу аҳолининг кўпчилик қисми (50%) хусусий тиббий суғуртага эга эканлигидан далолат беради. Шундан 46% иш жойидан суғуртага эга, 13% эса индивидуал суғурта сотиб олади. 27% аҳоли давлат суғуртасига эга, шундан 13% — «Мэдикэр», 10% — «Мэдикейд» ва 4% — армия ветеранлар фондидан. АҚШнинг 4% аҳолиси ҳеч қандай суғуртага эга эмас. Тиббий суғуртага эга бўлмаган шахслар, тиббий ёрдамдан бутунлай маҳрум эмас. Уларга, суғуртага эга одамларга нисбатан, тиббий хизматлар сони кам ва тиббий хизмат ёмонроқ ташкиллаштирилган, уларнинг кўпчилиги тиббий ёрдамни хайрия сифатида тиббий хизматни маблағ билан таъминловчи хусусий суғурта фирмалари, маҳаллий ҳукумат, алоҳида штатлар ўтказадиган соғлиқни сақлаш дастурлари орқали давлат шифохоналарида олади.

АҚШда 1000 дан ортиқ хусусий суғурта тиббий ширкатлари мавжуд. Уларнинг ичида «Кўк хоч» ва «Кўк қалқон» энг йирикларидан хисобланади.

Кўпчилик суғурта компаниялари ишга қабул қилинувчиларнинг ишига таъсир кўрсатмайдиган, аммо даволаш учун кўп маблағ талаб қиласидиган касалликларини аниқлашга кўпроқ ёндашмоқда. Агар бунда ишчи ёки унинг оила аъзоси кўп маблағ талаб қиласидиган оғир касаллик билан касалланган бўлса, у ишсиз қолиши мумкин. АҚШда бундай дискриминация деярли қонунлаштирилган.

Юқорида айтилганлардан ташқари, АҚШда муқобил суғурта тизими мавжуд. Булар — хусусий тижорат компаниялари ва соғлиқни муҳофазалаш ташкилотлари. Улар соғлом шахсларга суғурта таклиф қилаётганда ҳар хил шартлар қўйиши мумкин, масалан, врач танлашни чеклаш: беморларни врач ёрдамчиси ёки ҳамшира кўригидан ўтмагунча врачга мурожаат қилишни тақиқлаш ва бошқалар. Одатда, федерал ҳукумат суғурта компанияларининг фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланмайди, бу билан алоҳида штатлардаги суғурта бўйича комиссия шуғулланади. АҚШда соғлиқни суғурталашнинг асосий 3 та тури бор: асосий госпиталь суғурта, асосий тиббий ва умумий тиббий суғурта. Асосий госпиталь суғурта шифохона чиқимларини қоплайди, аммо шифохонада даволаниш муддати ва даволанишга бўлган умумий харажатни суғурта компаниясининг ўзи белгилайди. Асосий тиббий суғурта эса шифохонада врачга мурожаат, врач тиббий хизмати билан боғлиқ сарф-харажатни қоплайди. Бу суғурта тўлов, нарх ва вақт бўйича чекланган. Умумий тиббий суғурта сарф-харажатлар, госпиталь суғурта ва асосий тиббий суғурта доирасидан чиқиб кетганда қўшимча сарф-харажатни қоплаш учун хизмат қиласиди.

Давлат дастурлари қариялар, ногиронлар ва баъзи камбағал гуруҳларни таъминлашга қаратилган. Тиббий суғурта бўйича хусусий ва давлат дастурлари бериладиган имтиёзлар сифати ва миқдори бўйича бир-биридан фарқ қиласиди, маблағ билан таъминлаш манбалари ҳар хил, соғлиқни сақлаш муас-сасалари ва тиббиёт ходимларига ҳақ тўлаш миқдори ҳар хил. Хусусий ва давлат

ташкилотлари орасида келишмовчиликлар кўп. Тиббий хизматга ҳақни тўлашда жамият ёрдами ҳам давлат, ҳам хусусий хайрия ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Асосий давлат дастурларига «Мэдикэр» ва «Мэдикейд» киради.

«Мэдикэр» — иш қобилиятини йўқотган шахслар ва қария-лар учун давлат томонидан кўрсатиладиган ягона ёрдам дастури. «Мэдикэр» дастуридан 65 ёшга кирган, нафақа олувчи, бундан ташқари, иш турига қараб 5 йилдан 10 йилгача иш стажига эга шахслар фойдаланиши мумкин. Бу дастур бўйича имтиёзни 65 ёшга кирмаган, лекин ишга қобилиятсизлиги туфайли 2 йилдан бери ижтимоий таъминот дастури орқали нафақа олувчи, бундан ташқари, давлат ишида маълум йиллар ишлаган шахслар олиши мумкин. 65 ёшга кирган, лекин «Мэдикэр» имтиёзига эга бўлмаган шахслар ҳар ойига пул тўлаб бу сугуртани олиши мумкин. «Мэдикэр» дастури мамлакатда аҳолининг 13% ни сугурта билан таъминловчи энг катта сугурта компанияси.

«Мэдикейд» — кам таъминланган оиласларга тиббий ёрдам кўрсатиш давлат дастури. У аҳолининг 10%ни қамраб олган ва федерал ҳукумат томонидан ёрдам пули ажратилади, лекин штатлар қонунлари билан назорат қилинади. Оилавий харажати ҳар бир штатда белгиланган миқдордан кам бўлган оила «Мэдикейд» дастурининг имтиёзига эга бўлиш ҳуқуқига эга. Камбағал, бир вақтнинг ўзида қари ёки кўр, ёки ҳомиладор, ёки ишга қобилиятсиз, ёки кўп болали шахслар «Мэдикейд» имтиёзига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун камбағалликнинг расмий даражасидан паст яшовчи камбағалларнинг 60% га яқини ушбу дастурга киритилмаган. «Мэдикейд» ўткир касалликларни даволашни ва узоқ муддатда тиббий ёрдам харажатларини қоплади.

Шифохонадан ташқари тиббий ёрдам, асосан, хусусий амалиёт врачлари қўлида, улар умумий врачларнинг 70% ни ташкил қилади.

Германия соғлиқни сақлаш тизимиға умуммажбурий тиббий сугурта (МТС) дастури давлат томонидан бошқариладиган хусусий соғлиқни сақлашнинг модели хос.

Бу давлатда тиббий сугурта тизимининг энг ривожланган турларидан бири ташкил этилган. У биринчи марта Европада 1883 йили О. фон Бисмарк томонидан таклиф этилган бўлиб, ҳозирги кунда аҳолининг 90% ни қамраб олган. Бу тизим ҳамма сугурта қилинган шахсларни, шу жумладан: ёлланма меҳнат ишчилари ва уларнинг боқимандаларини, кичик тадбиркорларни, талаба, нафақаҳўрларни тиббий ёрдам билан таъминлайди. Фақат аҳолининг юқори ижтимоий табақасига кирувчи 10% фуқаролар хусусий сугурта билан қамраб олинган, МТС тизимиға киритилганларнинг 3% га яқини хусусий сугуртага эга, улар госпитализация қилинганда яхши шароитга ёки касалланганда пуллик компенсацияга эга бўлади.

Германия соғлиқни сақлашнинг эски анъаналарига эга. У ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминот — нафақа, баҳтсиз ҳодиса, ишсизлик бўйича сугурта ва ижтимоий ёрдам сугуртасини ўз ичига қамраб олган бўлиб, мураккаб ва чалкаш тузилишга эга. Унда бир-бирига боғлиқлик ва тақрорланишлар учрайди. Бу тизим дунёда тан олинган.

Германияда сугуртани бошқариладиган тизимга З та сугурта жамғарма фонди киради: касбий, ҳудудий ва миллий шифохона кассалари.

Худудий бошқарма (ер бошқармаси) федерал хукумат билан биргалиқда шифохоналар кассаларига бадаллар миқдорини белгилаб беради, бу, ўз навбатида, сарфланаётган маблағ назоратини кучайтиради. Ягона молиялаштириш сиёсатини олиб борища худудий ва федерал шифохона кассалари уюшмалари ташкил этилиб, тиббий ёрдамнинг умуммиллий стандартлари белгиланади. Аҳоли саломатлиги бошқариладиган суғурта тизими билан бир қаторда хусусий суғурта компаниялари ривожланмоқда.

Мамлакатда 1000 дан ортиқ мустақил суғурта компаниялари иш олиб бормоқда, улардан 45% давлат ва 55% хусусий компаниялардир. Бу компанияларнинг кўпчилиги касбий тамойилга асосланган бўлиб, фермерлар ўзининг қишлоқ хўжалиги суғуртаси, денгизчилар ўзларининг, шахтёрлар ўз суғурта компаниясига эга. Суғурта жамғармаларига бадаллар мажбурий бўлиб, иш ҳақининг 6,5% (ишчилар тўлайди) ва иш ҳақи фондининг 6,5% ни (тадбиркорлар тўлайди) ташкил қиласди. Ўамма бадалларнинг 80% га яқинини давлат амалга оширади. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда унинг ҳиссаси охирги ўн йилликларда барқарор бўлиб қолмоқда. Суғурта бадалларини нафақахўрлар ҳам тўлайди, талабалар ҳам маҳсус талабалик суғурта бадалларини тўлайди, ишсизларга эса бадалларни Меҳнат ва ижтимоий таъминот федерал вазирлиги тўлайди. Уларнинг бадал миқдори олдинги иш ҳақига қараб белгиланади ва ишсизликлар бўйича нафақалар белгиланади. Мажбурий суғурта тизимиға вақтинча ишлайди, даромади қонуний белгиланган даражадан юқори бўлган шахслар кирмайди. Германия соғлиқни сақлаш тизимида 2 тоифа профессионал врачлар мавжуд. Биринчи тоифадаги шахсларга (*heilpraktiker* — практиканлар) амалиёт билан шуғулланиш тақиқланган, лекин тиббий ёрдам кўрсатишга рухсат этилган. Иккинчи тоифага малакали хизмат кўрсатувчи амалиёт враchlari киради. «Мустақил ёрдам кўрсатиш» (*kurierfreiheit*) ҳозирги вақтда Германияда кенг тарқалган.

Анъанавий тиббиётда амбулатор ёрдамни умумий амалиёт враchlari кўрсатади (иккинчи тоифа враchlari). Врачни мижознинг ўзи танлайди ва унга суғурта сертификатини беради. Мамлакатда враchlар кооперациясига қизиқиш ошмоқда. Биргалиқда қиммат жиҳозлар олишга, ҳамширалар ёллашга ёрдам берадиган гурухий амалиётнинг улуши ошмоқда. Кичик корхоналар — гурухий амалиётда битта ёки ҳар хил мутахассислардан ташкил топган 5—7 врач ва 10—20 ходим ишлайди. 70-йиллар охирида Германияда гурухий амалиётда 20% врач ишлаган бўлса, 90-йиллар охирига келиб улар 65% ни ташкил қиласди. Мамлакатда шифохона кимга бўйсунишига қараб, жамоат (ижтимоий), даромадсиз ва хусусийга бўлинади. Даромадсиз шифохоналар черков ва «Қизил Хоч»га қарашли. Хусусий шифохоналар тижорат корхоналари каби ишлайди. Булар кичик клиникалар бўлиб, мамлакатда уларнинг сони 900 га яқин.

Германиянинг бирлашиши натижасидаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар туфайли ижтимоий таъминот харажатлари камайтирилди. Германияда Саломатлик федерал вазирлиги соғлиқни сақлашнинг юқори ташкилоти ҳисобланади, у соғлиқни сақлашнинг ҳамма масалалари: ҳаво тозалиги, шовқинга қарши қураш, гигиена, ичимлик ва оқова сув сифати, ионли

нурланишдан ҳимоя, заарли дорилардан истеъмолчиларни ҳимоялаш, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича жавобгар.

Охирги йилларда Германия соғлиқни сақлаш тизимида катта ўзгаришлар юз бермоқда. 1993 йили қучга кирган шифохона суғурта структурасини яхшилаш ва таъминлаш бўйича қонун («Соғлиқни сақлаш тизими ҳақида қонун») шифохона суғуртасининг маблағ ва аъзолик бадаллари миқдори барқарорлигига кафолат беради.

Франция учун соғлиқни сақлаш умумий тиббий суғурта дастурининг давлат томонидан бошқариладиган хусусий модели хос.

Францияда соғлиқни сақлашнинг юқори ташкилоти Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги бўлиб, унга ижтимоий ишлар ва реабилитация бўйича давлат котиби ёрдам беради.

Ижтимоий суғурта Францияда 1946 йилда ташкил этилган, шу тарзда аҳолининг кенг қатлами тиббий ёрдам билан таъминланган. Ёлланма ишчилар ва унга тенглаштирилган гурӯҳ ишчилари касал бўлган ҳолатда, ижтимоий суғурта, суғурта қилинганлар ва иш берувчилар томонидан молиялаштирилади. Бунда ҳукуматнинг иштироки ҳам кўзда тутилган. Ижтимоий суғурта воситалари суғурта тизимларидан касаллик бўйича марказлашган миллий суғурта жамғармасига тушади.

Францияда бир неча суғурта тизими мавжуд. Уларнинг ичида энг каттаси умумий ижтимоий суғурта тизими ҳисобланади, у савдо ва саноат соҳасида ёлланиб ишлаётганларни, давлат ишчиларини, талабалар, уруш ногиронлари, уруш туфайли етим ва беваларни, врачларни қамраб олади. Бу тизим мамлакат аҳолисининг 67% ни қамраб олган. Умумий ижтимоий суғурта тизимига, қишлоқ хўжалиги секторида (18% аҳоли) ёлланиб ишлаётган ишчилар тизими ва маҳсус тизимларда (5% аҳоли) ишловчилар қўшилади. Маҳсус тизимларнинг энг катталарига Франция миллий темир йўл жамоаси, кончилар тизими, савдо флоти, ҳарбий кадрлар тизими ва бошқалар киради.

Францияда суғурта компанияларидан ташқари, кўплаб ўзаро ёрдам жамиятлари иш олиб боради. Бу ташкилотлар суғуртанинг мажбурий ва қўшимча турларини амалга оширади. Ҳар бир ўзаро ёрдам жамоаси ўз аъзоларини маълум комплекс хизматлар билан таъминлайди. Масалан, миллий соғлиқни сақлаш тизими хизматчиларнинг ўзаро ёрдам жамоаси хусусий руҳий клиникалар тармоғига эга. Баъзи жамоалар қарияларни парвариш қилиш бўйича ёрдам кўрсатиши мумкин. Ўамма жамоаларнинг фаолияти миллий уюшма томонидан назорат қилинади.

Давлат умумий тизимни молиялаштиришда иштирок этмайди, у факат йиғинларнинг 2% ни тўлайди. Бошқа тизимда унинг иштироки нисбатан юқори. Маҳсус суғурта тизими умумий суғурта тизимига нисбатан суғурта қилинган шахсларга катта имтиёзлар беради (факат узоқ иш стажига эга бўлганларига). Қишлоқ хўжалиги секторидаги ёлланма ишчиларни бирлаштирувчи тизим учун тиббий ёрдамга харажатларда суғурта қилин- ганларнинг иштирок улуши умумий ижтимоий суғурта тизим белгилаган миқдорга яқин.

Врачга мурожаат қилганда, шифохонага ёки бошқа тиббий ёрдам олганда хизматлар учун харажатларнинг ҳаммасини bemor ўзи тўлайди, сўнгра

суғурта ташкилоти суғурталанган шахсга ортиқча қилған харажатларни қайтаради. Аммо түловни кутиш вақти баъзида суғурта кассасида пул йўқлиги сабабли чўзилади. Шу вақт ичида хизмат эҳтиёжларининг нархи ошади. Натижада мижознинг олган пуллари даволанишга сарфланган пулдан кам бўлиб қолмоқда. Даволаниш учун катта миқдордаги пул тўлаш мажбурийлиги, унинг тез қимматлашиши Франция аҳолисини хусусий суғурта компанияларига мурожаат қилишга мажбур қиласи. Ҳозирги вақтда суғуртанинг бундай турига 60% аҳоли мурожаат қилмоқда.

Франция аҳолисига тиббий ёрдам 2 босқичда кўрсатилади: шифохонадан ташқаридағи ёрдам ва шифохонадаги ёрдам.

Аҳолига шифохонадан ташқаридағи хизмат кўрсатишда асосий роль ижтимоий суғурта ташкилоти билан битим тузган мустақил амалиёт врачига тегишли. Охирги вақтларда врачлар кўпроқ гурухий амалиёт билан шуғулланишмоқда. Бу гурухларга ҳам бир хил, ҳам ҳар хил йўналишдаги мутахассислар киради. Бундан ташқари, аҳолига шифохонадан ташқари ёрдамни умумий типдаги жамоат шифохоналари ва кўп тармоқли саломатлик марказлари қошидаги поликлиника бўлимлари (хоналарида) кўрсатади. Шифохонадан ташқарида ихтисослашган тиббий ёрдамни ижтимоий суғурта ташкилотлари билан шартномага эга давлат диспансерлари кўрсатади (силга қарши, таносил, руҳий-неврологик, онкологик).

Францияда шифохона ёрдами давлат ва хусусий шифохоналар томонидан амалга оширилади. Давлат шифохоналари 3 тоифага бўлинади: маҳаллий ёки қишлоқ шифохоналари 40 ўринли, 100 ўринга мўлжалланган кенг тиббий хизмат диапазонига эга умумий шифохоналар ёки ўқув, илмий-тадқиқот базасига эга клиник шифохоналар. Париждаги катта университет госпитали 1300 ўринга, энг катта марказий госпиталь эса 2830 ўринга мўлжалланган.

Давлат секторларида шифохоналар, ходимлар, маблағ етишмайди.

Хусусий шифохоналар ва давлат даволаш муассасаларининг фаолияти давлат миқёсида мувофиқлаштирилади, хусусий шифохоналарнинг қурилиши режа асосида амалга оширилади. Жамоа секторига нисбатан хусусий шифохоналардаги ўринлар қисқа муддат госпитализация қилишга мўлжалланган. Улар жарроҳлик операциялари ва ҳомиладорларга ёрдамни пуллик тўлов орқали амалга оширади. Шу билан бирга, қиммат дори-дармон ва жиҳозлар талаб қиласидиган касаллик билан касалланган беморлар давлат шифохоналарида даволанишига тўғри келмоқда. Хусусий шифохоналардаги ўринлар барча ўринлар фондининг 30% ни ташкил қиласи.

Давлат касалхоналари аҳолини ҳамма турдаги стационар ёрдам билан таъминлаши керак, врачларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, тиббиёт ва фармакология соҳасида илмий тадқиқотларда иштирок этиши керак. Аҳолига касалхона ёрдамини кўрсатиш бўйича участкалар ва туманлар, чегараларга бўлинган давлатнинг санитар картаси қонуний тасдиқланган.

Ҳозирги вақтда врачларни ўқитиши билан университетларнинг 33 та тиббиёт факультетлари шуғулланади. Ўқув давомийлиги 7 йил; I цикл — 2 йил (фундаментал билимни ўқитиши), II цикл — 4 йил (1 йил клиникагача тайёргарлик ва 3 йил шифохонада экстерна сифатида ишлаш даври), III цикл — 1 йил

шифохонада интерна сифатида ишлаш. Кейин ёш врач танлов касби бўйича ихтисослик курсини ўтиши мумкин.

Буюк Британия учун умумий давлат тиббий суғуртасига асосланган давлат соғлиқни сақлаш модели хос. Унга қўшимча равишда хусусий суғурта ва пуллик тиббий ёрдам ҳисоботи ҳам фаолият олиб боради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини тузиш ҳақидаги ҳужжат Буюк Британияда Иккинчи Жаҳон урушидан кейин 1946 йили қабул қилинди, лекин у барча амалиёт врачлари шу тизимда ишлашга рози бўлгандан кейин 1948 йили кучга кирди. Буюк Британия миллий соғлиқни сақлаш тизими барча давлат тиббиёт муассасаларини бирлаштиради, шу тизим қоидалари асосида ишлаш мажбуриятини олган хусусий тиббиёт институтларининг фаолиятини пул билан таъминлайди ва назорат қилади.

Миллий соғлиқни сақлаш хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш аҳолининг кўпчилик қисми учун тиббий ёрдамдан фойдаланишини енгиллаштиради ва давлатга тиббий муассасалар фаолиятини назорат қилишни таъминлайди, бу эса даволаниш нархининг ўсишини тўхтатиб туради.

Буюк Британияда соғлиқни сақлашнинг молиявий ҳолатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлашни бошқарувнинг ҳудудий органлари бошқаради. Давлат томонидан молиявий таъминот бажарилган фаолият бўйича амалга оширилади, шунинг учун ҳам тиббий ёрдам қўрсатишда даво-лаш-профилактика муассасалари харажатлар сметаси бўйича ҳеч қандай лимит ва чегирмаларга эга эмас. Буюк Британия соғлиқни сақлаш тизимининг афзаликлариға қарамай, у охирги 10—15 йил ичida катта қийинчиликларни бошдан ҳечирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, асосий муаммо, соғлиқни сақлашнинг давлат дастури амалга оширилгандан бошлаб, аҳоли орасида тиббий хизматлар нархи ҳақидаги тушунча йўқолганлигида. Аҳолининг кўп қисми хусусий тиббий суғурта сотиб олмоқда. Тиббиёт муассасалари аҳоли учун оммабоп бўлишига қарамасдан, Буюк Британияда даволаниш учун молиявий ва номолиявий тўсиқлар мавжуд. Буюк Британия миллий бюджетининг бир қисми бўлган соғлиқни сақлаш бюджетининг миқдори давлатнинг бошқа харажатларига боғлиқ. Давлат соғлиқни сақлаш тизими аҳолига тиббий хизмат қўрсатиш масаласини тўла ҳал қила олмаётганлиги пуллик тиббий ёрдам хизматини кенгайтиришнинг хусусий тиббий суғурта имкониятларини оширишга олиб келмоқда.

Буюк Британияда хусусий тиббий суғурта билан кўплаб суғурта компаниялари шуғулланади. Улар орасида етакчи ўринни 1947 йили кичик суғурта ташкилотлар бирлашиши натижасида юзага келган ва ҳозирги вақтда тиббий суғурта бозорининг асосий қисмини бошқараётган БУПА суғурта ассоциацияси эгаллайди. БУПА фаолиятининг асосий принципи — давлат соғлиқни сақлашига қўшимча ёрдам. У миллий соғлиқни сақлаш хизмати ўз зиммасига олмаган тиббий ёрдамнинг турлари бўйича суғурта обьекти бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун тиббий суғурта фаолияти маълум даражада чекланган бўлиб, ҳам тижорат, ҳам давлат муассасаларидаги пуллик тиббий хизматни қамраб олади. Ўзининг юридик статуси бўйича БУПА нотижорат ташкилот бўлиб, давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади. Бундан ташқари, БУПА солиқ бўйича ҳам имтиёзларга эга. Ассоциация жамғармаси таъсисчилар —

хайрия жамғармалари, диний ташкилотлар, ҳукумат, маҳаллий ҳокимият ташкилотлари бадалларидан ташкил топган. Унинг хўжалик-ҳукукий статусининг асосий ўзига хос томони — асосий даромадларни фақат соғлиқни сақлашнинг пуллик секторини ривожлантиришга сарфлашдан иборат. Суғуртадан тушган пул маблағлари тўлиқ (шифохоналар, ҳамшира парвариш уйлари, диагностик марказлар, шифохонадан кейинги патронаж хизмати) тижорат тиббиёт муассасалари тармоқларини такомиллаштириш ва кенгайтиришга сарфланади.

Суғурта бадаллари миқдори 1 йилда бир марта қайта кўриб чиқлади, лекин 1 йил давомида улар барқарор сақланиб қолади.

Тиббий муассаса билан ҳисоб-китоб мажбуриятини БУПА ўз зиммасига олади. Ассоциация мижози фақат ҳисобни текшириб, қўл қўйиб бериши керак. Қолган ишларни БУПА бажаради.

Хусусий тиббий суғурта қоидаларида суғурта қилинганларга кўрсатиладиган тиббий хизмат турларининг кўлами тўлиқ кўрсатилган бўлади. Суғурта полисига эга шахслар суғурта дастурида иштирок этувчи шифохоналарнинг исталган биттасида, навбатсиз ва мижоз хоҳлаган вақтда, тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Беморга алоҳида палата берилади, касаллик бўйича қўшимча нафақа тўланади, тикловчи даволаш хизмати кўлами жуда ҳам кенг.

Хусусий тиббий суғурта хизматининг бошқа турлари — бу тор доирадаги олий тоифали врачлардан мутахассис маслаҳати олиш. Мутахассисга мурожаат этиш учун умумий амалиёт врачининг тавсияси керак. Бу эса кераксиз мурожаатлар сонини камайтиради, миллий соғлиқни сақлаш хизмати ва хусусий тиббий суғурта ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради. Консультантлар ўз шифохоналарида шахсий bemorларни қабул қилиш ҳуқуқига эга, фақат асосий ишдан ташқари вақтда. Улар фаолияти пуллик ва бепул қисмининг нисбати маъмурият томонидан қаттиқ назорат қилинади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори юқори ижтимоий табақага кирувчи бой мижозлар учун мўлжалланган. Пуллик тиббий хизматнинг ижобий томони сифатли бўлганидек, унинг салбий томонлари ҳам бор. Хусусан, моддий маблағлар, кадрлар ресурслари ва ўринлар фондидан унумли фойдаланилмайди. Масалан, яхши таъминланган шахс унча оғир бўлмаган касаллик билан давлат шифохоналарида пуллик ўринни эгаллаб ётган бир вақтда, камроқ таъминланган ва оғир касаллик билан касалланган bemor керакли давони ололмай кутиб ётади.

Буюк Британияда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан бошқариладиган марказлашган соғлиқни сақлаш тизими мавжуд.

Умумий амалиёт хизматига (шифохонадан ташқари) УАШ, stomatologлар, офтальмологлар ва фармацевтлар киради. Буюк Британия ахолисининг асосий қисми хусусий амалиёт билан шуғулланувчи УАШ хизматидан фойдаланади. УАШ bemorларнинг жинси, ёши ва касаллигидан қатъи назар, уларнинг барчасини бепул қабул қилади. У тиббий ёрдамни ўз ваколати доирасида кўрсатади, профилактика билан шуғулланади, bemorларни тор доирали хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачлар қабулига юборади. Гонорар миқдори кўрсатилган хизматига эмас, bemorлар сонига қараб тўланади. УАШ ўз худудида доимий ва вақтинча яшовчи ҳар бир одамга, 60 ёшдан катта шахсларга, тунги ва

ишдән ташқари вақтдаги ишига, узоқ туманлар ва қишлоқ жойларидаги ишига иш ҳақи олади. Врачнинг иш ҳақига унинг иш стажи ҳам таъсир қиласи. Ҳар хил соҳа бўйича хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачлар миллий соғлиқни сақлаш тизимида 1% ни ташкил қиласа-да, аҳолининг 10% уларнинг хизматидан фойдаланади.

Госпиталь хизматда тор доирадаги врачлар ишлайди. Участка принципи бўйича, улар мутахассислиги бўйича амбулатор қабул қиласи ҳамда стационарда bemорларга тиббий ёрдам кўрсатади. Тиббиёт ходимлари ёлланма бўлиб, тиббий хизматнинг пуллик қисмини қоплайдиган шахсий пулдан тушган шифохона бюджети улар орасида тақсимланмайди, ушбу пул миллий соғлиқни сақлаш тизимининг умумий бюджетига ўтказилади. Буюк Британияда шифохонанинг аксарият қисми (95%) давлатга қарашли. Бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш тизими алоҳида роль ўйнайди. Тиббий ёрдамга мурожаат қилганларнинг 90% УАШга тегишли. Ўамма bemорлар ўзига врачни мустақил танлайди, УАШ қабулига ёзилгандан кейин, бу врач bemор учун маълум давр «мажбурий» бўлиб қолади. Айнан УАШ ўз bemорини врач-мутахассисга юборади ёки керак бўлганда шифохонага ётқизади.

Бундай тизим «бошланғич даволаш» ва «махсус даволаш» орасидаги фарқقا асосланган бўлиб, биринчиси УАШда, иккинчиси қоида бўйича стационарларда таъминланади. Бундай типдаги танлов, оғир ҳодисаларни диспансердан шифохонага юбориб саралашга ёрдам беради. УАШ ўз бизнесига эга бўлиб, улар давлат хизматчилари ҳисобланмайди. Миллий соғлиқни сақлаш тизими билан шартнома асосида ишлайди. Улар касалхона врачларига нисбатан ўз фаолиятини қўшимча тиббий хизмат ҳисобига кенгайтириш имкониятига эга. Қоида бўйича, УАШ юқори даромад олади. УАШ даромадининг асосий қисми уларнинг ҳисобида турадиган bemор сонига мутаносибdir. Бундан ташқари, УАШ ёрдамчи персонал, хона ва солик тўлашга қўшимча пул, яна алоҳида хизмат турлари кўрсатганига қўшимча иш ҳақи олади. Ўртacha битта УАШга 2000 га яқин одам тўғри келади.

Буюк Британияда ташкил қилинган миллий соғлиқни сақлаш тизими узоқ вақтлар давомида ривожланган мамлакатлар учун ўrnak бўлиб келган, чунки биринчи марта бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда оммабоп ва бепул принцип асосида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг давлат модели ташкил қилинди.

Хозирги вақтда Буюк Британияда соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотлар амалга оширилмоқда:

- бор ресурслардан самарали фойдаланишга бўлган эҳтиёж;
- госпитализацияга навбатнинг мавжудлиги;
- профилактик ишларнинг сустлиги;
- ҳар доим ҳам адекват тиббий ёрдам кўрсатишда УАШ учун рағбатнинг этишмаслиги ислоҳотнинг дастлабки шарти бўлиб хизмат қилди.

Ислоҳотнинг асосий мақсади — мамлакатда бозор қонунлари бўйича иш олиб борадиган, врачлик амалиёти хизматининг рақобатли тизимини яратиш. УАШ ҳар бир қабул қилган қарорига молиявий жавобгарликни ўз зиммасига олади. Врач учун ажратилган пулнинг маълум қисми шифохона билан диагностик

текшириш, маслахат, операция ва бошқаларни ўтказиш учун тузилган шартномага ишлатилади. УАШ сифатли натижа учун тежалган маблағдан тақдирланади, агар нотўғри даволаса жазоланади. Ислоҳот шарти шуки, ходим самарали иш ва юқори сифатли хизматга интилиши керак, чунки бу унинг даромади ошишини таъминлайди. Буюк Британия миллий соғлиқни сақлаш хизматининг ислоҳоти беморнинг саломатлик ҳолатини ҳисобга олиб, уларга тўланадиган харажатлар тизимини қайта ишлаб чиқишини кўзда тутади.

Ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун аҳолининг айрим қатламига МТС дастури давлат томонидан бошқариладиган хусусий соғлиқни сақлаш модели, Осиё ва Африканинг бир қатор паст ривожланган мамлакатлари учун давлат томонидан бошқарилмайдиган хусусий соғлиқни сақлаш модели хос.

Бу мамлакатлар учун шаҳарларда маҳсус — даволаш ёрдами ривожланган худудий ва босқичли соғлиқни сақлаш тизими хос. Кўпчилик Шарқий, Ўрта денгиз бўйи ва Африка мамлакатларида марказлашган ёки қисман марказлашмаган соғлиқни сақлаш тизими мавжуд бўлиб, улар вазирлик томонидан бошқарилади. Унинг вазифасига давлат тиббиёт муассасалари устидан назорат, уларни лойиҳалаштириш, кадрлар билан таъминлаш, халқаро ҳамкорлик, карантинли ва бошқа касалликлар билан курашиш вазифалари киради.

Лотин Америкаси мамлакатларида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг марказлашмаган тизими амал қиласди.

Тиббий ёрдамни ташкил этиш структураси кўплаб умумий қонунларга эга. Улар турли йилларда ЖССТ таклиф қилган соғлиқни сақлаш тизимининг ягона схемасига асосланган, биринчи навбатда, аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил қилувчи қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий ёрдам, санитар ёрдам кўрсатадиган муассаса тармоқларини ташкиллаштиришни ўз ичига олади. Аммо, ягона мақсад ва вазифанинг борлигига қарамасдан, бу мамлакатларда тиббий ёрдам кўрсатиши босқичи ва даражалари бирламчи тиббий-санитар ёрдам муассасаларини қуришда бир хил бўлмайди. Шу билан бирга, бирламчи бўғиндаги тиббиёт муассасаси номи (диспансерлар, соғлиқни сақлаш марказлари, соғлиқни сақлашнинг коммунал марказлари ва бошқалар) уларнинг бажарадиган иш ҳажми, хизмат кўрсатадиган аҳоли сони, хизмат кўрсатиши радиуси бир-биридан анча фарқ қиласди. Ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг қуйидаги асосий босқичлари фарқланади:

I босқич — бирламчи звено (бўғин). Тиббий ёрдам диспансерлар, кичик марказлар, тиббиёт пунктларида кўрсатилади. Бу муассасаларнинг вазифаси бирламчи врачгача ёрдам, туғуруғда ёрдам, эпидемияга қарши элементар чоратадбирлар ўтказишдан иборат. Бирламчи звенода битта ишчи ишлайди (ҳамшира ёки кичик тиббиёт ходими). Тиббий ёрдам хизмат радиуси 5—10 км ва хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 1000 кишига яқин бўлган 1 та ёки бир неча қишлоқларда кўрсатилади. Диспансерлар мослаштирилган биноларда жойлаштирилади.

II босқич — соғлиқни сақлаш тизими. ЖССТ таърифи бўйича, бу соғлиқни сақлаш тизимининг маҳаллий муассасаси бўлиб, унинг вазифасига аҳоли яшаш

пунктларида санитар-гигиеник шароитларни яхшилаш ва тиббий ёрдам күрсатиш, жумладан, касалликка ташхис қўйиш ва даволаш, юқумли касалликлар билан курашиш, туғуруғқа ёрдам, профилактик ва санитар тарғибот ишлари, атроф-муҳит гигиенаси, тиббий статистика киради. Соғлиқни сақлаш марказини ўрта маълумотга ва 3—8 ойлик махсус тайёргарликдан ўтган врач ёрдамчиси бошқаради. Бундан ташқари, марказ штатларига ҳамшира, акушерка, тиббий ва санитар инспекторлар, санитарлар киради. Марказларда беморлар госпитализацияси ва туғуруғ даврида ёрдам учун 5—10 ўрин жойлаштирилади.

Соғлиқни сақлаш маркази 60—70 минг ва ундан кўп аҳолига мўлжалланган. Аммо турли мамлакатларда аҳоли сони ва хизмат кўрсатиш радиуси ҳар хил. Масалан, Кенияда 15—80 минг кишига, Танзанияда 50—100 минг, Нигерияда 150—200 минг кишига хизмат кўрсатилади. Кўпчилик қишлоқ аҳолиси учун соғлиқни сақлаш марказлари тиббий ёрдам олиш мумкин бўлган ягона муассаса ҳисобланади. Бироқ марказнинг кичик штати 50 ва ундан кўп километр радиусдаги бириктирилган ҳамма аҳолига тиббий ёрдам хизматини кўрсата олмайди. Марказ фаолиятидаги иккинчи муҳим камчиликлар — бу врач назоратининг ва керакли маслаҳатнинг йўқлиги. Бундан ташқари, тиббиёт ходимларига жуда катта иш юқлатилган. Масалан, битта касалга 2 дақиқа вақт кетади, стационарда туғадиган аёллар 1 кундан ортиқ ётмайди, кўпчилик марказларда стационар ёрдами кўрсатилмайди. Ўамма ходимлар ҳафтанинг 2—3 кунида марказда ишлайди, бошқа кунлари қишлоқларда диспансер базасида амбулатор қабул ўтказади.

III босқич — қишлоқ касалхоналари ёки госпиталлари. Бу босқичда бирламчи врачлик ёрдами кўрсатилади. Бириктирилган аҳоли сони мамлакатларда 500 мингдан 1,5 млн. гача. Ҳар хил ҳудудда, қишлоқ касалхоналари 10 тадан 100 тагача ўринга эга. Бу муассасалар штатидаги 2 та врачнинг биттаси терапевт, иккинчиси жарроҳ ва акушер-гинеколог вазифасини бажаради. Тиббиёт ходимлари вазифасига ҳам амбулатор, ҳам стационар шароитда беморларни даволаш ва ташхис қўйиш киради. Врачларга катта ҳажмдаги иш юқлатилган, ташхис қўйиш ва даволаш жиҳозлари, дори-дармонлар йўқ, ўринлар етишмайди, шифохона кўрпа-тўшаклари ва ҳисбот хужжатлари йўқ, бемор бир кунда бир марта овқатланади, бемор палаталарга жинсидан қатыи назар ётқизилади, уларнинг врач руҳсатисиз шифохонадан чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилади.

IV босқич — туман босқичи, губерния ва бошқа маъмурий туманлар касалхоналарини бирлаштиради. Бу босқичда ихтисослашган врач ёрдами кўрсатилади. Бу шифохоналарнинг стационарлар қуввати ҳар хил ва улар ўртacha 150—200 ўринни ташкил қиласди. Шифохоналарнинг баъзиларида ўнталаб врачлар, бошқалари эса битта мутахассис билан чекланган. Бу муассасаларнинг вазифасига ташхислаш, даволаш ишидан ташқари қишлоқ касалхоналарига маслаҳат бериш, эпидемияга қарши курашиш, санитар-гигиеник чора-тадбирлар ўтказиш устидан назорат киради.

V босқич — пойтахтларда жойлашган ихтисослашган ва малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган катта тиббиёт муассасаси. Юқорида санаб ўтилган тиббиёт муассасалари ичida ҳам молиявий томондан, ҳам кадрлар билан энг яхши таъминланган муассаса ҳисобланади. Мамлакат соғлиқни сақлаш бюджетининг

ярмидан кўпи пойтахтда тиббий ёрдамни ривожлантиришга ажратилади. Бу ерда тиббиёт ходимларининг ярмидан кўпи ишлайди.

Назорат саволлари

1. Мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишда жаҳон тажрибаси тўғрисида сўзлаб беринг
2. Америка Қўшма Штатлари соғлиқни сақлаш тизими, тиббий суғурта тизими ҳақида гапириб беринг
3. Германия соғлиқни сақлаш тизимига умуммажбурий тиббий суғурта (МТС) дастури нималарга асосланган?
4. Франция соғлиқни сақлаш умумий тиббий суғурта дастурининг асосий мақсад вазифалари нималардан иборат?
5. Буюк Британияда умумий давлат тиббий суғуртасига асосланган давлат соғлиқни сақлашти тизими қандай тамойилларга асосланган?
6. Ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизими турлари тўғрисида гапириб беринг

Фойдаланилган адабиётлар

5. Б.М.Маматкулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Дарслик. Тошкент –Илм Зиё. 2013. 574 б.
6. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти., Дарслик. Ворис нашриёти, Тошкент- 2015, 240 б.
7. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова. Тиббий ёрдам сифатини ошириш асослари. Ўқув қўлланма. Ворис нашриёти, Тошкент- 2019, 200 б.
8. Д.А.Асадов. Медицинское страхование (основные системы). Ташкент-2004.
9. Ю.П.Лисицын. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник. – 2-е изд. –М.: Гэотар-Медиа, 2010. – 512 с.;
6. Питер Ф., Друкер., Практика менежмента. М. 2002.
- 7.Д.Н.Рахимова ва б. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 792б.
11. В.А.Миняева, Н.И.Вишнякова. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник для студентов. 5-е изд., перераб.и доп. – М.: МЕДпресс-информ, 2009. – 656 с.;
12. Международная классификация болезней. Десятый пересмотр (МКБ-10): Русско-Узбекское издание. Ташкент, 2004. – 742с.;
13. Гришина В.В. Обязательное медицинское страхование в Российской Федерации. Сборник законодательных актов и нормативных документов. Москва-1994.
14. Лебедов А.А. Рыночная экономика: маркетинговые основы управления, организации и финансирование национальной системы охраны здоровья. Самарский дом печати-1996.
15. Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент: пер.с англ.под ред.Л.А.Волковой, Ю.Н.Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. – 752с.;
16. М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента: пер.с англ. - М.: Дело, 2002. – 704 с.;

V.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиши янада ривожлантириш чора-тадбирлари.

Давлат томонидан соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизими. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналишлари Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини аниқлаш, клиник-харажат гурухлари бўйича “даволанган ҳолат” учун ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмини жорий қилиш.

Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкил этиш

Аҳолига кенг кўламда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини, унинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш республикада замонавий соғлиқни сақлаш тизимини яратишнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу мақсадларда ташкил этилган қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласий поликлиникалар тармоғи, тез ёрдам станциялари ва шошилинч тиббий ёрдам муассасалари соҳадаги мазкур вазифаларни маълум даражада ҳал этиш имконини берди.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг мустаҳкамланиши bemорларни стационар шароитида даволаш даражасининг 2017 йилда 1991 йилга нисбатан 1,6 баробар пасайишига, поликлиника муассасаларига аҳоли мурожаатлари сони эса 2,2 мартаға ошиши ва киши бошига қатновлар сонини 6,5 дан 9,7 гача оширишга имкон яратди.

Шу билан биргаликда, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тизимида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топмай келмоқда. Аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли саломатлиги ҳолатининг патронаж тизимини сифат жиҳатдан тубдан яхшилашни талаб этмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари таҳлили аҳолининг тиббий ёрдам сифатидан, айниқса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, унинг ўз вақтида кўрсатилишидан қониқмаётганлигини кўрсатмоқда.

Тиббиёт муассасаларини жойлаштириш ишлари оқилона олиб борилмаганлиги сабабли айрим аҳоли пунктлари бирламчи тиббий ёрдамдан тезкорлик билан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлса, айримларида хизматлар бири-бирини тақрорлаб келмоқда. Амбулатория-поликлиника ва стационар тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларнинг ўзаро интеграцияси қониқарсизлигича қолмоқда Олий тиббий таълим муассасаларида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш тизими сифат жиҳатдан такомиллаштирилишига эҳтиёж сезмоқда.

Республика аҳолисининг малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан кенг фойдаланиш имкониятини янада ошириш, унинг ўз вақтида кўрсатилишини

ҳамда қамраб олиниши кенгайтирилишини таъминлаш, умуман мамлакатда, унинг ҳар бир ҳудуди ва аҳоли яшаш пунктларида касалланиш даражасини пасайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 марта даги “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги №ПП-2857 сон қарори билан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тизимини касалликларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида профилактика ва патронаж ишларига қайта йўналтириш. Фаолият самарадорлигининг асосий мезони сифатида хизмат кўрсатиш ҳудудида қатнов ва даволангандеморлар сонининг камайиши кўрсаткичлари ўрнига аҳолининг шифохонада даволаниши, касалланиш ва ногиронлик даражасини пасайтириш ишларига ўзгартириш;

қишлоқ врачлик пунктлари (бундан буён — ҚВП), оиласи ҳамда кўп тармоқли поликлиникаларда хизмат кўрсатиш вақтини соат 8:00 дан 20:00 гача узайтириш ҳисобига аҳоли учун бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, уларда туну-кун давомида мобил ишлайдиган, яхши жиҳозланган тез ёрдам подстанцияларини ташкил этиш ва фойдаланиш;

фертил ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ўзгалар ёрдами ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликка чалинган ва бошқа шахслар ўртасида патронаж ишларини мунтазам олиб бориши ташкил этиш;

қишлоқ аҳолиси, шу жумладан, бевосита уларнинг турар жойларида профилактик кўрувлар, лаборатория клиник-биокимёвий ва инструментал (УТТ, ЭКГ ва бошқа) текширувларни олиб бориши, касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг сурункали ҳолга ўтишига йўл қўймаслик тизимини яратиш;

ҚВП ва поликлиникалар моддий-техник базасини зарур диагностика ва даволаш жиҳозлари, шу жумладан тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун мобил бригадаларни жойлаштириш ҳисобига мустаҳкамлаш;

ҚВП ва поликлиника шифокорларининг малакали фаолиятини таъминлаш учун, шу жумладан уларни клиник протокол, тиббий адабиёт, меъёрий хужжатлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, бирламчи тиббий хужжатларни мақбуллаштириш ва электрон шаклини босқичма-босқич жорий этиш ҳисобига етарли шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқврачликпунктлариваполиклиникаларшифокорлариниуй-жойва транспорт воситалари билан таъминлаш.

ҚВПлар тармоғини мақбуллаштириш мақсадида уларнинг сонини 2 985 тадан 1 612 тагача қисқартириш ва 793 та ҚВПлар негизида кундузги стационари мавжуд бўлган қишлоқ оиласи поликлиникаларини ташкил этиш;

Қисқартирилаётган қишлоқ врачлик пунктлари негизида янги 441 та подстанцияларни ташкил этишорқалиқишлоқжойлардаги тез тиббий ёрдам тармоғиниң кенгайтириш;

фаолиятитугатилаётган 658 та ҚВП биноларини ҚВП ва поликлиника шифокорлариучунхизматуй-жойисифатидафойдаланишгатопшириш;

қишлоқ врачлик пунктларининг юридик шахс мақомини тугатиш ва уларга молиявий-бухгалтерлик хизмати кўрсатишни тегишли туман тиббиёт бирлашмалари зиммаси гаюклаш.

Туман тиббиёт бирлашмалари тегишли қишлоқ врачлик пунктларининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланадилар.

2017 — 2021 йилларда Узбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

Бирламчи тиббий ёрдам сифатини ошириш, касалликлар профилактикаси, эртааниклаш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усусларини ишлаб чиқиши ва кенг жорий этиш;

соғлиқнисақлашибирламчибўғинихисоблангантибиётмуассасаларинингмоддий-техник базасинимустаҳкамлаш;

тиббиёткадрларитайёрлашвамалакасиниошириш.

Бирламчи тиббий санитария ёрдами (БТСЁ), тиббий санитария хизматининг муҳим шакли бўлиб, аҳоли ва мамлакатнинг имкониятларидан келиб чиқиб, аҳолининг, жумладан ҳар бир инсоннинг фаол иштирокида унинг эҳтиёжига кўра кўрсатиладиган керакли ва муҳим ёрдам ҳисобланади.

Аҳолини бирламчи тиббий санитария ёрдами билан таъминлаш давлат сиёсати ва тактикаси бўлиб, мамлакат ривожланишининг ҳар бир босқичида, ижтимоий адолат руҳида аҳолига иложи борича яшаш ва иш жойига яқин жойда, жамоатчиликнинг барча кучлари ёрдамида кўрсатиладиган соғлиқни сақлаш чора - тадбирлардир.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари, ижтимоий таъминот ҳамда, жамоа бирлашмалари томонидан кўрсатиладиган БТСЁ тиббий хизматнинг асосий ва бепул тури ҳисобланади ва ўз ичига қуидагиларни олади:

- энг кўп тарқалган касалликлар, жароҳатланишлар ва бошқа нохуш ҳолатни даволаш;

-санитария - гигиена, эпидемияга қарши тиббий профилактик тадбирларни ўтказиш;

- оилани, оналик ва болаликни муҳофазалаш, яшаш жойи бўйича тиббий -санитария ёрдамини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни ўтказиш.

БТСЁ муассасаларида умумий (оила)амалиёт врачи фаолият юритади. Ёши, жинсидан қатъи назар, оиланинг ҳар-бир аъзосига бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш, профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш БТСЁ муассасалари хизматининг асосий қисмини ташкил этади. Иккинчи Европа - конференцияси қарори билан тузилган эксперт гурухининг таърифига кўра Умумий амалиёт шифокори - олий тиббиёт ўқув юртининг битирувчиси бўлиб, "у алоҳида киши, оила ва аҳолига ёши, жинси ва касаллигининг туридан қатъий назар индувидуал бирламчи ва узлуксиз тиббий ёрдам кўрсатувчи шахсдир".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги 3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Вилоят ва туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини, тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика худудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган даволаш ва диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги «Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-700 сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 марта «Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 48-сонли қарорлари қабул қилинди ва бунга асосан:

— вилоят шифохоналари негизида даволашнинг асосий йўналишлари (режали хирургия, терапия, кардиология, урология ва бошқалар) бўйича тиббий хизмат кўрсатувчи вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

— вилоят болалар тиббий муассасалари негизида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

— Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда ҳар бир вилоят марказларида пуллик асосда фаолият юритувчи тиббий диагностика марказлари;

— марказий туман (шаҳар) шифохоналари ва марказий туман поликлиникалари негизида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ташкил қилинди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш - аёлларни оналик вазифасини бажарган, бола тарбияси билан шуғулланган ҳолда ишлаб чиқаришда ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган жамият ва давлат томонидан ўтказиладиган тадбирлар тизимиdir.

Ўзбекистонда Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий - гигиеник масала ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йилни «Соғлом авлод», 2001 йилни «Оналар ва болалар», 2005 йилни “Саломатлик йили”, 2008 қўшимча чора - тадбирлари ҳақида”ги Ўзбекистон йилни эса “Ёшлар” йили деб эълон қилиниши, “Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалашнинг Республикаси Президентининг қарори (13 апрел 2009 йил №ПҚ-1096), “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом

бала туғилиши, жисмоний ва маънавий барқамол авлодни вояга етказиши борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари түғрисида” (1 июл 2009 йил ПҚ-1144) Ўзбекистон Республикаси бунинг исботидир.

Мамлакат олдида юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, дунёқараши кенг бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш каби муқаддас вазифа турибди.

Ушбу мақсадга эришиш учун эса қуидагиларни амалга ошириш зарур:

- соғлом оилани шакллантириш ва оиласида юксак маънавий - аҳлоқий мухитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш;
- давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига ёътибор ва ғамхурликни кучайтириш;
- болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиш ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт - шароитларни яхшилаш;
- меҳрибонлик уйларида, мактаб - интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш;
- ижтимоий тафаккурга эга, етук, ҳар томонлама камол топган соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65 - моддасида «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб белгилаб қўйилган.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида даволаш - профилактика ёрдами босқичма - босқич амалга оширилади.

Биринчи босқич - аёлларга ҳомиладорликкача бўлган даврда тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни оналика тайёрлаш. Бунда ёшларни жинсий масалалар бўйича тарбиялаш, ёш оилаларни никоҳ гигиенаси ва abortlar профилактикаси бўйича тиббий билимларини оширишда аёллар консультацияси, скрининг маркази, перинатал марказ, оила ва никоҳ консультациясининг роли катта.

Иккинчи босқич - яъни ҳомилани антенатал даврдаги соғлигинимуҳофаза қилиш эса аёллар консультацияси, акушерлик стационарларининг, бемор ҳомиладорлар учун ташкил этилган ихтисослашган терапия бўлимлари, скрининг марказлари санаторияларда амалга оширилади.

Учинчи босқич - ҳомиланинг туғруқ давридаги муҳофазаси. Бу даврда туғруқни оқилона қабул қилиш асосий аҳамият касб этади. Бу даврда маҳсус тиббий ёрдам туғруқхона комплекслари ҳамда кенг тармоқли шифохоналар томонидан кўрсатилади.

Тўртинчи босқич - чақалоқлар саломатлигини сақлаш: бу чақалоқни тўғри парваришилаш, кўкрак сути билан боқиш, физиологик жиҳатдан ривожланиши устидан назорат ўрнатишдир. Чақалоқларга туғруқхона комплексларида, ҚВП, болалар шифохоналарида даволаш - профилактика ёрдами кўрсатилади.

Бешинчи босқич - мактабгача бўлган даврда болалар саломатлигини сақлаш. Бу даврда тиббиёт муассасаларининг асосий вазифаларидан бири -

болаларнинг тўғри тарбияланиши, овқатланиши, жисмоний риволаниши, иммунобиологик ҳолати устидан назорат ўрнатиш.

Олтинчи босқич - мактаб ёшидаги болаларнинг тўғри тарбияланиши, овқатланиши, жисмоний ривожланиши устидан назорат ўрнатиб, ўсиб келаётган бола организмнинг функционал ҳолатига баҳо бериб борилади, маълум ўзгаришлар аниқланганда уларни тузатиш бўйича тегишли тавсиялар берилади.

Юқорида келтирилган тадбирларни босқичма - босқич узвий тарзда олиб бориш мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалашнинг бир бутун тизимини ташкил этади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш икки муҳим бўлимдан: акушер - гинекологик ва болаларга даволаш - профилактика ёрдамини ташкил этишдан иборат.

Аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам ва ихтисослашган ёрдам кўрсатиш бўйича ислоҳотлар

Аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Республика аҳолисига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи бош даволаш ва илмий - услубий муассаса бўлиб ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли ихтиослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иктисодий ва ҳуқуқий шарт шароитларини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 февралдаги ПФ №3214-сонли “Соғлиқни с ақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 27 февралдаги 14-сонли ҳамда 2004 йил 8 июндаги 264-сонли Қарорлари қабул қилинди. Ушбу фармон ва қарорларга мувофиқ Республика марказида 4 та ихтиослаштирилган: урология, кардиология, хирургия ва кўз микрохирургияси марказлари ташкил этилди.

Ташкил этилган ихтиослаштирилган марказларнинг ижобий фаолиятларини эътиборга олган ҳолда аҳолига кўрсатилаётган ихтиослаштирилган тиббий хизмат сифатини ошириш, ҳажмини кенгайтириш замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтиослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган Республика ихтиослаштирилган илмий - амалий

тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги 3923-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармонига асосан янги 6 та: акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология илмий-амалий тиббий марказлари ташкил этилди:

Марказлар ўз фаолият йўналишлари бўйича ахолига юқори ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатиш билан бирга вилоят ва туман даражасида соғлиқни сақлаш муассасаларига ташкилий-услубий ёрдам қўрсатади. Бу билан қўрсатилган муассасаларда тиббиёт ходимининг касб малакасини ошириш, шу билан бирга илмий-амалий марказларда ишлаб чиқилган фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш имконини беради.

Ушбу марказларда имтиёзли йулланмаларга асосан қўйидаги шахсларга бепул ёрдам қўрсатилади:

- чин етимлар
- I ва II гурух ногиронлари
- 1941-1945 йиллар уруши қатнашчилари ва ногиронлари (шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар)
 - ишламайдиган нафақдорлар
 - ижтимоий таъминот бўлимларида хисобда турувчи ёлғиз қариялар
 - Чернобил АЭС авариясини бартараф қилиш қатнашчиларидан ногиронлари
 - байналминал жангчилар

ўз-ўзини бошқариш органларида моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оила аъзолари.

Фуқароларнинг соғлиғини мухофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқароларнинг соғлиғини мухофаза қилишнинг асосий тамойиллари, айнан: соғлиқни мухофаза қилиш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш; аҳоли барча қатламларининг тиббий ёрдамдан фойдаланиши; профилактика чораларининг устуворлиги; соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги; тиббиёт фани ва амалиётининг бирлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ахолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида республиканинг ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш, унинг географиясини туман (шаҳар) даражасигача кенгайтириш, ҳудудий ихтисослашган тиббиёт ташкилотларига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш учун республика ихтисослаштирилган марказларининг масъулиятини ошириш, уларнинг амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усувлари ва технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Қарор билан барча даражаларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат қўрсатиш тизимини янада ислоҳ қилиш, республика миқёсида ихтисослашган

йўналишлар бўйича энг замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш, вилоят даражасида ихтисослашган йўналишлар бўйича замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш, туман (шаҳар) даражасида ихтисослаштирилган тиббий хизматларни янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган бўлимлар негизида кўрсатиш назарда тутилган. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларига эса маҳсус тасдиқланган жадвал бўйича туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги ташкилотларнинг тор ихтисослашган мутахассислари томонидан маслаҳатлар берилиши, шунингдек, даволаш ва маслаҳат-диагностика йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг айrim турларини кўрсатиши назарда тутилган.

Қарорда, шунингдек, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида республика бўйича ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденцияларини ўз вақтида аниқлашни таъминлайдиган замонавий таҳлилий ва илмий-тадқиқот ишларини кенг қўллаш назарда тутилган.

Етакчи республика ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ташкилотлари республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига айлантирилиб, уларнинг асосий вазифалари белгиланди.

Ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволашва профилактика сиёсатини амалга ошириш, замонавий тиббиёт ускуналари ва технологияларига, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, клиник протоколларни, шу жумладан, тегишли тиббиёт ҳужжатларини ишлаб чиқиши, ахборот ва таҳлилий материалларини нашр этиш, сайёр маслаҳат беришларни, маҳорат дарсларини, шунингдек, биринчи навбатда энг мураккаб ҳолатларда ҳудудий ихтисослашган тиббиёт ташкилотларида операцияларни мунтазам равища үтказиши орқали минтақалarda зарур профилактика ишлари олиб борилишига кўмаклашиш марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланган. Бундан ташқари, марказлар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тиббиёт ходимларининг, ихтисослашган ҳудудий тиббиёт ташкилотлари ходимларининг малакасини тизимли равища оширади, шунингдек, клиник ординатурада, таянч докторантурода ва докторантурода тор мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлайди, етакчи халқаро тиббиёт марказлари, клиникалар ва юқори малакали хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қиласи, шу жумладан, маслаҳатлашувлар ва маҳорат дарслари үтказиши учун уларни республикага таклиф этади, соғлиқни сақлаш тизими маҳаллий мутахассисларининг чет элда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва клиникаларида тажриба орттиришини таъминлайди.

Қарор билан аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш схемаси ва аҳолининг сифатли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришга, Республика марказларини молиялаштириш тизимини такомиллаштиришга, ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббиёт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, тиббиёт кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини оширишга,

профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштиришга йўналтирилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ахолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланади.

Республикада соғлиқни саклаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шакллантириб борилмоқда. Нодавлат секторни ривожлантириш йўналишида замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, ўз штатида турган юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган, ҳамда аҳолига даволаниш жараёни стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш, республикамиз соғлиқни саклаш тизимидағи ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари қаторида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ти №ПҚ-700 сонли қарорида республикада хусусий тиббий секторини ривожлантиришда бир қатор мажбурий талаблар ва шартлар белгиланган:

-Ташкил этилаётган тиббиёт муассасалари даволаш фаолиятини фақатгина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланувчи рўйхатга биноан муайян турдаги ихтисос йўналиши бўйича амалга оширади.

-Хусусий тиббий секторида фаолият кўрсатиш учун янги ташкил этилаётган тиббий муассасалар замонавий моддий - техника базасига эга бўлишлари шарт, яъни уларда замонавий диагностика ва даволаш асбоб - ускуналари мавжуд бўлиши талаб қилинади.

-Хусусий тиббий муассасаларда фақатгина ушбу муассаса штатида турган, тегишли ихтисослик йўналиши бўйича малака тоифасига эга бўлган юқори малакали врач мутахассисларгина фаолият кўрсатиши мумкин. Ушбу хусусий тиббий муассасалар ўз диагностика ва даволаш фаолиятини мустақил, яъни бошқа тиббий муассасалар ёрдамига таянмай, ўз имкониятлари асосидагина олиб боришилари мумкин.

-Хусусий тиббий муассасалар ўз фаолиятини фақатгина даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган маҳсус бино ва хоналарда ташкил этишлари мумкин.

Соғлиқни саклашнинг нодавлат сектори фаолиятини тартиба солиши мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартағи 92-сонли “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ти қарори билан тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Соғлиқни саклаш тизимидағи нодавлат секторининг бундан кейинги ривожланиши ва тараққиётини мувофиқлаштириш, хусусий сектордаги фаолият учун лицензия бериш ва ушбу муассасалар фаолияти устидан назорат олиб бориши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги таркибида “Лицензия бериш ва нодавлат муассасалар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси” ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни саклаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни саклаш

бошқармалари таркибига нодавлат тиббий муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини назорат қилиш бўйича 2 нафардан бош мутахассислар лавозими киритилди.

Ушбу янги бошқарма заммасидаги асосий вазифалар тиббиётда хусусий сектор фаолиятини мувофиқлаштириш, нодавлат муассасаларига тиббий фаолият учун лицензиялар бериш ва уларда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини назорат қилишдан иборат.

Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган 50 та мутахассисликлар рўйхати тасдиқланди ва аввал мавжуд бўлган 70 та мутахассислик туридан 20 тури, шу жумладан, акушерлик, қон-томир хирургияси, жағ-юз хирургияси, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ турлари рўйхатдан чиқарилди. “Тиббий фаолиятнинг тегишли тури, ҳажми ва типини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника базага, тиббиёт асбоб-ускуналарига ва бошқа техника воситаларига, шу жумладан тиббиёт анжомларига бўлган минимал талаблар” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2863-сон қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Охирги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида тиббиёт соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳага мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатилаётган кенг турдаги тиббиёт хизматларини сифат жиҳатидан юксалтириш ва янада тўлдиришга хизмат қиласидиган муҳим таркибий қисм сифатида қаралмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизими фаолият юритмоқда. Уларга барча турдаги солиқлар ва қатор мажбурий тўловлар, шунингдек, четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод этиш бўйича имтиёзлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети умумий ҳолатда жорий йилга давлатнинг даромадлари ва харажатлари баланс шаклида тузилган ҳамда қонун

кучига эга бўлган режасидир.

Хар қандай мамлакатда давлат бюджети — молиявий тизимнинг асосий қисми, солиқлар, давлат харажатлари ва давлат кредитлари каби асосий молиявий категорияларнинг ҳаракатидаги ягоналигидир.

Давлат бюджети деганда, давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфининг йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Давлат мақсадли фондлари деганда, давлат бюджети таркибида жамлантирилладиган фондлар, уларнинг ҳар бири учун маблағ манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушуми меъёрлари ва шартлари, шунингдек, шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланиши назарда тутилади.

Давлат бюджети тузилмаси. Бюджет тизими тузилишининг ташкилий принциплари, унинг таркиби, унга кирувчи бюджетларнинг ўзаро алоқаси давлатнинг бюджет тузилмасини ифодалайди.

Давлат бюджети:

1) Республика бюджети деганда, давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Молия йили деганда эса биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига оловчи давр тушунилади;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети деганда, давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Маҳаллий бюджет деганда, давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари ҳам жамланади. Давлат мақсадли фондларига Республика йўл фонди, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус ҳисобварафи, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари нафақа фонди киради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоят таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига

олади. Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманинг бюджети туман бюджетини ва туман таркибига кирувчи шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Бюджет тизимиға раҳбарлик қилиш. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимиға раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг бюджет таснифи. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бир хил аломатлари бўйича гурухлаштирилади ва унинг бўлинмалари деб юритилади. Бўлимлар, параграфлар, боблар ва моддалар бюджет таснифи бўлинмалари деб ҳисобланади.

Бюджет таснифи қонун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. амма даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи кўрсаткичлари доирасида шакллантирилади ва ижро этилади, яъни тасниф обьектларига берилган гурухлаштириш кодлари бўйича даромадлар ва харажатлар гурухлаштирилади.

Бюджет таснифи бюджет даромадларининг таснифини, бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифини, бюджет харажатларининг ташкилий таснифини, бюджет харажатларининг иқтисодий таснифини, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи деганда, уларни турлари ва манбалари бўйича қонун хужжатларига мувофиқ гурухлаштириш тушунилади. Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи деганда, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гурухлаштириш тушунилади. Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи деганда, бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гурухлаштириш тушунилади. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи — тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гурухлаштиришdir. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи — давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гурухлаштиришdir. Бюджет тақчиллиги деганда, муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси тушунилади.

Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан молиялаштириш (маблағ ажратиш) доирасида қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари.
2. Жорий бюджет трансферлари.
3. Капитал харажатлар:
 - а) асосий фонdlар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
 - б) чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк сотиб олишга;
 - в) давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳукуқни ва бошқа номоддий

активларни сотиб олишга;

г) давлат захираларини вужудга келтиришга.

4. Капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансферлари.

5. Резидент-юридик шахсларга ва чет давлатларга бериладиган бюджет ссудалари.

6. Давлат мақсадли фондларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари (бюджет дотацияси деганда эса, ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари тушунилади. Бюджет ссудаси деганда, юқори бюджетдан қуи бюджетга ёки республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет давлатга қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ тушунилади).

7. Давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклларида.

Миллий даражада асосий молиялаштириш тизимларининг тавсифи.

Тиббий хизмат қиммат туради ва ҳар бир одам ўзининг ҳаёти давомида керак бўладиган барча тиббий ёрдамга тўлаши учун қанча пул кераклигини олдиндан билмайди. Лекин одамлар гуруҳи ёки бутун жамият бирлашишлари ва муайян маблағ суммасини йиғишлиари мумкин. Ва, агар бирор инсон бетоб бўлса, шу маблағлар ҳисобидан тиббий хизматни олиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қопланади. Одамлар алоҳида йирик корхона ёки иқтисодиёт тармоғи даражасида (масалан, кўмир қазиш саноати), ёки касблари бўйича (масалан, ўқитувчилар) гуруҳларга бирлашишлари мумкин. Агар бутун мамлакат аҳолиси бирлашса, у ҳолда соғлиқни сақлашнинг миллий тизими пайдо бўлади.

Тиббий хизматга тўлов бир неча манбалардан амалга оширилиши мумкин:

1. *Юридик ва жисмоний шахслардан умумий солиқлар ҳисобига.* Улар ҳисобидан давлат бюджетининг даромадлари шаклланади. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий дастурлар қўлами мамлакат ялпи ички маҳсулотининг кўрсаткичига, бу маҳсулотнинг қанча қисми давлатнинг жамоат функциялари учун қаратилишига боғлиқ; давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатига, мамлакат молия тизимининг ўзига хос жиҳатлари ва ривожланиш даражасига боғлиқ. Умумий солиқлар давлат бюджетига пул тушишининг ишончли ва энг йирик манбаси ҳисобланади. Булардан ташқари, давлат ўз даромадларини тўлдириш учун ички ва ташқи қарзлар олиши мумкин.

2. *Ижтимоий сугуртага бадаллар* тиббий хизматларга кўзда тутилган харажатлар учун тўловларни билдиради. Бу мақсадли солиқлар иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондидан ижтимоий ажратмалар шаклида ва/ ёки ишчилар томонидан индивидуал иш ҳақидан ижтимоий бадал шаклида тўланади. Улар давлат бюджетидан алоҳида ҳолда ижтимоий тиббий сугурта фондларида тўпланади ва шунинг учун улар бюджетдан ташқари фондлар дейилади.

3. *Хусусий тиббий сугуртага бадаллар* ижтимоий тиббий сугурта каби мақсадли бадаллар ёки назарда тутилган тиббий харажатлар учун сугуртасига тўловлар ҳисобланади. Лекин ижтимоий сугурталашдан фарқли равишда, хусусий

сүгурта ихтиёрий ҳисобланади. Ҳар бир одам, у тиббий ёрдамни қачондир оладими-йўқми, бундан қатъи назар, бадални тўлайди.

4. *Истеъмолчиларнинг тиббий хизматни сотиб олишига бевосита тўловлари ёки бевосита харажатлари.* Бу бевосита тўловлар тиббий хизматни олиш вақтидаги bemor ҳисобидан амалга оширилувчи тўлов ҳисобланади. Масалан, bemor врач ёзib берган дориларни олишда унинг тўлиқ қийматини тўлаши (бевосита харид), тўлиқ қийматнинг фақат 10% ни (ҳамкорликдаги сүгурта) ёки дорига юз сўм тўлаши (ҳамкорликдаги тўлов) керак.

Дунёда юқорида санаб ўтилган соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг фақат бир туридан фойдаланадиган мамлакат деярли йўқ. Барча жойларда аралаш тизимлар амал қиласди, қаердадир даромад тўплаш манбасининг униси ёки буниси устунлик қиласди.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар рўйхати (ёки асосий хизматлар пакети) ҳар бир мамлакатда ундаги мавжуд иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб белгиланади ва давлат бюджетидан ёки ижтимоий сүгурта ҳисобидан молиялаштирилади. Бу иккала манба жамоат фондлари дейилади.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш — бепул тиббий хизмат кўрсатиш тизими

Давлат қуйидаги ҳолларда аҳолини кафолатланган, бепул бирламчи тиббий-санитария хизмати билан таъминлайди:

- шошилинч, тез тиббий ёрдам кўрсатиш;
- соғлиқни сақлаш бирламчи звеносида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш;
- бир қатор юқумли касалликларга қарши аҳолини эмлаш ва иммунлаш;
- ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар ва атрофдагиларга хавф туғдирувчи касалликлар (сил, саратон, руҳий, наркологик ва эндокрин касалликлар билан ҳамда касб касалликлари билан хасталangan шахслар) билан оғриган bemorларга ихтисослашган ёрдам кўрсатиш;
- болаларни текшириш ва даволаш (пулли шифохоналардан ташқари);
- 15—17 ёшли ўсмирларни, чақириқ комиссиясининг йўлланмаси билан келган чақириқ ёшидаги (18—27 ёш) шахсларни текшириш ва даволаш;
- туғуруғ хизматини кўрсатиш (пуллик муассасалардан ташқари);
- имтиёзга эга бўлган шахсларни (ногиронлар, уруш қатнашчилари, етимлар).

Аралаш молиялаштириш қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- бепул тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланмаган (тибиёт ва илмий-текшириш институтлари клиникаларида, қўп тармоқли даволаш-профилактика муассасаларида, шаҳар, туман шифохоналарида) bemorларни текшириш ва даволаш учун (имтиёзли шахслардан ташқари);
- имтиёзга эга бўлган шахсларни (ногиронлар уруш қатнашчилари,

етимлар) даволаш учун;

— айрим кўп тармоқли болалар шифохоналари учун;

— соғлиқни сақлашнинг санитария ва фармакология соҳасида амалий илмий тадқиқот ўтказиш учун;

— давлат грантида белгиланган миқдордан ташқари тиббиёт ходимларини тайёрлаш учун.

Давлат грантида белгиланмаган тиббий хизматлар учун жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатилади. Пуллик тиббий хизматларнинг молиявий маблағларини жисмоний ва юридик шахсларнинг тўғридан-тўғри тўловлари ёки тиббий суғурта тизими (эркин тиббий суғурта) орқали тўлаш билан ҳосил қилиш мумкин.

Хусусий молиялаштириш. Нодавлат тиббиёт муассасалари, шу жумладан, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачлар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар хусусий молиялаштирилади. Унинг асосий қисмини бевосита олинган тиббий хизмат учун жисмоний шахсларнинг тўловлари ташкил этади. Хусусий молиялаштиришни эркин тиббий суғурта тизими орқали ҳам шакллантириш мумкин.

Давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштириш принциплари. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастурига мувофиқ бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини аҳоли жон бошига молиялаштириш принципига ўтказиш кўзда тутилган. Бундай молиялаш принципининг асосий хусусияти шундан иборатки, тиббиёт муассасалари ўзига бириктирилган аҳоли сонига қараб молиялаштирилади (ҳар бир аҳоли учун қатъий белгиланган сўмларда). Ажратилаётган маблағ тиббиёт муассасасининг айрим кўрсаткичларига (тоифаси, штатлар сони, мурожаатлар сони ва бошқаларга) боғлиқ бўлмайди. Бу, ўз навбатида, аҳолига тиббий ёрдамдан teng ва баробар фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Жон бошига белгиланган меъёларга, аҳолининг ёш структураси ёки тиббиёт муассасасининг географик жойлашувига қараб қўшимча коэффициентлар белгиланиши мумкин.

БТСЁ муассасалари иқтисод қилган маблағларини ўзида сақлаб қолган ҳолда уни муассаса учун жиҳозлар, дори-дармонлар сотиб олиш, хизмат турларини кенгайтириш учун сарфлаши мумкин. Туманлар ҚВПлари штатига бизнес-режа тузиш, молиявий маблағлардан унумли фойдаланиш ва тиббий ёрдам кўламини тўғри белгилаш мақсадида молиявий менежерлар штати киритилган. Улар қишлоқ врачлик пунктлари мудирларининг муовинлари ҳисобланади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари, асосан, давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Жамият соғлиқини сақлашга қаратилган молиявий сарф-харажатларни режалаштиришда, асосан, қуйидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш лозим:

— давлат бюджетининг харажат қисмида соғлиқни сақлашга ажратилган харажатларнинг улуси;

— ушбу харажатлар аҳоли жон бошига ҳисобланган кўрсаткичларининг ўзгариши;

— янги даволаш-профилактика муассасаларини ривожлантириш учун

ажратилаётган маблағнинг ўсиши;

— соғлиқни сақлашга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш ва тиббий муассасалар фаолият қўрсатиши учун ажратилаётган маблағнинг ўсиши, тиббиёт ходимларини тайёрлаш, тиббиёт, илм-фан ва бошқаларни ривожлантириш учун ажратилаётган харажатларнинг катталиги.

Назорат саволлари

1. Давлат томонидан соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизими. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналишлари Ҳаракатлар стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари.
3. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини аниқлаш,
4. Клиник-харажат гурухлари бўйича “даволанган ҳолат” учун ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмини жорий қилиш.
5. Давлат бюджети тузилмаси.
6. Бюджет тизимига раҳбарлик қилиш.
7. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг бюджет таснифи.
8. Миллий даражада асосий молиялаштириш тизимларининг тавсифи.
9. Тиббий хизматга тўлов бир неча манбалардан амалга оширилиши мумкин
10. Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш — бепул тиббий хизмат қўрсатиши тизими

Фойдаланилган адабиётлар

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони
17. Б.М.Маматкулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Дарслик. Тошкент –Илм Зиё. 2013. 574 б.
18. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти., Дарслик. Ворис нашриёти, Тошкент- 2015, 240 б.
19. Д.А.Асадов. Медицинское страхование (основные системы). Ташкент-2004.
- 5.Д.Н.Рахимова ва б. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 792б.
6. Р.Р.Хасанов, Н.Х. Хайдаров, Т.С.Маликов ва б. Молиявий бошқарув. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 840б.;
7. В.А.Миняева, Н.И.Вишнякова. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник для студентов. 5-е изд.,перераб.и доп. – М.: МЕДпресс-информ, 2009. – 656 с.;
8. Гришина В.В. Обязательное медицинское страхование в Российской Федерации. Сборник законодательных актов и нормативных документов. Москва-1994.

9. Лебедов А.А. Рночная экономика: маркетинговые основы управления, организации и финансирование национальной системы охраны здоровья. Самарский дом печати-1996.
10. Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент: пер.с англ.под ред.Л.А.Волковой, Ю.Н.Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. – 752с.;
11. М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента:пер.с англ. - М.: Дело, 2002. – 704 с.;
12. Lawrence F.Wolper. Health care administration: principles, practices, structure, and delivery. New York. 2nd ed. Aspen Publishers, Inc.1995. – 706 p.;
13. Robert J.Taylor, Susan B.Taylor. The AUPHA Manual of Health Services Management.Gaithersburg, Maryland. Aspen Publishers, Inc. 1994. – 652 p.;
14. Mary Louise Murray. Supervisory Management for Healthcare Organizations. US. 4th ed. Wm.C.Brown Publishers. 1991. – 421 p.

2-амалий машғулот: Мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва дастурлари.

Ишдан мақсад: тингловчиларга мажбурий тиббий суғуртанинг мақсади. Мажбурий тиббий суғуртанинг вазифалари. Белгиланган вазифаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси худудида 2025 йилга қадар аҳолининг камидаги 90% мажбурий тиббий суғурта дастури билан қамраб олган ҳолда босқичма-босқич мажбурий тиббий суғуртага ўтишнинг авзалликлари ва камчиликлари тўғрисидаги билимларни бериш, ҳамда Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонунчилигига риоя қилиш ва бажариш. Мажбурий тиббий суғурта дастурининг амалиётида тутган ўрнини тушунириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Хар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

Ишни бажариш учун намуна:

Суғурта – айрим ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) юз берганда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини улар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлариасосида ҳосил бўлган маблағлар ҳисобига ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий муносабатлар. Суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта операциялари самарадорлигига эришишдан манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатлари суғурта бозорида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилган “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг суғуртага шундай таъриф берилади:Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини

химоя қилиш тушунилади. Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

Суғурта кўлланилиш соҳаларига кўра ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта пулларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фойизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини (аннуитетларни) қамраб олади) ва умумий суғурта (шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари)га бўлинади.

Суғурта бозорининг обьекти ва субъекти. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларисуғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари ва ассистанс киради. Суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти суғурта воситачилари ҳисобланадилар. Жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатлари, шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликлари кабилар суғурта фаолиятининг обьекти ҳисобланади.

Суғуртанинг ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Ўзининг ривожланиши даврида суғурта нотижорат шаклдан тижорат турига айланди. Суғурта - бу ишлаб чиқариш муносабатларининг ажralmas қисми бўлиб, одамлар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларининг энг қадимги тоифаси ҳисобланади. Суғурта ижтимоий-иктисодий институт сифатида қадимги замонларда, цивилизация пайдо бўлиши ва давлатчиликнинг дастлабки белгиларининг шаклланиши даврларида келиб чиқсан қизиқарли ривожланиши тарихига эга.

Эволюцион ривожланиш жараёнида одамлар деярли ҳар қандай хавфли табиий ҳодиса ва воқеаларнингасири бўлишган. Бироқ, одамларни табиат кучлари, табиий оғатлар, урушлар ва бошқа ҳаётий хавф-хатарлар олдида ожизлиги ва шу билан бирга ушбу хавфларнинг оқибатларини енгиш истаги унларни куч ва воситаларни бирлаштиришга ундейди. Одамларда маълум даражада вайрон қилувчи табиий кучлар таъсиридан ҳимоя қила оладиган зарур методологияни ишлаб чиқиши учун саъй-ҳаракатлар ва капитални бирлаштириш орқали жамоавий ўзаро ҳамкорлик ғояси Антик даврда - Қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўла бошлаган. Пул иктисодиётда таваккални ўтказиш ёки тақсимлашнинг биринчи усуллари милоддан аввалги иккинчи ва учинчи минг йилликларда Хитойлик ва Бобиллик савдогарлар томонидан кўлланилган. [2See, e.g., Vaughan, E. J. (1996). *Risk Management*. New York: Wiley. ISBN 978-0471107590.] Дарёning тез оқимлари бўйлаб савдо қилган хитойлик савдогарлар битта кемани ағдариб юбориш натижасида катта йўқотишларни чеклаш учун ўз маҳсулотларини бир нечта кемаларга бўлиб юклашган. Замонавий суғуртанинг тарихий шаклларини Рим империяси даврида топиш мумкин. Римнинг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжлари давлат хазинаси ҳисобидан маҳсус яратилган жамияттомонидан қондирилди. Бу жамиятлар давлат томонидан маълум бир ижтимоий-сиёсий

функцияларнинг бажарилишига қараб, зарурат туфайли яратилган. Бироқ уша пайтларда мавжуд тартиб-таомилларда хавф-хатарларда фуқароларни ҳимоя қилишнинг аниқ тартиблари акс эттирилмаган. Ҳақиқий суғурта фақат VIII-X асрларда пайдо бўла бошлаган деб таъкидлаш мумкин.

Суғуртани ривожлантиришнинг дастлабки босқичида фуқароларнинг шахсий манфаатлари деярли ҳисобга олинмаган, суғурта хатарларини баҳолаш, айрим хатарларни хатар турлари бўйича аниқлаш ва гуруҳлаш усуллари қўлланилмаган. Замонавий суғуртага хос бўлган тариф ставкасини ва бошқа муҳим хусусиятларни аниқлаш тамойиллари тушунчаси деярли мавжуд эмас эди. Суғурта ривожланишининг дастлабки даврларида суғурта фаолиятидан о даромад ёки фойда олиш манбаи сифатида қаралмаган.

Ҳақиқий суғуртанинг дастлабки белгилари ўрта асрларда пайдо бўла бошлади. Бунда пул маблағлари олдиндан белгиланган хавфли ҳодисалар юз берганда сарфланиши керак бўлган кассаларни шакллантириш учун маҳсус жамиятлар ташкил этила бошланди. XI асрда ўзининг аъзоларини дафн этиш учун бадал йигадиган инглиз гилдияси (бир хил ёки ўхшаш мақсад ёки касбдаги (хунармандлар) 10-15 кишидан ташкил топган уюшма)бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Данияда битта гилдия аъзолари, агар улардан бири кемада ҳалокатга учраса ёки асирга олинган бўлса, ўзаро ёрдаи бериш бўйича келишувлар тузишган. Айнан шу даврда ўз фаолияти натижаларига кўра статистик маълумотлар асосида хавфларни таснифлаган ва ҳақиқий суғурта усулини ишлаб чиқсан биринчи мустақил ташкилотлар пайдо бўла бошлаган. Бу вақтларда суғурта муносабатларини расмийлаштиришнинг иложи йўқ эди, суғурта шартномаси жуда камдан-кам ҳолларда тузилган ва суғурта полисларининг стандарт шакли амалда қўлланилмаган. Натижада суғурта ривожланишининг иккинчи тарихий босқичи - суғурта фаолиятини ташкил этиш асосларини ҳуқуқий тартибга солиш босқичи бошланди. Барселонада (1435 й.) ва Венетсияда (1468 й.) денгиз суғуртасини тартибга солувчи биринчи суғурта қоидалари пайдо бўлган. Бироз вақт ўтгач, 1549 йилда Голландияда, 1601 йилда - Англияда, 1681 йилда - Францияда, 1727 йилда - Пруссияда ва 1734 йилда - Гамбургда суғурта низоми пайдо бўлган. Уларнинг барчаси асосан денгиз суғуртасини амалга ошириш шартларини назарда тутган ва белгилаган, чунки ўрта асрларда савдони денгиз йўли орқали олиб боришкенг тарқалган. Суғурта шартномаси тушунчаси ҳам айнан шу даврларда пайдо бўлган.

Учинчи тарихий босқич суғурта бизнесининг ривожланиши ва денгиздан суғуртасиданбошқа турларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Ушбу босқич XVIII-XIX асрларни қамраб олади. Англияда XVII асрда денгиз суғуртаси жамияти ва биринчи ёнғин суғуртаси компанияси ташкил этилади. Ҳаётни суғурталаш илк марта 18-аср бошларида тузилган. Ҳаётни суғурталашни таклиф қилган биринчи компания 1706-йилда Лондонда Уилям Талбот ва сер Томас Аллен томонидан ташкил этилган доимий кафолатлар учун дўстона жамият бўлди [24Anzovin, Stephen (2000). *Famous First Facts*. H. W. Wilson Company. p. 121. ISBN 978-0-8242-0958-2. The first life insurance company known of record was founded in 1706 by the Bishop of Oxford and the financier Thomas Allen in London, England. The company called the Amicable Society for a Perpetual Assurance Office,

collected annual premiums from policyholders and paid the nominees of deceased members from a common fund.] [25 Amicable Society, The charters, acts of Parliament, and by-laws of the corporation of the Amicable Society for a perpetual assurance office, Gilbert and Rivington, 1854, p. 4]. Ҳаётни суғурталашнинг биринчи режаси г ўн икки ёшдан эллик бешгача бўлган ҳар бир аъзоси ёшига қараб бирдан учтагача акциядан иборат бўлган йиллик тўловни тўлаши эди. Йил охирида "тинчлик эҳсони" нинг бир қисми вафот этган аъзоларнинг хотинлари ва болалари ўртасида тақсимланган ва бу эгалик қилинган акциялар сонига мутаносиб бўлган. Ўша пайтда Дўстона жамият 2000 аъзодан ташкил топган. [26 Amicable Society, *The charters, acts of Parliament, and by-laws of the corporation of the Amicable Society for a perpetual assurance office*, Gilbert and Rivington, 1854 Amicable Society, article V p. 5] [27 Price, pp. 158–171]. АҚШда ҳаётни суғурталаш 1760-йилларнинг охирларида бошланган. Филаделфия ва Ню-Ёркдаги Пресвiterian Синодлари 1759 йилда камбағалларга ва муҳтож бўлган бева аёлларга ва Пресвiterian вазирлигининг болаларига ёрдам бериш корпорациясини ташкил этишди; [31 Newman, Frank G. (January 1965). ["Acquisition of a Life Insurance Company, The"](#). *The Business Lawyer*. 20 (2): 411–416. Retrieved April 4, 2016. The first life insurance company in America was organized in 1759 under the corporate title 'The Corporation for Relief of Poor and Distressed Presbyterian Ministers, and of the Poor and Distressed Widows and Children of Presbyterian Ministers'.] Епископ руҳонийлари 1769 йилда шунга ўхшаш ёрдам фондини ташкил этишган.

Ижтимоий ҳаракатдан келиб чиқсан суғурта модели Германияда давлат ижтимоий суғурта тизимини яратиш учун асос бўлди. Германияда суғурта асосида соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг маҳсус тизими бўлган "суғурта тиббиёти" шаклланган. Мажбурий тиббий суғурта Германия бирлашган давлат сифатида пайдо бўлишидан олдин биринчи марта 1845 йилда Пруссияда қонун билан жорий қилинган. Қонун маълум (лекин ҳаммаси эмас) касблар ва мутахассисликлар ходимларини касаллик ҳолатида суғурталашга мажбур қилди. 1883 йилда Германия бўйлаб тиббий суғурта тўғрисида қонун қабул қилинди. Рейх канцлери Отто фон Бисмарк ташаббуси билан Германияда хукумати томонидан учта ижтимоий суғурта қонуни қабул қилинган: 1883 йил 15-июн - "Ишчиларнинг касаллигини суғурталаш тўғрисидаги қонун", 1884 йил 6-июл - "Бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тўғрисидаги қонун", 1889 йил 22-июн. - "Ногиронлик ва қариликни суғурта қилиш тўғрисидаги қонун".

Суғурта, молия тизимининг нисбатан мустақил бўғинларидан бири бўлиб, иқтисодий моҳияти бўйича умуман молия фаолиятининг барча асосий функцияларини эгаллайди. Шу билан бирга, суғуртага молияни тақсимлаш функциясини амалга оширишнинг маълум ўзига хос хусусияти хосдир: огоҳлантириш, тиклаш, жамлаш. Суғурталашнинг моҳияти унинг ўзига хос функцияларида намоён бўлади. Улар молиявий муносабатлар тизимида суғурта муносабатларининг хусусиятларини аниқлаштиришга имкон беради, улар орасида энг муҳими тақсимлаш ва назорат функциялари ҳисобланади. Суғуртанинг муҳим функциялари:

- хавф функцияси. Суғурталанган шахс суғурта орқали, маълум бир ҳақ эвазига суғурта қилинган хавфларнинг молиявий оқибатларини қоплашни суғурта ташкилоти зиммасига ўтказганлиги билан намаён бўлади;

- жамғариш ва тежаш функцияси. Мухим ижтимоий ролни бажариб, соғликни сақлаш ва самарали меҳнат қобилиятини ёъқотганда ҳам мақбул ҳаёт даражасини сақлаб қолиш учун маблағ тўплаш учун қулай шароитларни яратади, бу нафақат шахсий ва мулкий манфаатларни, балки суғурта тўловлари сифатида киритилган маблағларни ҳам ҳимоя қилишни амалга оширишда намоён бўлади. Ушбу хусусият, айниқса, ҳаётни суғурталаш каби суғурта турларида яққол қўзга ташланиб туради;

- тиклаш ёки ҳимоя қилиш функцияси. Бу суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчилар томонидан ёъқолган мол-мулкнинг тўлиқ ёки қисман қопланиши, қайтарилиши ёки аввалги ҳолатининг тикланиши учун суғурта шартномасида назарда тутилган муайян суғурта товонини тўлашда намаён бўлади;

- олдини олиш (профилактик) функцияси. Бу суғурта компаниялари суғурта қилдирувчиларнинг мумкин бўлган йўқотишларини олдини олишга қаратилган кенг профилактик тадбирларни ўтказиш учун суғурта қилдирувчиларнинг маблағларини жалб қилиш хуқуқига эга эканлигидан келиб чиқади. Ушбу маблағлардан ўт ўчирувчиларни, ветеринария, санитария-епидемиология хизматларини қайта жиҳозлаш ва яхшилаш чора-тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин;

- инвестиция функцияси. Суғурта захираларининг вақтинча бўш маблағлари ҳисобидан суғурталовчи инвестиция фаолиятини амалга ошириши мумкин. Суғурта мукофотлари ҳисобидан шаклланадиган суғурта захиралари корпоратив қимматли қоғозларга, кўчмас мулкка, инвеститсия фондлари акцияларига, банк депозитларига, давлат қимматли қоғозларига йўналтрилиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимини қиёсий хусусиятлари

Белгилари	Давлат соғлиқни сақлаш тизими	Мажбурий тиббий суғурта тизими	Бозор соғлиқни сақлаш тизими
1. Молиялаштириш манбай	Давлат бюджетнинг белгиланган микдордаги улаши	мажбурий тиббий суғурта бадаллари хисобидан шаклланадиган ва мақсадли хусусиятга эга бўлган бюджетдан ташқари фонdlар	Беморларнинг тўғридан тўғри тўлови
2. Беморларнинг тиббий ёрдам олиш имконияти	Қиммат турувчи ташҳислаш ва даволаш усулларини хисобга олмагандан юқори	Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам хажми чегараланган, мажбурий тиббий суғуртанинг амал қиласалиган полиси бўлиши зарур	Кам таъминланган аҳоли қатлами учун тиббий ёрдам олиш имконияти жуда паст
3. Тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	Бирламчи тиббий санитария ёрдами, профилактик чора тадбирларни амалга ошириш	Иккиламчи (шифохона) тиббий хизмат, тиббиёт ва суғурта муассасаларини нг профилактика қилишдан	Тиббий хизматлар қиммат ва сервис хизматлари юқори даражада, аҳоли соғлиғини

		манфаатдор эмас	сақлаш ва профилактика эътибор қаратилмайди, аммо беморларнинг ўз соғлиғига нисбатан масъулияти юқори
4. Соғлиқни сақлаш воситаларидан фойдаланиш	Тежаш, молиялаштиришнинг қолдиқли тамойили, одатда етарлича молиялаштирилмайди	Хиббий хизматларнинг тизимли ошиб бориши, маъмурий харажатларнинг жуда кўплиги	Ресурслардан самарасиз фойдаланиш, бироқ бу қиммат турувчи хизматлар ҳисобига қоплаб борилади
5. Беморларнинг танлаш эркинлиги	Тиббиёт муассасасини, шифокорни ва ташҳислаш-даволашнинг баъзи турларини танлаш чегаралангандан	Тиббиёт муассасаси, шифокор ва суғурта компаниясини эркин танлаш хуқуки бор	Тиббиёт муассасаси, ташҳислаш-даволаш шароитлари ва қўшича хизматларни танлаш имконияти юқори
6. Режалаштириш	Марказлашган	Марказлашмага н, суст даражада, асосан узок муддатда олиб борилади	Давлат томонидан режалаштириш суст, бозор шароити тартибга солиб боради

7. Бошқариш	Соғлиқни сақлашни малакали мутахассислари	Параллел равишида соғлиқни сақлаш муассасалари билан бир қаторда сугурта ташкилотлари ҳам қатнашади	Соғлиқни сақлашни малакали мутахассислари
8. Назорат	Давлат номидан соғлиқни сақлашни малакали мутахассислари	Тиббий хизмат сифати ва харажатларини сугурта ташкилотлари назорат қиласи	Давлат томонидан суст, асосан bemorlarning ўзи назорат қиласи (судда инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш институти ривожланган)
9. Рақобат	Деярли йўқ	Суғурта ташкилотлари орасида юқори, аммо бу тиббий ёрдам сифатига кам таъсир қиласи	Тиббиёт муассасалари билан бир қаторда шифокорлар орасида ҳам юқори
10. Тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш	Паст	Мажбурий тиббий суғурта тарифларига ушлаб қолиш натижасида деярли пастга яқин	Юқори

Тиббий хизматлардан фойдаланувчи нуқтаи назаридан энг мақбул тизим давлат тизимиdir, чунки ҳар бир фуқаро олган тиббий ёрдами учун тўғридан-тўғри (ўз чўнтағидан") ёки билвосита (иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан) пул

тўламайди. Бироқ бунинг салбий томонлари ҳам бор эди, биринчидан беморларнинг хуқуқлари чегараланган эди, уларнинг хоҳишига карамасдан маълум худуддаги муассасага ва шифокорга бириктириб қўйилар эди. Иккинчидан аҳолида тиббий хизматнинг “истемолчисиман” деган фикр шаклланиб қолган эди, натижада инсонлар ўз соғлиғини сақлашга бўлган масъулияти паст даражада бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида профилактик чора тадбирларнинг самарали олиб борилишига тўсқинлик қиласди, чунки давлат томонидан олиб борилган профилактик чора-тадбирларга қараганда аҳолининг ўз соғлиғига масъуллигини ҳис қилиб касалликларни олдини олишга ҳаракат қилиши самаралироқ бўлади. Суғурта тиббиёти ҳам аҳолини тиббий ёрдам олиш кўлами кенглигини давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар дастури доирасида таъминлаб берувчи тизим ҳисобланади.

Давлат томонидан қарабандан соғлиқни сақлашни суғурта вабозор тизими фойдалериоқ. Чунки суғурта тиббиётида давлат ишлмайдиган аҳолини, бозор шароитига асосланган тизимда эса кам таъминланган аҳоли қатламини соғлиғни сақлаш учун ресурслар ажратади. Бюджетдан молиялаштириладиган Бевередж тизимида иқтисодий нуқтаи назардан давлат энг кам манфаатдор бўлади. Чунки бунда соғлиқни сақлашни молиялаштириш давлат зиммасида туради ва ўз навбатида соғлиқни сақлашни режалаштириш, назорат қилиш ва тизимни асамарали фаолият олиб боришини таъминлаш давлат зиммасида туради.

Тиббий хизмат кўрсатувчилар (тиббиёт ходимлари) томонидан қарабандада энг яхши тизим, бозор муносабатларига асосланган тизим, чунки бунда уларнинг меҳнатларига юқори ҳақ тўланади. Соғлиқни сақлашни бозор тизими мавжуд бўлган АҚШ да шифокорлар юристлар ва банкирлар билан бир қаторда энг юқори ҳақ оловчи З та касбдан биттаси ҳисобланади. Шунингдек суғурта тизими ҳам тиббиёт ходимларини ўзига жалб қиласди.

Соғлиқни сақлашнинг турли тизимлари турли томонлар учун манфаатдорлик нуқтаи назаридан фарқ қилсада, мажбурий тиббий суғурта тизими уларнинг барчаси учун нисбатан мақбул ҳисобланади.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими олдида клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тиббий хизматларга ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси турипти. Соғлиқни сақлаш соҳасида молиявий тақчилликни олдини олиш ва русурслардан самарали фойдаланиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг худудий бюджет таъминланганлигини тенглаштиришучун ҳудудларнинг хусусиятлари, муассасалар тuri, аҳоли зичлиги ва бошқа омилларни ҳисобга оловчи тоифаланган тузатиш коэффициентларига эга молиялаштиришнинг ягона жон бошига тўғри келадиган нормативини жорий этиш, респубика, вилоят ва туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматларига клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун ҳақ тўлашнинг замонавий усулларига ўтиш зарурати туғилмоқда. Шу билан бирга, хусусий тиббий клиникаларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб бораётганлиги сабабли давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш учун тиббий хизматларнинг давлат ва хусусий етказиб

берувчилари билан контрактлар тузиш тизимиға ўтиш замон талабига айланиб бормоқда.

Даволанган ҳолат бўйича молиялаштиришда молиявий йил учун касалхонанинг бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблашда қуйидаги стандартлардан фойдаланилади:

а) даволанган ҳар бир иш учун иш ҳақини тўлашнинг асосий стандарти, шу жумладан тиббий, бошқарув, маъмурий-хўжалик ва ёрдамчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, қонунда назарда тутилган барча нафақалар ва қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлашга тенг, шу жумладан маблаг ъҳисобидан Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси, шунингдек ягона ижтимоий тўлов;

б) шифохонани сақлаш ва ривожлантириш учун харажатлар учун харажатларнинг асосий стандарти, бу касалхонани сақлаш учун бошқа оператсион харажатлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари микдорини (коммунал хизматлар, эксплуататсия харажатлари, техник хизмат кўрсатиш, озиқовқат, дори-дармон воситалари, сарфланадиган материаллар сотиб олиш ва паст қийматли инвентаризатсия ва бошқа оператсион харажатлар) давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ).

Даволанган беморларнинг ўртача йиллик тахминий сони ҳар бир касалхонада беморлар популяциясида молиявий йил давомида режалаштирилган ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Маълум бир шифохонани молиялаштиришнинг йиллик микдори харажатларнинг индексатсия коефитсиентини ҳисобга олган ҳолда тиббий ёрдамнинг режалаштирилган ҳажмини ва ихтисослаштирилган бўлимда даволанган битта ишнинг ўртача нархини ҳисоблаш асосида ҳар бир бўлимнинг харажатлари йиғиндиши кўриниши аниқланади.

Кейинги босқичларда клиник харажатларга мувофиқ даволанган ҳолат бўйича ҳақ тўлаш тизимиға ўтилади.

Клиник харажатларнинг асосий кўрсаткичларига қўйидагилар киради:

Молиялаштиришнинг базавий микдори–даволанадиган ҳар бир даволанган ҳолат учун статсионар ёрдамни молиялаштиришнинг маълум бир минтақа (вилоят)учун белгиланган ўртача микдори.

Бюджет маблағларини ажратиш даволанадиган битта ҳолат бўйича хизматларнинг нархи ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тўлов учун шартномалар тузиш асосида молиялаштиришга ўтадиган касалхоналаргатасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ шартномада белгиланган маблағлар микдори доирасида амалга оширилади.

Белгиланган чораклик режалардан ортиқча бажарилган тиббий ёрдам учун тўлов тиббий-иқтисодий текширувдан сўнг амалга оширилган даволанишнинг ҳақиқийлиги тасдиқлагандан сўнг амалга оширилади.

Тиббий-иқтисодий экспертиза натижаларига кўра асоссиз касалхонага ётқизиши ёки касалхонада бўлиш муддатини асоссиз узайтириш ҳолатлари аниқланганда, тиббий ёрдам учун тўлов амалга оширилмайди. Шу билан бирга, бюджет маблағларидан асоссиз равишда тўланган суммалар келгуси ҳисобот чораги учун режалаштирилган маблағларни камайтириш йўли билан ушлаб

қолинади. Асоссиз касалхонага ётқизиш ёки касалхонада бўлиш муддатини асоссиз узайтириш бўйича аниқланган ҳолатлар учун харажатларни қоплаш айборлар ёки касалхонанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Касалхонада стационар тиббий ёрдамнинг режалаштирилган ҳажмлари ортиқча бажарилган тақдирда, белгиланганидан 105 фоизгача бўлганда даволанган ҳолатлар учун 50 фоиз миқдорида, 105 фоиздан ортганда эса ҳарбитта даволанган ҳолатнинг ўртача нархининг 25 фоиз миқдорида тўлов қилинади.

Ҳисобот йилининг охирида касалхоналарнинг ғазначилик шахсий ҳисобварақларида қолган бюджет маблағлари моддий рағбатлантириш ва тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш фондига ўtkазилади ва белгиланган тартибда уларнинг ривожланиши учун сарфланади.

Назорат саволлари

1. Суѓурта бозорининг объекти ва субъектини нима ташкил ыилади?
2. Мажбурий тиббий суѓуртанинг мақсади нималардан иборат?
3. Мажбурий тиббий суѓуртанинг вазифалари, тамойилларига нималар киради?
4. Мажбурий тиббий суѓуртанинг дастурлари деганда нимани тушунасиз?
5. Тиббий суѓуртанинг ривожланиши тарихи тўғрисида сўзлаб беринг.
6. Даволанган ҳолат бўйича молиялаштиришда молиявий йил учун касалхонанинг бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблашда нималарга эътибор қаратилади?
7. Соғлиқни сақлаш тизимлари уларни қиёсий таққослаб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

10. Б.М.Маматкулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Дарслик. Тошкент –Илм Зиё. 2013. 574 б.
11. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти., Дарслик. Ворис нашриёти, Тошкент- 2015, 240 б.
12. Д.А.Асадов. Медицинское страхование (основные системы). Ташкент-2004.
- 5.Д.Н.Рахимова ва б. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 792б.
15. Р.Р.Хасанов, Н.Х. Хайдаров, Т.С.Маликов ва б. Молиявий бошқарув. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 840б.;
16. В.А.Миняева, Н.И.Вишнякова. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник для студентов. 5-е изд., перераб.и доп. – М.: МЕДпресс-информ, 2009. – 656 с.;
17. Гришина В.В. Обязательное медицинское страхование в Российской Федерации. Сборник законодательных актов и нормативных документов. Москва-1994.
18. Лебедов А.А. Рночная экономика: маркетинговые основы управления, организации и финансирование национальной системы охраны здоровья. Самарский дом печати-1996.

19. Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент: пер.с англ.под ред.Л.А.Волковой, Ю.Н.Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. – 752с.;
20. М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента: пер.с англ. - М.: Дело, 2002. – 704 с.;
21. Lawrence F.Wolper. Health care administration: principles, practices, structure, and delivery. New York. 2nd ed. Aspen Publishers, Inc.1995. – 706 p.;
22. Robert J.Taylor, Susan B.Taylor. The AUPHA Manual of Health Services Management.Gaithersburg, Maryland. Aspen Publishers, Inc. 1994. – 652 p.;
23. Mary Louise Murray. Supervisory Management for Healthcare Organizations. US. 4th ed. Wm.C.Brown Publishers. 1991. – 421 p.

З-амалий машғулот: Мажбурий тиббий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби. Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси фаолиятининг хусусиятлари

Ишдан мақсад: тингловчиларга мажбурий ижтимоий тиббий суғурта иштирокчилари, объектлари ва субъектлари. Мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизими иштирокчилари: тиббий хизмат истеъмолчилари; тиббий хизмат кўрсатувчилар; Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси; Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа ваколатли органлар. Суғурталанган шахслар мажбурий тиббий суғурта субъектлари тўғрисида тушунча бериш. Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми. Мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизмат сотиб олиш шартномаси. Тиббий хизмат олиш учун суғурталанган шахсларни мурожаати. Суғурталанган шахсни бошқа муассасаларга тиббий хизмат олиш учун йўналтириш. Мажбурий тиббий суғуртанинг реестрлари, рўйхатга олиш ва суғурта полиси. Суғурта қопламаси. Мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг Кузатув кенгаши. Мажбурий тиббий суғурта фондининг молиявий ва бошқа ҳисоботларини юритиш, тиббий хизмат харидини режалаштириш кўникмаларини шакллантириш

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Хар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

Ишни бажариш учун намуна:

Мажбурий тиббий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби

Мажбурий ижтимоий тиббий суғуртанинг иштирокчилари, объектлари ва субъектлари

Мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимининг иштирокчилари:

тиббий хизматлар истеъмолчилари;

тиббий ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар;

Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа ваколатли органлар.

Суғурталанган шахс (фуқаро ёки резидент), тиббий хизмат кўрсатувчи ва Жамғарма мажбурий тиббий суғуртанинг субъектлари ҳисобланади.

Мажбурий тиббий суғурталаш обьекти суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда мажбурий тиббий суғурта шартномасига мувофиқ суғурталанувчига кўрсатиладиган тиббий хизматларни ташкил қилиш ва тўлаш харажатлари билан боғлиқ суғурта хавфи ҳисобланади.

Суғурталанган шахслар мажбурий тиббий суғурта субъектлари сифатида

Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга бўлган суғурталанган шахсларга қуидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;

Ўзбекистон Республикасида кириш учун "инвеститсия визаси" олган хорижий инвесторлар, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида яшовчи ота-оналари, турмуш ўртоқлари ва болалари.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган барча жисмоний шахслар шошилинч тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажми

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизматнинг кафолатланган ҳажми устувор тартибда клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларига жавоб берадиган, шунингдек ўлим ва ногиронлик бўйича этакчи бўлган асосий касалликларнинг олдини олиш ва даволашга қаратилган профилактика, ташхислаш ва даволаш хизматларини, тиббий реабилитация ва паллиатив ёрдам хизматларини,. қамраб олади.

Тиббий хизматларнинг айрим турлари ва дори воситалари, сарф материаллар ва тиббий маҳсулотлар учун тўғридан-тўғри тўловлар шаклида ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан қисман қоплаш (кўшма тўлов) механизmlарини жорий этиш мумкин.

Суғурталанган шахс тиббий хизматни олганидан кейин қўшимча тўловни амалга оширади.

Рўйхат бўйича тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини молиялаштириш тегишли молиявий йил учун "Соғлиқни сақлаш" соҳасига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида амалга оширилади.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий-профилактика ёрдамининг рўйхати ва ҳажмларини шакллантириш тартиби, уларни қайта кўриб чиқишининг мунтазамлиги, тасдиқлаш тартиби ва уларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматларни сотиб олиш бўйича шартнома

Мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматларни сотиб олиш бўйича шартнома - бу Жамғарма ва тиббий ёрдам кўрсатувчи ўртасида ёзма

келишув бўлиб, унга биноан иккинчиси мажбурий тиббий суғурта дастурига мувофиқ суғурталанган шахсга тиббий-профилактика хизматларини қўрсатишни ташкил этиш ва молиялаштириш мажбуриягини олади.

Шартнома тиббий ва профилактика фаолияти натижаларига кўра мажбурий тиббий суғурта талабларига жавоб берадиган давлат ва хусусий тиббий хизмат қўрсатувчилар билан тузилиши мумкин.

Шартнома шакли, шартлари ва уни тузиш тартиби, шу жумладан шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги, шунингдек ҳар хил турдаги шартномаларнинг намунавий турлари Жамғарма томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Тиббий хизматларни сотиб олишда иштирок этишининг йўл қўйилмаслиги

Тиббий хизмат қўрсатувчиларга тиббий хизматларни сотиш тақиқланади, агар:

тиббий хизмат қўрсатувчилар тиббий фаолиятни амалга ошириш учун литсензияси бўлмаса;

Жамғарманинг қарор қилиш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахси (ёки унинг яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи, болалари) тиббий хизмат қўрсатувчи муассасасанинг асосчиси, иштирокчisi ёки актсиядори бўлса;

олдинги уч йил ичида тузилган тиббий хизматларни сотиб олиш тўғрисидаги шартномани бажарилмаганлиги, ўз вақтида ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли Жамғарма томонидан бир томонлама бекор қилинганлиги;

олдинги уч йил ичида тузилган тиббий хизматларни сотиб олиш бўйича шартнома тиббий хизмат қўрсатувчи ташкилотнинг ташабbusи билан бир томонлама бекор қилинган;

тиббий хизмат қўрсатувчи провайдер ўз фаолияти тўғрисида нотўғри маълумотларни ўз ичига олган ишончсиз маълумотлар тақдим этган бўлса.

Мажбурий тиббий суғурта дастуридаги тиббий-профилактика хизматлари тарифлари

Нархларни аниқлаш ва харажатларни башорат қилиш тартиби ва методикаси, тарифларни қайта қўриб чиқишининг мунтазамлиги, нархларни назорат қилиш тартиби ва мажбурий тиббий суғурта доирасида провайдерлар томонидан қўрсатиладиган тиббий-профилактика ёрдами харажатларини қоплаш учун молиявий танқисликнинг олдини олиш стратегияси Жамғарма томонидан ишлаб чиқилади.

Тиббий хизматларнинг нархи жон бошига молиялаштириш механизmlари, даволанган ҳолатлар, айрим хизматлар учун тўловларни тўлаш усули, самарадорлик ва сифат учун тўловлар, аралаш тўловлар усуллари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа усуллар асосида шаклланади;

Тарифларни шакллантириш тартиби ва методикаси давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини аниқлаш тартиби ва қоидаларига мос келади.

Тиббий хизматларнинг тарифлари Жамғарма Кузатув кенгаши билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Суғурталанган шахсларнинг тиббий хизмат олиш учун мурожаат қилиши.

Суғурталанган шахслар сўралган тиббий хизматларни этказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган провайдерга тиббий хизмат олиш учун мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Тиббий ходимга мурожаат қилишда, суғурталанган шахс шахсий гувоҳнома (паспорт) ёки суғурта полисини, тиббий картани ёки уларни алмаштирадиган ҳужжатларни тақдим этиши шарт, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно.

Тиббий хизмат кўрсатувчи суғурталанган шахсга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда тиббий ёрдам кўрсатишни рад этишга ҳақли эмас.

Тегишли тиббий кўрсатмалар бўлмаса ёки мажбурий тиббий суғурта шартномаси шартларига киритилмаган тиббий хизматларга эҳтиёж сезилса, провайдер ушбу Конуннинг 14-моддасида белгиланган тартибда суғурталанган шахсни ёъналтиришга мажбурдир.

Суғурталанган шахсга тиббий хизматни бошқа провайдердан олиш учун юбориш

Агар суғурталанган шахс томонидан сўралган тиббий хизмат тузилган шартнома шартларига киритилмаган бўлса, провайдер суғурталанган шахснинг мурожаат қилиш фактини қайд қиласи, шунингдек, сўралган тиббий хизматни олиш учун суғурталанган шахс юборилган провайдерни хам кўрсатади.

Суғурталанган шахсий ўналтирилган провайдер, агар унга кўрсатиладиган хизмат тури рўйхатга киритилган бўлса, суғурталанган шахсга сўралган тиббий хизматни кўрсатиши шарт.

агар тасдиқланган стандартлар ва клиник протоколларда назарда тутилмаган ва шартнома шартларига киритилмаган бўлса суғурталанган шахсни бошқа провайдерга юбориш провайдер учун кўрсатилган хизмат деб ҳисобланмайди.

Рўйхатга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва мажбурий тиббий суғурта полиси

Рўйхатдан ўтиш тартиби ва суғурта полисининг шакли, шу жумладан суғурталанган шахс ҳақидаги маълумотларни сақловчи bemornning ягона шахсий рақамли (ID) электрон картаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Тиббий ходимларнинг реестри Жамғарма томонидан юритилади ва расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Тиббий хизмат кўрсатувчиларнинг реестрини юритиш тартиби, шакли ва рўйхати Жамғарма томонидан белгиланади. Суғурталанган шахс маълумотлари, ягона шахсийлаштирилган шахсий рақами (ИД) бўлган bemorning elektron kartasi, шу жумладан рўйхатдан ўтиш тартиби ва суғурта полисининг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Тиббий хизмат кўрсатувчи провайдер тиббий хизматларни кўрсатиш шартномаси асосида реестрга киритилади.

Провайдерлар реестрида белгиланган талабларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузиш учун зарур бўлган барча маълумотлар мавжуд бўлади.

Тиббий хизмат кўрсатувчи провайдерлар Жамғарма билан тузилган шартноманинг амал қилиш мuddati давомида реестрдан чиқарилиши мумкин эмас, фақат қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суғурта қопламаси

Тиббиёт муассасалари мажбурий тиббий суғурта доирасида кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун қилинган харажатларни олиш учун Жамғармага барча керакли хужжатларни тақдим этади.

Кўрсатилган тиббий хизматлар харажатларини қоплашдан олдин Жамғарма тақдим этилган хужжатларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини текшириши шарт.

Жамғарма, тақдим этиладиган хизматлар амалдаги стандартларга мувофиқлиги экспертизадан ва назоратдан ўтказилгандан сўнг белгиланган тартибда, тиббиёт муассасаларининг амалда кўрсатган тиббий хизматлари учун харажатларини тузилган шартномада кўрсатилган тарифлар бўйича қоплаб беради.

Кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг ҳажми ва рўйхати тўлов учун ҳисобкитоблар асосида аниқланади ва Жамғарма томонидан олиб борилган назорат ва мониторинг натижаларига кўра тузатишлар киритилиши мумкин.

Жамғарма экспертиза ва назоратни амалга ошириш учун мустақил эксперtlарни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Экспертиза ва назоратни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси

Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси нотижорат давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс бўлиб, Жамғарма тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлайди.

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланга ва ўз номи ёзилган мухрга эга бўлади.

Жамғармани белгиланган тартибда номзодлар орасидан танлаб олинганва танишилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Бош директор бошқаради. Асосий бошқарув жамоаси Жамғарма Бош директори томонидан Кузатув кенгаси билан келишилган ҳолда тайинланади.

Жамғарма Марқазий аппарат ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан иборат. Жамғарма соғлиқни сақлашнинг ягона тизимининг ажралмас қисми бўлган мажбурий тиббий суғурта соҳасида ягона маълумотлар базасини ва бошқа ахборот ресурсларини юритади.

Жамғарманинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, унинг ташкилий тузилмаси, бошқарув органлари ва уларнинг ҳуқуқлари ушбу Қонун ва Жамғарма тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жамғарма томонидан олинадиган Давлат бюджетидан маблағлар, шу жумладан солиқлардан мақсадли ажратмалар (масалан, тамаки, алкоголь ичимликлар ва бошқаларга акциз солиғи) ва ахолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини таъминлаш харажатларини қоплаш учун ажратилган қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлар солиқقا тортиш обьекти ҳисобланмайди.

Жамғарма молиявий ёрдам ва хайрия фаолиятини амалга ошириши, шунингдек юридик шахсларнинг асосчиси бўлиши ва бошқа суғурта компанияларининг устав фондида иштирок этиши мумкин эмас.

Мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг асосий вазифалари

Жамғарманинг асосий вазифалари:

Кафолатланган тиббий ёрдам ва мажбурий тиббий суғуртанинг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳажми доирасида фуқароларнинг қонунда белгиланган тиббий хизматларга бўлган ҳуқуқларини молиявий қўллаб-куватлаш;

мажбурий тиббий суғурта тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни адолатли тақсимлаш учун, шунингдек, суғурталangan шахсларга Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тиббий ёрдамнинг кафолатли ҳажми доирасида кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг ҳажми ва сифати таъминлаш учун шароит яратиш;

мажбурий тиббий суғурта тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мажбурий тиббий суғурта тизимининг барча молиявий ресурсларини тўплаш;

соғлиқни сақлаш хизматларини тегишли тиббий хизмат кўрсатувчилардан сотиб олиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий тиббий суғурта тизими тўғрисида маълумот базасини шакллантириш.

Мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг бюджети

Мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг бюджети қўйидагилар томонидан шакллантирилади:

"Соғлиқни сақлаш" соҳасига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тамаки маҳсулотлари, алкоголь ичимликлар, қанд миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, транс ёғлари ва соғлиқ учун заарли бўлган бошқа маҳсулотларга акциз солиғидан мақсадли ажратмалар;

қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма ҳар йили белгиланган тартибда кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмининг прогнозини ва келгуси молиявий йил учун зарур маблағларни ҳисоблашни амалга оширади.

(Бюджетная заявка) Бюджет дастури қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва тақдим этилади.

Жамғарманинг молиявий маблағлари Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкиҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ҳисобварагида бўлади, бюджет таркибига, бошқа фонд маблағларига киритилмайди ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Жамғарманинг молиявий фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиллик мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Мажбурий тиббий сұғурта жамғармасининг мулки ва унинг молиявий фаолияти

Жамғарма мулки давлат томонидан молиялаштириш манбалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Жамғармани бошқариш ва сақлашга мўлжалланган маблағлари ва мол-мулки мажбурий тиббий сұғурта маблағларидан ажратилган бўлиб, улар бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисботи ва ҳисботи юритилади.

Мажбурий тиббий сұғурта жамғармаси Кузатув кенгаши

Жамғарма Кузатув кенгаши Жамғарма фаолиятини умумий бошқариш ва назорат қилишни амалга оширади.

Кузатув кенгашини раис бошқаради. Кузатув кенгаши таркибига мажбурий тиббий сұғурта иштирокчилари бўлган вазирликлар ва идоралар, шунингдек истеъмолчилар (беморлар) манфаатлари вакиллари киради.

Кузатув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кузатув кенгаши:

тегишли йил учун Жамғарма бюджети лойиҳаларини мувофиқлаштиради ва унинг бажарилишини назорат қиласи;

Жамғарма ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан биргаликда ишлаб чиқилган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми тарифлари, нархларни шакллантириш бўйича таклифларни мувофиқлаштиради;

жорий фаолият учун Жамғарма харажатлари сметасини тасдиқлайди;

аудиторлик ташкилотининг танлов танловини ўтказади;

текширувидан сўнг Жамғарманинг йиллик молиявий ҳисботини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Мажбурий тиббий сұғурта жамғармасининг молиявий ва бошқа ҳисботлари

Жамғарма бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз маблағлари ва мажбурий тиббий сұғурта дастурини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан

олинган маблағлар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисботларни алоҳида тақдим этади.

Жамғарма маҳсус ваколатли давлат органига ушбу орган томонидан белгиланган шаклда ва муддатларда молиявий ва бошқа ҳисботларни тақдим этади.

Жамғарманинг йиллик молиявий ҳисботининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказишга ваколатли аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши шарт.

Жамғарманинг йиллик аудити учун харажатлар Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

Жамғарма бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларни тайёрлашда фойдаланиладиган хужжатларни ҳисобга олиш ва сақлашни таъминлаши шарт.

Жамғарманинг йиллик молиявий ҳисботлари Фонднинг расмий веб-сайтида маҳсус ваколатли орган томонидан белгиланган шаклда ва муддатларда эълон қилинади.

Тиббий хизматларни сотиб олишни режалаштириш

Давлат органлари учун белгиланган муддатларда Жамғарма ҳар йили мажбурий тиббий суғурта дастури доирасида тиббий хизматларнинг ҳажми ва рўйхатини аниқлайди.

Тиббий хизматларнинг ҳажми ва миқдорини аниқлашда Жамғарма олдинги уч йил давомида кўрсатилган тиббий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиласи, шунингдек қуйидаги ҳолатларни баҳолайди:

суғурталанган шахсларнинг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжи ва унинг мавжудлигини;

тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва шарапитларини;

тиббий хизмат нархларини;

тиббий хизмат қўрсатувчи шахслар сонининг чегараси;

тиббий хизмат қўрсатиш учун ишнинг ўртача юклама қўрсаткичлари;

соғлиқни сақлаш бўйича давлат сиёсатининг ривожланиш йўналишларини; бошқаларни.

Тиббий хизматларни сотиб олишни режалаштириш методикаси Жамғарма ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ахборот алмашиш

Жамғарма ва маҳсус ваколатли давлат органлари Жамғарманинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган доимий маълумот алмашишни амалга оширадилар.

Жамғарма миллий соғлиқни сақлаш сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг бошқа иштирокчилари билан Кузатув кенгashi томонидан келишилган тартибда ва алоҳида сўровлар бўйича мунтазам равишда маълумот Алмашади.

Мажбурий тиббий сұғурта субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари

мажбурий тиббий сұғурта субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари

Сұғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Сұғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шу жумладан доимий яшаш жойидан ташқарида кафолатланган тиббий ёрдам доирасида юқори сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматларни олиш;

ушбу Қонунда назарда тутилган мажбурий тиббий сұғурта шартномасининг мавжудлигини ва унга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолдатиббий ёрдам учун тиббий хизмат кўрсатувчини танлаш;

тиббий хизмат кўрсатувчилардан соғлиғининг ҳолати, шунингдек қўлланиладиган даволаш усуллари ва уларнинг натижалари тўғрисида маълумот олиш;

қонунда белгиланган тартибда мажбурий тиббий сұғуртанинг бошқа субъектлари ва иштирокчиларига қарши ўз ҳуқуқларни ҳимоя қилишшу жумладан, соғлиққа этказилган зарарни қоплаш масаласи бўйича даъволар ёки бошқа аризалар бериш;

ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

Чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тиббий сұғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари яшаётган давлатлар билан икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилади.

Сұғурталанган шахснинг мажбуриятлари:

мажбурий тиббий сұғурта дастури реестрига киритилган бирламчи тиббий ёрдам муассасаси орқали мажбурий тиббий сұғурта жамғармасида сұғурталанган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамнинг амалдаги ҳажмидан хабардор бўлиш;

тиббий муассасанинг мажбурий тиббий сұғурта дастури бўйича унга тиббий-профилактика хизматларини ташкил этиш ва кўрсатиш билан боғлиқ мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида шикоят билан чиқиш;

ўзининг соғлиги учун жавобгар бўлиш ва соғлиқни мустаҳкамлаш ва касалликларни олдини олиш бўйича тавсияларга амал қилиш;

тиббий-профилактика ёрдамини олиш учун соғлиқни сақлаш муассасасидан ўз вақтида мурожаат қилиш.

Мажбурий тиббий сұғурта иштирокчиси сифатида тиббийхизмат кўрсатувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва мажбурий тиббий сұғурта шартномасини тузиш талабларига жавоб берадиган тиббий

муассасалар, идоравий мансублиги ва мулк шаклидан қатъи назар, қуидагиларга ҳақлидир:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбурий тиббий суғурта дастурида иштирок этиш;

Жамғарма билан мажбурий тиббий суғурта дастури доирасида тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузиш;

Жамғарма билан тузилган шартнома асосидамажбурий тиббий суғурта доирасида амалда кўрсатилган тиббий хизматлар учун харажатлар қоплатиб олиш;

тиббий хизматларни этказиб бериш бўйича шартнома шартларини аниқлаштириш учун Жамғармага мурожаат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган, тиббий хизмат кўрсатишнинг тартиби, стандартлари ва клиник протоколлари учун масъул бўлган ваколатли органга мурожаат қилиш;

мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича тиббий-профилактика хизматларини оладиган беморлар учун қулай шароитларни яратиш;

суд ва бошқа ваколатли органларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматларнинг қўшимча тўлов қилинадиган маълум рўйхати асосида суғурталанган шахслардан тўғридан-тўғри тўловлар ёки қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа шаклларда тўловларни олиш;

қонун хужжатларида тақиқланмаган тартибда ва шаклда мажбурий тиббий суғурта дастурига киритилмаган тиббий хизматларни кўрсатиш;

суғурталанувчининг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлигини тасдиқловчи хужжат бериш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

Тиббий хизмат кўрсатувчиларнинг мажбуриятлари:

суғурталанган шахсларни шартномада белгиланган муддатларда, мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича тиббий хизматларни кўрсатиш шартномасида назарда тутилган тегишли ҳажм ва сифатда тиббий хизмат билан таъминлаш;

тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома асосида олинган мажбурий тиббий суғурта маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши таъминлаш;

суғурталанган шахсга соғлифининг ҳолати, шунингдек, даволаниш усуллари ва уларнинг натижалари тўғрисида хабардор қилиш;

Суғурталанган шахсларнинг тиббий кўрсатмаларнинг бажаришдаги бузилишлар ва натижада уларнинг саломатлигига асорат бериши мумкин бўлган барча тўғрисида Жамғарма ва тиббий ёрдам сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича ваколатли органга хабар бериш;

суғурталанган шахснинг соғлиги ёки шахсий ҳаёти тўғрисида маълумотни сир тутиши;

мажбурий тиббий суғурта тизимининг ахборот тизимларига ва электрон ахборот ресурсларига маълумотларни ўз вақтида, ишончли ва тўғри киртиш;

мажбурий тиббий суғурта тизимининг ахборот тизимлари ва электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш;

жамғарманинг талабига биноан тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва хужжатларни тақдим этиш;

мажбурий тиббий суғурта маблағлари билан операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва мажбурий тиббий суғурта бўйича кўрсатиладиган тиббий-профилактика хизматлари учун Жамғарма томонидан белгиланган молиявий ресурсларни кодлашдан фойдаланиш;

тиббий хизматларни этказиб бериш бўйича шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш учун келган Жамғарма вакилларига ўзларининг биноларига киришигаруҳсат бериш;

ушбу муассасанинг тиббиёт ходимлари томонидан ўзларининг профессионал вазифаларини малакасиз бажаришлари натижасида суғурталанган шахс соғлиғига этказилган зарар учун тўғридан-тўғри унинг ва Жамғарма олдида молиявий жавобгар бўлиш;

Тиббий хизмат кўрсатувчилар ҳуқли эмас:

суғурта қилдирувчидан тиббий хизматлар кўрсатиш учун шартномада назарда тутилган тиббий хизматлар учун қўшимча тўловни талаб қилиш, белгиланган қўшимча тўловлар бундан мустасно;

суғурталанган шахсда бирон бир хужжат йўқлиги сабабли, тиббий хизматларни кўрсатиш шартномасида назарда тутилганиббий хизматларни кўрсатишдан бош тортиш, шахсни тасдиқловчи хужжат ёки суғурта полиси бундан мустасно;

Тиббий хизмат кўрсатувчилар қонунчиликга мувофиқ ушбу қонунга зид келмайдиган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин;

Мажбурий тиббий суғурта жамғармасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Жамғарманинг ҳуқуқлари

мажбурий тиббий суғурта дастурини амалга ошириш ва белгиланган тартибда Жамғарма ҳисобваракларига жойлаштириш учун аксиз солиғи ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан мақсадли чегирмаларни давлат бюджети маблағларидан олиш ва тўплаш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ва ваколатхоналар тузиш;

мажбурий тиббий суғурта иштирокчиларидан тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш учун зарур бўлган маълумот ва хужжатларни талаб қилиш ва олиш;

мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматлар рўйхатини ва тарифлар ҳажмини, шунингдек мажбурий тиббий суғурта доирасида кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун қўшимча тўловлар микдорини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш,

ушбу Қонунда белгиланган ваколатларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий хужжатларни ва услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

тиббий хизматларни харид қилиш ва тиббиёт муассасалари билан тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;

мажбурий тиббий суғурта соҳасида ҳисобот шаклларини ва уни сақлаш тартибини белгилаш;

мажбурий тиббий суғурта соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган аризалар, суғурта полислари, суғурталанган шахсларнинг реестрлари, этказиб берувчилар, ҳисоб-фактуралар, далолатномалар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

тиббий ёрдам кўрсатадиган соғлиқни сақлаш субъектига ташриф буюриб, хизматларни сотиб олиш бўйича шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

мажбурий тиббий суғурта субъектлари томонидан мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга ошириш;

тиббиёт муассасаларини тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар шартларига мувофиқлигини текширишни амалга ошириш;

аҳоли ва тиббиёт муассасалари ўртасида мажбурий тиббий суғурта масалалари бўйича маслаҳат ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

суғурталанган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ва суғурталанган шахсларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ҳукуқларни амалга ошириш.

Жамғарманинг мажбуриятлари:

мажбурий тиббий суғурта учун тўловлар ва бадалларни йиғиш;

харажатларни тақсимлаш ва ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш жойларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб бориш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва аҳолини кафолатли тиббий ёрдам билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун ажратилган мақсадли ажратмалардан мажбурий тиббий суғурта доирасидаги тиббий хизматларга ҳақ тўлаш билан боғлик фаолият туридан бошқа нарсалар учунфойдаланмаслик;

тиббий хизматларни этказиб берувчиларга тиббий хизматлар кўрсатиш учун шартнома шартлари бўйича ўз вақтида тўловларни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарманинг йиллик мустақил аудитини таъминлаш;

мажбурий тиббий суғурта учун ортиқча (нотўғри) миқдорда тўланган тўловлар ва бадалларни қайтариш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кутилмаган харажатларни қоплаш учун захирани шакллантириш;

мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматлар харажатларини режалаштириш;

суғурталанган шахсларга кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифати ва ҳажми бўйича шартномавий мажбуриятларнинг етказиб берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

фуқароларнинг ва соғлиқни сақлаш ташкилотларининг мажбурий тиббий суғурта тизимида тиббий хизмат кўрсатишга оид шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқиши;

қонун билан қўриқланадиган сирларни сақлаш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни бажариш.

Вазирлар Маҳкамасининг мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги ваколатлари

Мажбурий тиббий суғурта соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуидаги ваколатларга эга:

мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги давлат сиёсатини белгилайди;

суғурталанган шахсларнинг мажбурий тиббий суғурта соҳасида Ўзбекистон Республикаси худудида ҳуқуқларига риоя этилиши устидан умумий назоратни таъминлайди;

аҳолини кафолатли тиббий ёрдам билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратилишини таъминлайди;

мажбурий тиббий суғурта дастурини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

кутилмаган харажатларни қоплаш учун Жамғарма захирасининг ҳажмини тасдиқлайди;

кутилмаган харажатларни қоплаш учун Жамғарма захирасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди;

фонднинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун меъёрлар ва лимитларни тасдиқлайди;

Жамғарма томонидан молиявий ва бошқа ҳисботларшаклларини, рўйхатини ва тақдим этиш муддатларини тасдиқлайди;

Жамғарманинг молиявий барқарорлигини таҳлил қиласи, баҳолайди ва назорат қиласи;

Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси, ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари билан юклangan бошқа функцияларни амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги ваколатлари

Мажбурий тиббий суғурта соҳасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуидаги ваколатларга эга:

мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун тиббиёт муассасаларини литсензиялаш ва аккредитатсиядан ўтказади;

тиббий хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишини назорат қиласи;

соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича Жамғарма фаолиятини таҳлил қиласи;

Миллий Инноватсион соғлиқни сақлаш палатаси билан биргалиқда тиббий хизматларни сотиб олиш учун шартномалар тузишда фойдаланиш учун мажбурий бўлган тиббий хизматлар кўрсатиш стандартлари ва баённомаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

(оказывает содействие медицинским учреждениям, входящим в систему Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, в принятии участия в процессе закупа медицинских услуг, проводимом со стороны Фонда;)

Тиббий хизматларни Жамғарма харид қилганда унша Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимиға кирувчи тиббиёт муассасалари иштирок этишига ёрдам беради;

Жамғарма билан биргаликда:

мажбурий тиббий ижтимоий суғурта тизимида тиббий хизматлар тарифларини шакллантириш тартиби ва методикасини белгилайди ва ишлаб чиқади;

мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий ёрдам ва тиббий хизматларнинг кафолатланган ҳажмига киритилган тиббий хизматларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махфийлик

Мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича суғурталанган шахсларнинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

Суғурталанган шахс ва уларга тегишли маълумотларга нисбатан мажбурий тиббий суғурта провайдерининг ёзма розилиги асосида ушбу маълумотлар учинчи шахсларга берилиши мумкин.

Суғурталанган шахсга тегишли маълумотлар унинг ва тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасанинг ёзма розилиги асосида ушбу маълумотлар учинчи шахсларга берилиши мумкин

Суднинг, прокрорнинг, жиноят иши қўзғатилганда тергов ва суриштирув органлари талабига кўра Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган маълумотлар мажбурий тиббий суғуртақилувчилар томонидан белгиланган тартибда суғурталанган шахснинг розилигини олмаган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

Мажбурий тиббий суғурта бўйича фаолиятни амалга ошириш учун умумий маълумотлар ва шартлар, давлат томонидан кафолатланган хизматлар рўйхати, белгиланган қўшимча тўловли хизматлар рўйхати, тарифлари, суғурта шартлари умумий маълумотдир ва суғурта сирининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Назорат саволлари

1. Мажбурий ижтимоий тиббий суғурта иштирокчилари, объектлари ва субъектларига кимлар киради?
2. Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси қандай шакллананди?
3. Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми.
4. Мажбурий тиббий суғурта доирасида тиббий хизмат сотиб олиш

шартномаси.

5. Тиббий хизмат олиш учун сұғурталанган шахсларни мурожаати. Сұғурталанган шахсни бошқа муассасаларга тиббий хизмат олиш учун йўналтириш.

6. Мажбурий тиббий сұғуртанинг реестрлари, рўйхатга олиш ва сұғурта полиси қандай амалга оширилади?

7. Мажбурий тиббий сұғурта фондининг молиявий ва бошқа ҳисоботлари,тиббий хизмат харидини режалаштириш тўғрисида сўзлаб беринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2107-сонли Фармони\
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сұғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (358-II-сон 05.04.2002).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони
4. Б.М.Маматкулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Дарслик. Тошкент –Илм Зиё. 2013. 574 б.
5. Лебедов А.А. Рночная экономика: маркетинговые основы управления, организации и финансирование национальной системы охраны здоровья. Самарский дом печати-1996.
6. Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент: пер.с англ.под ред.Л.А.Волковой, Ю.Н.Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. – 752с.;
7. М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента: пер.с англ. - М.: Дело, 2002. – 704 с.;

V. ГЛОССАРИЙ

мажбурий тиббий сұғурта тизими	давлатнинг мажбурий тиббий сұғурта доирасида сұғурталанган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилған ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар тизими;
мажбурий тиббий сұғурта тизими –	давлатнинг мажбурий тиббий сұғурта доирасида сұғурталанган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилған ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар тизими;
қўшма тўлов	сұғурта қилдирувчи (бемор) ўз маблағлари ҳисобидан давлат кафолатларининг бепул ҳажмидан ортиқ кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун тўланадиган сумма;
сұғурта ҳодисаси	сұғурталанган шахснинг мажбурий тиббий сұғурта шартномаси бўйича тиббий-профилактика хизматларини олиш бўйича тиббий муассасага мурожаат қилиши ваўзнавбатида мажбурий тиббий сұғурта жамғармасига қонун хужжатларига мувофиқ сұғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради;
Мажбурий тиббий сұғурта жамғармаси	бу ахолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини таъминлаш учун маблағ тўплайдиган, шунингдек тиббий хизматларни этказиб бериш бўйича шартнома ҳажмида ва шартларида тиббий хизматларни сотиб олиш ва Ўзбекистон Республика қонунчилигига назарда тутилган бошқа функцияларни бажарадиган давлат нотижорат ташкилоти;
мажбурий тиббий сұғурта учун мақсадли давлат ажратмалари	тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини молиялаштириш учун ажратилған давлат солиқлари ва йиғимларининг улуши, асосан заарли маҳсулотларга (тамаки, алкоголь ва бошқалар) актсиз солиғининг белгиланган фоизи, шунингдек давлат томонидан белгиланган ва қонун билан тақиқланмаган бошқа солиқлар.
Мажбурий тиббий	тиббий-профилактика ёрдамини олишнинг

суғуртанинг мақсади	конститутсиявий кафолатлари ва унинг барча фуқаролар учун зарур бўлган, этарли даражада тегишли сифат даражасида бўлишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг молиявий хавфсизлигини таъминлашдан иборат.
Соғлиқни сақлаш тизими	тиббий ёрдамни ташкил этиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлик даражасини яхшилашга қаратилаган ва ижтимоий - иқтисодий характерга эга бўлган давлат ва жамият чора - тадбирлари йигиндиси тушунилади.
Тиббий ёрдам	олий ва ўрта маҳсус тиббий билимга эга бўлган шахслар томонидан туғруқда, касалланиш, шикастланиш ва заҳарланишда амалга ошириладиган даволаш профилактик чора - тадбирлар йигиндиси тушунилади.
Бирламчи тиббий санитария ёрдами (БТСЁ)	тиббий санитария хизматининг муҳим шакли бўлиб, аҳоли ва мамлакатнинг имкониятларидан келиб чиқиб, аҳолининг, жумладан хар бир инсоннинг фаол иштирокида унинг эҳтиёжига кўра кўрсатиладиган керакли ва муҳим ёрдам ҳисобланади. Аҳолини бирламчи тиббий санитария ёрдами билан таъминлаш давлат сиёсати ва тактикаси бўлиб, мамлакат ривожланишининг хар бир босқичида, ижтимоий адолат руҳида аҳолига иложи борича яшаш ва иш жойига яқин жойда, жамоатчиликнинг барча кучлари ёрдамида кўрсатиладиган соғлиқни сақлаш чора - тадбирлардир.
Оилавий поликлиника	аҳолига стационаргача бўлган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган тиббий муассасадир.
Диспансеризация	соғлом шахслар саломатлигини сақлаш, касалликларни олдини олиш, касалликларни дастлабки босқичларида аниқлаш, меҳнат қобилиятини йўқотишини олдини олишга қаратилган чора тадбирлар мажмуюи.

Диспансер усули	бу ўтказилаётган даволаш - профилактика чора - тадбирларининг синтези ҳисобланади.
Шаҳар касалхонаси	аҳолига юқори малакали ихтинослашган стационар ёрдамини кўрсатишга мўлжалланган тиббиёт муассасасидир.
Туман тиббиёт бирлашмаси -	туманларда (шаҳарларда) аҳолига тиббий ёрдам сифатини янада ошириш мақсадида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ташкил этилди. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси марказий туман (шаҳар) касалхонаси, Тошкент шаҳрида қўп тармоқли марказий туман поликлиникалар негизида ташкил этилади. Бирлашма ўз фаолиятида икки томонлама – тегишли ҳудуд ҳокимлигига ва соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органига бўйсунади. Бирлашма тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича клиник ўқув база ҳисобланади.
Қишлоқ врачлик пункти	тегишли ҳудудда қишлоқ аҳолисига врачнинг дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатишига мўлжалланган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади.
Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш	аёлларни оналик вазифасини бажарган, бола тарбияси билан шуғулланган ҳолда ишлаб чиқаришда ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази	республика аҳолисига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи бош даволаш ва илмий-услубий муассаса бўлиб ҳисобланади.

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2107-сонли Фармони\

9. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (358-II-сон 05.04.2002).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 3214-сонли Фармони

11. Президентнинг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ 3923-сонли Фармони

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-700 сонли Қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги “2014 - 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2221 сонли Қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартағи «Ўзбекистон республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2857-сонли Қарори

16. Ўзбекистон республикаси президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли Қарори

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндағи “Ўзбекистон республикаси аҳолисига 2017—2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли Қарори

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 201825 январдаги “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3494-сонли Қарори

19. Ўзбекистон республикаси вазирлар махкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги қарори “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашта, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 718 - сонли Қарори

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш

соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора тадбирлар тўғрисидаги» ПФ-5590-сонли Фармони

22. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4063-сонли Қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 02 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли қарори

24. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5814-сонли Фармони

II. Асосий адабиётлар

13. Б.М.Маматкулов. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Дарслик. Тошкент –Илм Зиё. 2013. 574 б.

14. Б.М.Маматкулов, Н.Рахманова, В.Ла Морт. Клиническая эпидемиология: Основы доказательной медицины. – Типография ТМА, Ташкент -2011, 225с.

15. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти., Дарслик. Ворис нашриёти, Тошкент- 2015, 240 б.

16. Б.М. Маматкулов, Д.Косимова.Тиббий ёрдам сифатини ошириш асослари. Ўқув қўлланма. Ворис нашриёти, Тошкент- 2019, 200 б.

17. Д.А.Асадов. Медицинское страхование (основные системы). Ташкент-2004.

18. Ю.П.Лисицын. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник. – 2-е изд. –М.: Гэотар-Медиа, 2010. – 512 с.;

6. Питер Ф., Друкер., Практика менежмента. М. 2002.

7.Д.Н.Рахимова ва б. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 792б.

III.Кўшимча адабиётлар

17. Р.Р.Хасанов, Н.Х. Хайдаров, Т.С.Маликов ва б. Молиявий бошқарув. Тошкент. Г.Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 840б.;

18. В.А.Миняева, Н.И.Вишнякова. Общественное здоровье и здравоохранение: учебник для студентов. 5-е изд., перераб.и доп. – М.: МЕДпресс-информ, 2009. – 656 с.;

19. Г.Сайдова, Д.Асадов ва б. Ўзбекистон инсон тараққиёти тўрисида маъруза. БМТТД нашриёти. Тошкент. 2006. – 144б.;

20. Международная классификация болезней. Десятый пересмотр (МКБ-10): Русско-Узбекское издание. Ташкент, 2004. – 742с.;

21. Гришина В.В. Обязательное медицинское страхование в Российской Федерации. Сборник законодательных актов и нормативных документов. Москва-1994.

22. Лебедов А.А. Рночная экономика: маркетинговые основы управления, организации и финансирование национальной системы охраны здоровья. Самарский дом печати-1996.

23. Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент: пер.с англ.под ред.Л.А.Волковой, Ю.Н.Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. – 752с.;

24. М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента: пер.с англ. - М.: Дело, 2002. – 704 с.;

25. Lawrence F.Wolper. Health care administration: principles, practices, structure, and delivery. New York. 2nd ed. Aspen Publishers, Inc.1995. – 706 p.;

26. Robert J.Taylor, Susan B.Taylor. The AUPHA Manual of Health Services Management.Gaithersburg, Maryland. Aspen Publishers, Inc. 1994. – 652 p.;

27. Mary Louise Murray. Supervisory Management for Healthcare Organizations. US. 4th ed. Wm.C.Brown Publishers. 1991. – 421 p.

Интернет ресурлар:

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.lugat.uz,
4. www.glossaiy.uz
5. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
6. www.press-uz.info
7. <http://www.uforum.uz/>
8. <http://www.assc.uz/>
9. <http://www.xabar.uz>
10. www.ziyonet.uz
11. www.edu.uz